ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

**Геология ва кончилик иши факультети**

**«Геодезия, кадастр ва ердан фойдаланиш» КАФЕДРАСИ**

**«SHAHAR VA AHOLI YASHASH JOYLARINI LOYIHALASH VA QURISH ASOSLARI» фанидан**

# ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУА ТАРКИБИ

**Қарши -2022**

“ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИШ АСОСЛАРИ”ФАНИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА
**(бакалавриат босқичи талабалари учун)**

-Қ.: ҚарМИИ, 2022. ______-бет.

“**Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш ва қуриш асослари**” фанидан тажриба-синов ўқув-услубий мажмуаси Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Ер тузиш ва ер кадастри” кафедрасида тайёрланган. Ушбу мажмуа ўқув-услубий ва маълумотли ҳужжатлардан иборат бўлиб, талабаларни маъруза ва амалий машғулотларни мустақил ўрганиш бўйича ўзлаштириш сифатини оширади. Ўқув-услубий мажмуа “**Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш ва қуриш асослари**” фани бўйича бакалавриат босқичи талабалари учун мўлжалланган.

МАЪРУЗАЛАР ТУПЛАМИ

## МУНДАРИЖА



| № | Мавзу номлари ва режалари | Ажратилган соатлар |
|---|---|---|
| 1 | **Мавзу:Лойиҳа тузишдаги асосий материаллар ва қурилиш буладиган участкалар ўрнини танлаш.**<br>1) Лойиҳа тузиш учун зарур бўлган материаллар<br>2) Лойиҳа тузиш учун аҳоли пункти майдонини танлаш<br>Лойиҳа тузишдаги жой бинолар, иншоотлар қуриш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар | |
| 2 | **Мавзу : Аҳоли ва оилалар сонини ҳисоблаш**<br>1) Хўжаликда ва ундаги аҳоли пунктларида яшайдиган аҳоли сонини узоқ муддатга аниқлаш усуллари<br>2) Аҳоли сонини иш ҳажмига нисбатан ҳисоблаш<br>3) Аҳоли сонини статистик маълумотлар асосида ҳисоблаш.<br>4) Аҳоли сонини экстраполяция усули билан ҳисоблаш<br>5) Аҳоли сонини табиий узгаришларга хос булмаган формулалар билан аниқлаш<br>6) Оилалар сонини демографик таркибий кисмини статистик маълумотлар асосида аниқлаш<br>7) Оилалар таркибининг қурилиш ҳажми, уй жой турларини сонини аниқлашдаги аҳамияти | |
| 3 | **Мавзу: Аҳолининг уй-жойга, маданий-маиший ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш қурилишларига бўлган талабини аниқлаш.**<br>1) Аҳолини уй-жойга бўлган талабини аниқлаш.<br>2) Аҳолини маданий-маиший бино ва ишлаб-чиқариш қурилишларига бўлган талабни аниқлаш.<br>3) Жамоа корхоналарининг тури,сони,сигими ва уни жойлашадиган майдонларни аниқлаш<br>4) ишлаб-чиқариш қурилишларининг тури ва сони аниқлаш.<br>5) Лойиҳада жойлашадиган бинолар, иншоатлар руйхати | |
| 4 | **Мавзу:Аҳоли яшайдиган жойнинг майдонини ҳисоблаш**<br>1) Аҳоли яшаш худуди майдонини ҳисоблаш<br>2) Аҳоли яшайдиган кварталлар, маданий-миший хизмат кўрсатиш комунал корхоналар майдонларини аниқлаш<br>3) Ишлаб-чиариш корхоналари, умумий фойдаланиладиган кукаламзорлар ва спорт курилмалари майдонларини аниқлаш | |
| 5 | **Мавзу:Функционал худудларни жойлаштириш.**<br>1) Аҳоли пунктидаги фукционал худудлар<br>2) Аҳоли яшайдиган ишлаб-чиқариш , ташки ва химоя худуди.<br>3) Фукционал худудларни жойлаштиришдаги ва лойиҳасини тузишдаги асосий омиллар, ва меъёрлар | |
| 6 | **Мавзу:Жамоа майдонлари ва кучалар тармоғини жойлаштириш, аҳоли яшайдиган жойнинг асосий кисмлари ва элементларини жойлаштириш шартлари.**<br>1) Аҳоли пункти лойиҳасининг асосий элементларини | |

| | | |
|---|---|---|
| | жойлаштириш шартлари.<br>2) Аҳоли пунктидаги асосий функционал кисмлари ва элементларини жойлаштиришдаги иқтисодий, санитария-гигиена, қурилиш ишларининг бажарилиши, меъморий, меъёрий талаблар<br>3) Жамоа майдонларининг асосий вазифаси ва уларни жойлаштириш<br>4) Кучалар тармоғи лойиҳасининг асосий ва таркибий кисми ва уларни жойлаштиришда релъефни таъсири | |
| 7 | **<u>Мавзу:Лойиҳанинг меъморий композицияси, қуроллари ва Табиий шароитнинг лойиҳа композициясидаги аҳамияти</u>**<br>1) Лойиҳанинг меъморий композициясининг асосий компонентлари.<br>2) Композициянинг асосий қуроллари<br>3) Композициянинг асосий қуролларини лойиҳалашда қўллаш<br>4) Жой табиий шароитининг лойиҳа таркибини ташкил қилишдаги аҳамияти<br>5) Лойиҳанинг меъморий композициясини яратиш, тузиш усуллари<br>6) Лойиҳа меъморий ечимларида албатта киши таъсуротининг ўсиш тушунчасидан фойдаланиш | |
| 8 | **<u>Мавзу:Кучалар тизими ва кучалар тоифалари.</u>**<br>1) Кучалар лойиҳанинг техник ва композиция асоси, кучалар ички катнов тизими<br>2) Геомметрик тўғри шакилдаги кучалар, эркин ландшафтли кучалар, аралаш кучалар тизими<br>3) Тур, шахмат, нур, айлана ва диогнал шакиллардаги кучалар<br>4) Кучалар тоифалари<br>5) Пасёлка кучаларини булиниши | |
| 9 | **<u>Мавзу: Кучаларни лойиҳалаш.</u>**<br>1) Кучаларни шамол йуналишига, экваторига нисбатан, рельефини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш<br>2) Кучаларни кесишиши<br>3) Чоррахаларда хавсизлик тадбирлари ва хавфсизлик ромби<br>4) Кучаларга нисбатан биноларни жойлаштириш усуллари | |
| 10 | **<u>Мавзу: Майдонлар ва уларга жамоа биноларини жойлаштириш.</u>**<br>1) Жамоа майдонлари турлари, шакиллари ва улчамлари<br>2) Жамоа майдонларини кучалар билан боглаш<br>3) Жамоа майдонига биноларни жойлаштириш ва архитектура ансамбили | |
| 11 | **<u>Мавзу: Аҳоли яшайдиган худуд таркиби</u>**<br>1) Аҳоли яшайдиган худуддаги уй-жой жамоа корхоналари ва иншоотлари лойиҳасининг таркибий кисмини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши.<br>2) Лойиҳанинг таркибий бирлигини ташкил қилишда аҳолининг | |

| | | |
|---|---|---|
| | амалий талабларининг кондирилиши, яшаш шароити, маданий-маиший хизмат кўрсатилишини асос килиб олиниши.<br>3) Лойиҳанинг таркиби бирлиги. | |
| 12 | **<u>Мавзу: Қишлоқ хўжалигидаги уйлар ва уларни жойлаштириш шартлари.</u>**<br>1) Аҳоли уй- жойларининг турлари ва уларнинг ижтимоий – иқтисодий курсаткичлари.<br>2) Аҳоли уйларини куёш нури тушиб туришини ва рельефини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш.<br>3) Биноларнинг нишаблиги катта жойларда жойлаштириш шартлари ва усуллари. | |
| 13 | **<u>Мавзу: Томорка ер участкасининг лойиҳаси</u>**<br>1) Томаркали, томаркасиз ва секцияли уйлар тўғрисида тушунча.<br>2) Томорка майдони, уларнинг улчамлари.<br>3) Аҳоли уйларининг кучага нисбатан жойлашиши.<br>4) Томорка элементлари, уйларни томорка майдонига жойлаштириш.<br>5) Томорка участка лойиҳалари | |
| 14 | **<u>Кварталлар, уларнинг тури, шакли ва биноларни жойлаштириш</u>**<br>1) Кварталлар, лойиҳасининг асосий элементлари.<br>2) Каврталлар тури, шакли ва улчамлари<br>3) Томоркали ва томоркасиз кварталлар жойлаштириш<br>4) Оддий ва мураккаб кварталлар уларни экваторга нисбатан жойлаштириш. | |
| 15 | **Мавзу: Жамоа корхоналари участкаларининг лойиҳалари**<br>1) Жамоа корхоналари турлари.<br>2) Жамоа корхоналари учун ажратиладиган ва жойлашадиган ер майдони меъёрлари.<br>3) Маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш шартлари, хизмат кўрсатиш радиуслари.<br>4) Жомао корхоналари майдонининг лойиҳасини тузиш | |
| 16 | **<u>Мавзу:Мактаблар, болалар богчаси, савдо маркази , умумий овкатланиш, маъмурий тиббиёт корхоналарини лойиҳаларини тузиш</u>**<br>1) Мактабларни лойиҳаларини тузиш<br>2) Болалар богчасини лойиҳаларини тузиш<br>3) Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарини лойиҳаларини тузиш<br>4) Маъмурий тиббиёт корхоналарини лойиҳаларини тузиш | |
| 17 | **<u>Мавзу: Истирохат боги ва хиёбонлар</u>**<br>1) Истирохат боги аҳоли яшайдиган жойнинг асосий ва ажралмас компоненти ва унинг аҳамияти ва вазифаси.<br>2) Истирохат боги майдонини аниқлаш меъёри, фаол ва тинч дам | |

| | | |
|---|---|---|
| | олиш худудлари.<br>3) Истирохат боги элементларини жойлаштириш.<br>4) Кичик архитектура шакиллари.<br>5) Булварлар ва хиёбонлар.<br>6) Аҳоли пунктини безатиш учун ишлатиладиган қурол сифатида фойдаланиши, шакиллари ва эгаллайдиган майдони. | |
| 18 | **Мавзу: Қишлоқларни қайта круишнинг асосий йуналишлари**.<br>1) Мавжуд қишлоқларни қайта қуриш тўғрисида тушунча.<br>2) Қишлоқларни қайта қуришнинг мазмуни, йуналишлари ва вазифалари.<br>3) Санитария гигиена ҳолатини яхшилаш , аҳоли талабини кондириш, қишлоқларнинг умумий кўринишини яхшилаш<br>4) Биноларни жисмоний ҳамда маънавий эскириш тўғрисида тушинча ҳамда буни лойиҳа тузишда ҳисобга олиш<br>5) Лойиҳа тузишда хар бир бино ва иншоотларнинг бир йилдаги уртача эскиришини аниқлаш.<br>6) Эскириш даврларини ҳисоблаш усуллари | |
| 19 | **Мавзу: Ишлаб-чиқариш худуди таркиби ва уларни жойлаштириш**<br>1) Ишлаб чиқариш худуди, хўжалик майдонининг бир кисми.<br>2) Ишлаб чиқаришнинг турлари<br>3) Ишлаб чиқариш ховлиларини жойлаштириш талаблари | |
| 20 | **Мавзу: Ишлаб чиқариш мажмуаларининг лойиҳаларини тузнш тартиби**<br>1) Ҳамма ишлаб чиқариш ховли ва мажмуаларини хўжаликнинг умумий ер майдонига, аҳоли яшайдиган жойига ва бир бирига нисбатан жойлаштириш талаблари.<br>2) Лойиҳа тузиш учун кераклн материаллари<br>3) Ишлаб чиқариш ховли ва мажмуаларини куввати, сақланадиган махсулотлар ҳажми, моллар сони, бокиш усуллари, ем хашак тури, ва улар билан таъминланиши.<br>4) Бино шншоотлар тури ва сони | |
| 21 | **Мавзу: Ишлаб чиқариш мажмуаларидаги бино ва иншоотларни жонлаштириш усуллари**<br>1) Повилон усулида бино ва иншоотларни жойлаштириш<br>2) Билок усулида бино ва иншоотларни жойлаштриш | |

| | | |
|---|---|---|
| 22 | **<u>Мавзу: Йирик шохли моллар мажмуаси</u>**<br>1) Боглаб бокиладиган усулда йирик шохли кора моллар мажмуасини лойиҳалаш<br>2) Богланмай бокиладиган усулда йирик шохли кора моллар мажмуасини лойиҳалаш<br>3) Алмашиб бокиладиган усулда йирик шохли кора моллар мажмуасини лойиҳалаш<br>4) Бажариладиган ишлар тартибини ҳисобга олган ҳолда лойиҳасини тузиш | |
| 23 | **<u>Мавзу: Озик - овкат мажмуаси.</u>**<br>1) Озик-овкат мажмуасидаги бино ва иншоотлар тури ва сони<br>2) Қишлоқ хўжалик махсулотларини ҳисоблаш ва улардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мажмуа лойиҳасини тузиш. | |
| 24 | **<u>Мавзу: Қишлоқ хўжалик машиналарини саклаш ва таъмирлаш мажмуаси ва қурилиш ховлиси.</u>**<br>1) Қишлоқ хўжалик машиналарини саклаш ва таъмирлаш мажмуасидаги бино ва иншоотлар тури ва сони<br>2) Мажмуада бажариладиган ишлар тури ва тартибини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа тузиш<br>3) Ёгочларни арралаш курилмаси, келтирилган ёгочлар учун очик майдон<br>4) Қурилиш ховлисидаги бино ва иншоотларни, минтакаларни жойлаштириш ҳамда лойиҳалаш | |
| 25 | **<u>Мавзу: Пахта ховлиси ва нефть махсулотларини саклаш мажмуаси</u>**<br>1) Пахта ховлисида жойлашадиган бино ва иншоотлар<br>2) Пахта ховлисини лойиҳалаш тартиби.<br>3) Нефть махсулотларини саклаш мажмуасини лойиҳалаш<br>4) Нефть махсулотларини саклаш мажмуасини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган элементлар. | |
| 26 | **<u>Мавзу:Иссик хоналар ва пайкаллар хўжалиги ва минерал угитларни саклаш ховлиси</u>**<br>1) Иссик хоналар ва пайкаллар хўжаликларининг аҳамияти ва лойиҳалаш тартиби<br>2) Иссик хоналар ва пайкаллар хўжаликларини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган элементлари<br>3) Минерал угитларни саклаш ховлисини лойиҳалаш тартиби<br>4) Минерал угитларни саклаш ховлисини лойиҳалашда хислбга олинадиган омиллар. | |
| 27 | **<u>Мавзу:Аҳоли пунктини ободонлаштириш</u>**.<br>Режа:<br>1) Ободонлаштириш тадбирлари.<br>2) Ичимлик суви билан таъминлаш.<br>3) Чикинди сувларини ташқарига чиқариш | |
| 28 | **Мавзу: Лойиҳанинг техникавий-иқтисодий курсаткичлари** | |
| | | |

# КИРИШ

Қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойлар (қишлоқлар, овуллар, посёлкалар) доимо хўжалик ерлари, ишлаб чиқариш худудлари билан боглик ва бошқа хўжаликлар, муассасалар, ташкилотлар, корхоналар билан алокада булади. Бу алокалар аҳоли яшайдиган жойларга ва аҳоли яшайдиган жойлар эса хўжалик ишларини ташкил қилишга ва юритишга бевосита хизмат килади.

Аҳоли яшайдиган жойлар деб, одамларнинг бирор корхона ва муассасаларда ишлаб, у ерда доимий ёки вактинчалик яшайдиган жойига айтилади. Шу ерда яшайдиган аҳолининг моддий бойлиги – кучмас мулклари, яъни уй-жой, маданий-маиший, коммунал ва ишлаб чиқариш бинолари, муҳандислик иншоотлари жойлашади. Аҳоли яшайдиган жойларнинг лойиҳасини тузиш, бу унинг майдонини ташкил қилиш, яъни у ерга аҳолининг уйлари, жамоа ва ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини жойлаштириш, аҳоли пунктининг меъморий ташкил этилишини билдиради.

Аҳоли яшайдиган жойлар, шахарларга, посёлкаларга ва қишлоқ хўжалигидаги аҳоли пунктларига булинади. Шахарлар – бу йирик аҳоли яшайдиган жой булиб, аҳолининг 80-90 фоизи қишлоқ хўжалик ишлари шугулланмайди. Шахардаги асосий ишчи кучи саноат, маданий-маиший ва маъмурий ишлар билан банд булади.

Посёлкаларга, казилма бойликлар, завод, фабрика, темир йўл станциялари, курортлар ва бошқа корхоналар учун хизмат киладиган ишчи посёлкалари киради. Бу посёлкалардаги аҳолининг асосий кисми қишлоқ хўжалик ишлари билан боглик булмайди. Посёлкани ташкил килувчи асосий ишчи кучи сони, корхонанинг йуналиши, ишлаб чикариладиган махсулотлар ҳажмига караб аникланади.

Қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойларга жамоа, давлат, жамоа, ширкат, тажриба ва бошқа корхоналар киради. Аҳоли пунктини ташкил этувчи асоси - қишлоқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойларнинг бошқа аҳоли пунктларидан қуйидаги томонлари билан фарк килади:

| Аҳоли пунктлари | Посёлкалар, минг киши | Қишлоқ аҳоли пунктлари, минг киши |
|---|---|---|
| Йирик | 10 дан куп | 5 дан куп |
| Катта | 5-10 | 2-5 |
| Уртача | 3-5 | 1-2 |
| Кичик | 3 гача | 1 гача |

- қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги аҳоли пунктлари аҳолиси, узлари ишлайдиган ер майдонига жойлашади;
- аҳолиси қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришдан ташқари шахсий тармоклари билан ҳам шугулланади;
- у жойларда асосан бир қаватли уйлар курилади. Чунки шахсий хўжалигини юритиш (бог яратиш, экин экиш, мол бокиш) учун бир қаватли уйлар қулай булади.

Аҳоли яшайдиган жойни тўғри ташкил этиш, яъни янги қурилишларни жойлаштириш, бино ва иншоотлардан тулик фойдаланиш ва ободонлаштириш

ишларини меъморий, иқтисодий талабларга асосланган аҳоли пункти лойиҳасининг яратилиши мухим аҳамиятга эга.

Аҳоли яшайдиган жойларни лойиҳалаш фани назарий, илмий ва амалий фан булиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари аҳоли пунктларининг лойиҳаларини тузиш ва уни амалга оширишда ижтимоий, иқтисодий, санитария-гигиена, техникавий ва меъморий талабларни уз ичига олади. Аҳоли яшайдиган ва ишлаб чиқариш худудлари майдонларини ташкил қилиш, жиҳозлаш коида ва усуллари, меъёрларидан фойдаланиб, аста-секин ободонлашган аҳоли пунктига айлантиришни ургатади.

Аҳоли яшайдиган жойларни лойиҳалаш фани диалектик-билиш, англаш, тушуниш туйгу ва услубларига асосланган аҳоли пунктларининг ривожланиши, қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий шароити билан боглик бўлган илм-фан, техника, маданият тараккиётларига ва табиий омилларнинг таъсирига боглик булади.

Илмий-тадкикот ишларини олиб боришда тахлил қилиш, аналитик ҳисоб-китоб, солиштиришлар, вариантлар, графиклар, иқтисодий математика, моделлаштириш ва бошқа усуллар кулланилади.

Лойиҳанинг иқтисодий, меъморий, техникавий ва бошқа ечимлари қуйидаги принципларга асосланади:

- лойиҳадаги ҳамма қурилишлар ва иншоотлар тури, ҳажми, сони хўжаликнинг келажакдаги ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини ва унинг ижтимоий ривожланишини таъминлаши керак;
- Узбекистон Республикасининг сугорилиб дехкончилик килинадиган вохаларида аҳоли зич жойлашган. Бу ерлардаги қишлоқлар, овуллар, посёлкалар, кургонлар деярли ҳамма муҳандислик иншоотлари билан таъминланган, узига хос қишлоқ инфратузилмаси ташкил топган. Лекин аҳоли яшайдиган жойларда доимо янги корхоналар, уларнинг иморатлари, кучаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Бу ерларга жойлаштириладиган ва куриладиган енгил ва огир саноат, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлайдиган ва бошқа корхоналарни жойлаштиришда аҳоли пунктларига ва бошқа салбий таъсир курсатувчи омиллар ҳисобга олиниши шарт;
- иқтисодий жихатдан, хўжалик юритиш талабини кондириш, маблагларни тўғри сарфлаш, лойиҳадаги ҳамма элементларни тўғри жойлаштириш, шу жойнинг шароитига мослашган уй-жой, жамоа корхоналари ва ишлаб чиқариш биноларининг лойиҳаларини танлаш ва кабул қилиш керак;
- техник томондан жойнинг рельефини, тупрок каршилигини, ёнгинга карши ва бошқа меъёрларни ҳисобга олиш керак;
- лойиҳа тузиладиган жой тупроғи унумдор, сел келиш, ер кучиш, касал таркалиш манбалари йук тоза жойдан ажратилиб, шу жойда яшайдиган аҳолининг яшаши, ишлаши ва дам олишига шароит яратилиши керак.

Бу фан янги ташкил этиладиган хўжаликлардаги булажак аҳоли пунктлар ўрнини танлашда, мавжуд қишлоқларни қайта қуришда ва уларнинг майдонларини ташкил этишда қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлайдиган ва бошқа корхоналарни, ташкилотларни жойлаштиришда, коида ва меъёрларга асосланиб иш олиб борувчи ер тузиш бакалаври ва магистри мутахасисларини тайёрлашда укитиладиган асосий фанлардан бири ҳисобланади.

## I-БОБ

## *АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЖОЙЛАРНИНГ ЛОЙИҲАСИ ВА УНИ ТУЗИШ УЧУН КЕРАКЛИ МАТЕРИАЛЛАР*

### 1. <u>Мавзу:Лойиҳа тузишдаги асосий материаллар ва қурилиш буладиган участкалар ўрнини танлаш.</u>

Режа:

1) Лойиҳа тузиш учун зарур бўлган материаллар
2) Лойиҳа тузиш учун аҳоли пункти  майдонини танлаш
3) Лойиҳа тузишдаги жой бинолар, иншоотлар қуриш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар

*Таянч иборалар: хўжаликнинг ривожланиш режаси, ер тузиш лойиҳаси, бирламчи-асосий материал,пасёлка, далолатнома.*

Тавсия этиладиган адабиётлар:14,16,20

Аҳоли яшайдиган жойларнинг лойиҳасини тузиш ва қуриш учун керакли асосий материалларга қуйидагилар киради: туман ва хўжаликнинг ривожланиш режаси; хўжаликнинг ички ер тузиш лойиҳаси; махсус текширув ва муҳандислик қидирув материаллари; лойиҳа тузиш учун вазифа.

Лойиҳа тузиш учун бирламчи-асосий материалларни тайёрлашда туманнинг ривожланиш режасидан келажакда яшайдиган аҳоли сони, неча қаватли иморатлар қурилиши, муҳандислик жиҳозлаш ва ободонлаштириш савияси, ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг жойланиши, йўл тармоғи ва ҳоказо маълумотларидан фойдаланилади. Ундан ташқари хўжаликнинг ер турларининг, йўлларининг жойланиши ҳам ҳисобга олинади ва лойиҳа тузишда яна аникланади.

Лойиҳа тузишдан олдин лойиҳа тузиладиган жойда мавжуд аҳолининг уйлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа муҳандислик иншоотлари, уларнинг хозирги ҳолати аникланади.

Лойиҳа 1:2000 (айрим ҳолларда 1:5000) миқёсда, рельефи 0,5-1,0 м горизонталлар билан кўрсатилган топографик асосда бажарилади.




Аҳоли яшайдиган жойдаги қурилишларни амалга ошириш учун бу майдонни техник-иқтисодий, санитария-гигиена талаблари асосида ва табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда қидирув ишлари олиб борилади.

Аҳоли яшайдиган майдонни танлашга табиий шароитлар (об-ҳаво, рельеф, тупроғи, ер ости суви, сув манбалари ва бошқалар) ҳар хил таъсир кўрсатади.

Ҳар ҳолда аҳоли яшайдиган майдонни танлашда, табиий шароити яхши, рельефи иморатларни қуриш учун қулай, посёлканинг кўриниши чиройли, қатъий шамолдан сақланган, сув манбаларига яқин, аҳолининг ишлаши ва яшаши учун қулай жой ажратилиши лозим. Қишлоқ хўжалигидаги жамоа ва давлат хўжаликлар посёлкаларининг ўрнини аниқлашда ёки мавжуд қишлоқларни қайта қуришда иморатлар, иншоотлар куриладиган майдоннинг рельефи текис булиши керак. Агар посёлка майдониини шароитга караб кир-адир жойлардан танлаш зарур булса, у вактда кир-адирнинг куёш нури яхши тушадиган ёнбагридан ажратиш лозим. Лекин қурилиш ва муҳандислик иншоотлари ишларини бажаришда тупрок ишлари ҳажми куп булмаслиги ҳам ҳисобга олинади.

Посёлкада 1-3 қаватли бинолар курилади. Бунда ернинг юк кутариш кобилияти 1-2 кг/см$^2$ дан кам булмайди, юкори қаватли бинолар учун бу курсаткич ошиб боради.

Ернинг (тупрокнинг) юк кутариш кобилиятини, намланишини махсус текширувлар натижасида аникланади.

Посёлка куриладиган майдоннинг ер ости суви бинолар пойдеворидан 0,5 - 1,0 м чукур жойлашсагина қурилишга рухсат этилади. Посёлка жойлашадиган майдоннинг тупроғи экинлар экиш, бог, узумзор ва бошқа кукаламзорлар барпо этиш учун ярокли булиши керак. Посёлка жойлашадиган майдонда аҳолига, молларга ва бошқа хайвонот дунёсига касал ёки радиация нурларини таркатувчи манбалар булмаслиги керак. Посёлка майдони ва казилма бойлик захиралари бор хавзаларда гидротехник иншоотларнинг куйи томонида ва ер кучиш, силжиш худудида жойлаштирилмайди. Хўжаликлар, туманлар, шахарларни богловчи автомобил йўллари ва темир йўллар, янги ва қайта куриладиган посёлканинг ичидан утмайди. Посёлка учун ажратиладиган майдон бу иншоотларнинг бир томонида санитария-гигиена масофаларига риоя килган ҳолда жойлаштирилади.

Аҳоли яшайдиган участкани туман хокимияти томонидан ташкил этилган хайъат танлайди. Хайъат аъзоларига: хайъат раиси- туман хокими ёки унинг муовини ва хайъат аъзоларига - қишлоқ оксоколлар кенгашининг вакили, туман архитектори, туман ер тузиш муҳандиси, туман коммунал корхонаси, сув хўжалиги, санитария - эпидемиология пункти, ёнгиндан саклаш корхоналари вакиллари, хўжалик бошлиги, хўжалик мутахассислари (иқтисодчи, агроном, мироб, мол доктори, курувчи муҳандис ва лойиҳа тузадиган ташкилот вакиллари киради.

Аникланган аҳоли пункти ўрни далолатнома (чизмалари) билан бекитилади.

Назорат учун саволлар:

1) Лойиҳа тузиш учун асосий материалларга кандай материаллар киради.
2) Бирламчи-асосий материаллар татибини айтинг
3) Лойиҳа кандай масштабда бажарилади
4) Таянч план кандай тартибда бажарилади
5) Таянч планга нималар кўрсатилиши зарур
6) Кидрув ишлари кандай тартибда олиб борилиши керак
7) Тупрокни юк кутара олиш кобилиятини нима учун аниклаймиз
8) Бино ва иншоотларни қуриш мумкинлиги тўғрисида кандай маълумотлар керак
9) Аҳоли пункти учун ер ажратиш ҳайъати таркибини айтинг

## 2. ***Мавзу : Аҳоли ва оилалар сонини ҳисоблаш***

Режа:

1) Хўжаликда ва ундаги аҳоли пунктларида яшайдиган аҳоли сонини узоқ муддатга аниқлаш усуллари
2) Аҳоли сонини иш ҳажмига нисбатан ҳисоблаш
3) Аҳоли сонини статистик маълумотлар асосида ҳисоблаш.
4) Аҳоли сонини экстраполяция усули билан ҳисоблаш
5) Аҳоли сонини табиий узгаришларга хос булмаган формулалар билан аниқлаш
6) Оилалар сонини демографик таркибий кисмини статистик маълумотлар асосида аниқлаш
7) Оилалар таркибининг қурилиш ҳажми, уй жой турларини сонини аниқлашдаги аҳамияти

*Таянч иборалар: муҳандислик коммуникацияларини - инфра тузилмалари миграция, башорат, карреляция коэффиценти*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 6,13,14,,20

Узоқ муддатга аҳоли сонини аниқлаш. Аҳоли сонини корхоналарда, хўжаликларда ишчи кучидан окилона фойдаланишда маблагни, озик-овкат ва бошқа махсулотларни таксимлашда, уй-жой, маданий-маиший корхоналарни, муҳандислик коммуникацияларини - инфра тузилмаларини қуришда ва ташкил қилишда энг асосий курсаткич ҳисобланади. Аник бир посёлкадаги аҳоли сони уй-жой, маданий-маиший, корхоналар ишлаб чиқариш бинолари, ободонлаштириш ва муҳандислик иншоотларининг тури, сони, сигими, ҳажми ва бошқа курсаткичларни ҳамда посёлканинг эгаллайдиган майдонини аниклайди. Аҳоли сонини аниқлашнинг икки усули мавжуд:

1) Бажариладиган иш ҳажмига нисбатан аниқлаш;

2) Статистик маълумотлар асосида аниқлаш.

### **Аҳоли сонини иш ҳажмига нисбатан ҳисоблаш.**

Аҳоли сони (Н) уч гурухга булинади:

1Аҳолини ташкил этувчи гурухларнинг абсолют кисми (А)- корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мехнаткашлари. буларга саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, таъминот, қурилиш ва бошқа муассасалар, транспорт, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ишчилари, ходимлари киради. Қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойларнинг аҳолисини ташкил этувчи гурухларнинг абсолют кисмини эса шу хўжаликларнинг (жамоа, давлат, дехкон фермер хўжаликлари, ширкат, бирлашма, ассоциация, корпорация) ишлаб чиқариш билан банд бўлган кишилар ташкил этади.

2 Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишда банд бўлган кишилар (Б) сони. 14-22% ни ташкил килади.

3 Аҳолининг ишлаб чиқаришда маданий-маиший хизмат кўрсатиш сохаларида банд булмаган кисми (В)-мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, нафакахурлар, мехнатга кобилиятли ёшдаги уй ишлари ва шахсий хўжаликлари билан банд бўлган шахслар ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда укийдиган хунар билим юрти, техникумлар ва олий укув юрти талабалари . Аҳолининг бу гурухи 50-60% ни ташкил килади. Агар жами аҳоли сонини 100% деб кабул килинса, аҳолини ташкил этувчи гурухи (фоиз ҳисобида) 100-(Б+В) булади.

$$\frac{Н}{А} = \frac{100}{100-(Б+В)}$$

$$Н = \frac{А \cdot 100}{100-(Б+В)}$$

Аҳолининг мехнатга кобилиятли кисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва нафакага чиккан ва ишлаш истагини билдирган кисмини ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$Н = \frac{А \cdot 100}{Т-а-в-п+m-Б}$$

Бу ерда

Н - келажакдаги умумий аҳоли сони;
А - аҳолининг асосини ташкил этувчи гурухи;
Т - келажакдаги мехнатга кобилиятли ёшдаги аҳоли сони, 36,9%;
а - мехнатга кобилиятли ёшдаги, уй ишлари ва шахсий хўжаликларида банд бўлган кишилар, 3,0 %;
в - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган, мехнатга кобилиятли ёшдаги укувчилар, 3,3 %;
п - мехнатга кобилиятли ёшдаги ишламаётган ногиронлар, 0,4%
m - ишлаётган нафакахурлар, 4,4%;
Б - аҳолининг маданий-маиший хизмат кўрсатиш сохасида банд бўлган гурухи, 14-22%.

Аҳолининг асосини ташкил этувчи кишилар сонини куриладиган ташкилотлар, корхоналарнинг (завод, фабрика, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, транспорт ва бошқалар) кувватига ва улардаги мавжуд иш уринлари билан аникланади. қишлоқ хўжалиги хом ашёларини етиштириб берадиган жамоа, давлат ва бошқа хўжаликлардаги аҳолининг асосини ташкил этувчи кишиларнинг хакикий сонини (А) қуйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$А = \frac{Р}{П}$$

Р - хўжаликдаги жами фойдаланиладиган ер майдони, га;
П -уртача бир кишига тўғри келадиган (бир кишининг ишлаши мумкин бўлган) фойдаланадиган ер майдони, га.

## Аҳоли сонини статистик маълумотлар асосида ҳисоблаш.

Сугорилиб дехкончилик килинадиган вохалардаги хўжаликларнинг узоқ муддатга аҳоли сонини аниқлашда, аҳолининг табиий ўсишини ва кучиб келиши ва кетишини (миграция) ҳисобга олган ҳолда аникланади:

$$Н_t = Н_м \cdot (1 + \frac{v \pm p}{100})^t$$

бу ерда:

$Н_t$ - t йилдан кейин (кутилган) буладиган аҳоли сони;
$Н_м$ - мавжуд аҳоли сони;

V - аҳолининг бир йилдаги уртача ўсиши, %

р -аҳолининг бир йилда уртача кучиб келиши ва кетиши, %.

Хўжалик ёки корхоналарнинг келажакдаги аҳоли сонини аниқлашда туман статистик бошқармасининг бир неча йиллик маълумотларидан фойдаланилади ва аҳолини иш ҳажмига караб аникланганда натижа билан солиштирилади. Агар $Н_t > Н$ булса, кушимча ишчи уринларини ташкил қилиш, $Н_t < Н$ булса, кушимча ишчи кучини жалб қилиш кузда тутилади.

**Аҳоли сонини экстраполяция усули билан ҳисоблаш.**

***1-УСУЛ.*** Аҳолини ҳисоблашнинг бу усулининг маъноси шундан иборатки, аҳолининг олдинги йиллардаги ўсиши ёки камайиши, башорат килинадиган йилларда ҳам асосан сақланиб колади.

Аҳоли сонини аниқлаш қуйидаги тартибда бажарилади:

- бир неча йиллардаги (10,15,20 йил) мавжуд аҳоли сонини статистик маълумотлардан олинади;
- аҳоли сонининг шу йиллардаги ўсиши ёки камайишининг богликлиги (вактнинг утиши билан аҳоли сони узгариши) аникланади;
- богликлик тенгламаси аникланади.
- корреляция коэффициенти ва натижаларнинг хатоси аникланади;
- кабул килинган тенглама ёрдамида келажакдаги аҳоли сони аникланади.

Агарда бир неча йиллардаги аҳоли сонининг ўсиши ёки камайиши графикда кўрсатилса, унда доимо юкори томон (умумий кўриниши) ўсиши кузатилади. Бу графикдан аҳолининг ўсишини (маълум бир чегарада) тўғри чизикка ухшатиш мумкин ва аҳоли сонини узоқ муддатга аниқлашда тўғри чизик тенгламасини кабул киламиз.

$$У_t = а + вt$$

Агарда аҳоли сони узгаришини графикка куйганимизда гипербола ёки парабола шаклига тўғри келса

гипербола - $y_t = \frac{a}{t} + B; y_t = a + \frac{B}{t}$ ёки

парабола - $У_t = авt + сt^2$ ва ҳоказо тенгламаларини кабул қилиш мумкин ва уларнинг коэффициентлари аникланиб эмперик формула топилади. Тенгламани ечиш учун қуйидаги ёрдамчи жадвал бажарилади:

1-жадвал

"Шуржи" кишлогининг келажакдаги аҳоли сонини топиш учун корреляция коэффициенти ва тенглама богликлиги.

| Йиллар | йил индекси, t | аҳоли сони, y | $t^2$ | $y^2$ | $t_y$ | Y = a+bt |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1986 | 1 | 5400 | 1 | 2916000 | 5400 | |
| 87 | 2 | 5350 | 4 | 28622500 | 10700 | |
| 88 | 3 | 5450 | 9 | 29702500 | 16350 | |
| 89 | 4 | 5580 | 16 | 31136400 | 22320 | |
| 90 | 5 | 5670 | 25 | 32148900 | 28350 | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 91<br>92<br>93<br>94<br>95 | 6<br>7<br>8<br>9<br>10 | 5800<br>5900<br>6000<br>5950<br>6114 | 36<br>49<br>64<br>81<br>100 | 33640000<br>34810000<br>36000000<br>35402500<br>37380996 | 34800<br>41300<br>48000<br>53550<br>61140 | |
| жами | 55 | 57214 | 385 | 328003796 | 321910 | |
| П | $\sum t$ | $\sum y$ | $\sum t^2$ | $\sum y^2$ | $\sum ty$ | |

йиллар сони билан аҳоли сонининг корреляция коэффициенти аникланади:

$$У = \frac{\sum ty \frac{\sum t \sum y}{n}}{\sqrt{(\sum t^2 - \frac{(\sum t)^2}{n})(\sum y^2 - \frac{(\sum y)^2}{n})}}$$

тўғри чизик тенгламасининг параметрлари қуйидаги формула билан аникланади:

$$a = \frac{\sum t^2 \sum y - \sum t * \sum y * \sum t}{n\sum t^2 - \sum t * \sum t} = \frac{385 * 57214 - 321910 * 55}{10 * 385 - 55 * 55} = 5230.20$$

$$в = \frac{n * \sum t * y - \sum t * \sum y}{n * \sum t^2 - \sum t \sum t} = \frac{10 * 321910 - 55 * 57214}{10 * 385 - 55 * 55} = 87.67$$

аҳоли сонини топиш учун изланган эмперик формула бундай тусга киради:

$У_t$ =5230,2 +87,7

**2-УСУЛ**. Аҳоли сонини экстраполяция усулида, яъни табиий узгаришларга хос булмаган формулалар билан ҳам аниқлаш мумкин.

$$Эi = Э_{i-1} + \frac{\Delta^1_{n-2} + \Delta_{n-1} + \Delta^1_n}{3} + 2(i+1) + \frac{\frac{\Delta_2^{-1}}{\Delta_1^1} - \frac{\Delta_{n-2}\Delta_n}{3}}{\tau - 1}$$

бу ерда $Э_i$ - изланувчан аҳоли сони;

$Э_{i-1}$ - экстраполяция каторининг охирги аъзоси;

$\Delta_{n-2} + \Delta_{n-1} + \Delta_n$ - экстраполяция каторининг бошлангич биринчи айирмаси, яъни берилган каторнинг охирги учтасининг биринчи уртача фарки;

$\Delta_1^{-1}$ - берилган каторнинг биринчи ярмисининг биринчи уртача фарки;

$\Delta_2^{-1}$ - берилган каторнинг иккинчи ярмисининг биринчи уртача фарки;

r - экстраполяция катори ярмисидаги хадлар сони;

i - экстраполяция каторининг ҳисобланадиган хадларининг тартиб сони.

Берилган экстраполяция каторининг икки ёнмаён ва биринчи уртача фаркини аниклаймиз.

$$\Delta_1^{-1} = \frac{17,8 + 9,7 + 6,9 + 34,7 + 10,2 + 14,8 + 18,2}{7} = 19,0$$

$$\Delta_2^{-1} = \frac{19,4 + 20,0 + 22,0 + 4,0 + 19,0 + 23,0 + 20,0}{7} = 18,34$$

$$Ўсиш\ коэффициенти = \frac{18,34}{19,0} = 0,965$$

Бунда экстраполяция каторининг уртача биринчи фарки қуйидагича булади:

$$\Delta_Э^{-1} = 18,34 \cdot 0,965 = 17,698$$

экстраполяция каторининг биринчи айирмаси ҳисоблаймиз. Бу эса уртача охирги учта берилган каторнинг биринчи айирмасига тенг булади.

$\Delta_Э^{-1}$ ва $\Delta_Э^{-1}$ ларни ҳисоблашда экстраполяция каторининг охирги айирмасини аниклаймиз:

$$\Delta_Э^{''} = \frac{14,396 - 21,0}{7 - 1} = -1,1$$

Экстраполяция каторининг биринчи айирмаси қуйидагиларга тенг булади.

$\Delta_{Э1}^{-1}$=21,0

$\Delta_{Э2}^{-1}$=21,0-1,1=19,9 ва хакоза

$\Delta_{Э3}^{-1}$=19,9-1,1=18,8

$\Delta_{Э4}^{-1}$=18,8-1,1=17,7

Топилган биринчи айирмалар ёрдамида изланган экстраполяция каторини ҳисоблаймиз:

705,0 + 21,0 = 726,0
726,0 + 19,9 = 745,9
745,9 + 18,8 = 764,7
764,7 + 17,7 = 782,4
782,4 + 16,6 = 799,0
799,0 + 15,5 = 814,5 ва ҳоказо

Аҳоли сонини аниқлаш натижаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Иккинчи ва учинчи айирмалар ёрдамида аҳоли сонини экстраполяция усулида аниқлаш.

| Мавжуд аҳоли сони | | Иккинчи, учинчи айирмалар ёрдамида аҳоли сонини экстраполяция усулида аниқлаш | |
|---|---|---|---|
| Йиллар | Аҳоли сони, минг киши | Йиллар | Аҳоли сони, минг киши |
| 1982 | 443,6 | 1997 | 726,0 |
| 1983 | 461,4 | 1998 | 745,9 |
| 1984 | 481,1 | 1999 | 764,7 |
| 1985 | 498,0 | 2000 | 782,4 |
| 1986 | 532,7 | 2001 | 799,0 |
| 1987 | 542,9 | 2002 | 814,5 |
| 1988 | 557,7 | 2003 | 828,9 |
| 1989 | 576,6 | 2004 | 842,2 |
| 1990 | 596,0 | 2005 | 854,4 |
| 1991 | 616,0 | 2006 | 865,5 |
| 1992 | 638,0 | 2007 | 875,5 |
| 1993 | 642,0 | 2008 | 884,4 |
| 1994 | 661,0 | 2009 | 892,2 |
| 1995 | 685,0 | 2010 | 898,9 |
| 1996 | 705,0 | 2011 | 904,5 |

## *3. ОИЛАЛАР СОНИНИ ҲИСОБЛАШ.*

Қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойларнинг лойиҳасини тузишда демографик статистика маълумотлардан аҳолининг табиий ва кучиб келиши ҳамда кетиши натижасида ўсиши, ёшлари, оилалар сонини аниқлашда фойдаланилади. Аҳолининг ёши, таркиби, жамоа корхоналарини (болалар богчалари, мактаблар) жойлаштириш ва қуришда, оилалар таркиби эса куриладиган уйлар сони ва уларнинг хоналарини аниқлашда ишлатилади.

$$Х = \frac{Н}{Ч}$$

Бу ерда: Х - оилалар сони

Н - келажакдаги аҳоли сони

Ч - бир оиланинг уртача таркиби

Республика вилоятларидаги бир оиланинг уртача таркиби:

Коракалпогистон Республикаси- 5,8
Андижон вилояти - 5,4
Бухоро вилояти - 5,9
Жиззах вилояти - 5,5
Кашкадарё вилояти - 5,8
Наманган вилояти - 5,2
Самарканд вилояти - 5,7
Сурхондарё вилояти- 5,9
Сирдарё вилояти - 5,5
Тошкент вилояти -5,4
Фаргона вилояти -6,2
Навоий вилояти - 5,4

3-жадвал

Оилалар таркиби

| Оилалар таркиби | 1 киши | 2 киши | 3 киши | 4 киши | 5 киши | 6 киши | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| % | 1,5 | 13,0 | 19,0 | 18,0 | 17,0 | 31,5 | 100 |
| Оилалар сони | 5 | 39 | 57 | 54 | 51 | 94 | 300 |

*Эслатма: Коэффициентлар, фоизлар шартли равишда берилган.*

Назорат учун саволлар:

1) Узоқ муддатга аҳоли сонини нима учун аниклаймиз
2) Аҳоли сонини аниқлаш усулларини айтинг
3) Аҳолини иш ҳажмига нисбатан ҳисоблаш тартибини айтинг
4) Нафакага чиккан ва ишлаш истагини билдирган кисмини ҳисобга олган ҳолда аҳоли сони кандай ҳисобланади
5) Аҳолининг асосини ташкил этувчи кишиларнинг хакикий сонини кандай ҳисоблаймиз
6) Аҳолининг табиий ўсишини ва кучиб келиши ва кетишини ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонини кандай ҳисоблаймиз
7) Аҳоли сонини экстраполяция усули билан ҳисоблаш тартибини айтинг
8) Табиий узгаришларга хос булмаган ҳолда аҳоли сонини ҳисоблаш тартибини айтинг
9) Оилалар сонини аниқлашда нималарни ҳисобга олиш керак
10) Оилалар сони кандай ҳисобланади
11) Республика вилоятларидаги бир оиланинг уртача таркиби кандай
12) Оилалар таркибини кандай ҳисоблаймиз

**3.** ***Мавзу: Аҳолининг уй-жойга, маданий-маиший ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш қурилишларига бўлган талабини аниқлаш.***

Режа:

1) Аҳолини уй-жойга бўлган талабини аниқлаш.
2) Аҳолини маданий-маиший бино ва ишлаб-чиқариш қурилишларига бўлган талабни аниқлаш.
3) Жамоа корхоналарининг тури,сони,сигими ва уни жойлашадиган майдонларни аниқлаш
4) ишлаб-чиқариш қурилишларининг тури ва сони аниқлаш.
5) Лойиҳада жойлашадиган бинолар, иншоатлар руйхати

*Таянч иборалар:* альбом ва каталоглар, намунавий лойиҳалар, маданий-окартув, коммунал, маъмурий бинолар

Тавсия этиладиган адабиётлар: 6,13,14,21,20

Ҳамма қурилишлар, махсус лойиҳа институтларида ишлаб чикилган, кабул килинган ва тасдикланган намунавий лойиҳалар асосида амалга оширилади.

Бу лойиҳаларни ишлаб чикишда барча вилоятларнинг табиий-иқтисодий, миллий анъаналари ҳисобга олиниб, аҳоли уйлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ҳамда ишлаб чиқариш биноларининг куп намунавий лойиҳалари яратилган.

Туман шароити учун ишлаб чикилган альбом ва каталоглардан керакли бино ва иншоотлар лойиҳалари танлаб олинади ва у ерда берилган чизмалари, тавсифи, техникавий-иқтисодий курсаткичларидан фойдаланилади. Уй-жой қурилишининг ҳажмини; хар бир кишига 16-18 $м^2$ яшаш майдони меъёрида аникланади ва хар бир оила алохида уй билан таъминланади (4-жадвал).

4-жадвал

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини аниқлаш.

| Оилалар таркиби | Оилалар сони | Уйлар тури | Бир уй-нинг яшаш майдони, $м^2$ | Талаб килинади | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Уйлар сони | жами яшаш майдони, $м^2$ |
| 1<br>2<br>3<br>4<br>5<br>6 ва ундан ортик | | Ётокхона<br>2 хонали 2 квартирали<br>3 хонали 2 квартирали<br>3 хонали 1 квартирали<br>4 хонали 1 квартирали<br>5 хонали 1 квартирали | | | |
| ЖАМИ | | | | | |




. Бу муассаса ва корхоналар аҳолига хизмат қилиши жихатидан қуйидаги гурухларга булинади: 1) бир неча аҳоли пунктига хизмат киладиган; 2) бир аҳоли пунктига хизмат киладиган; 3) аҳоли пунктининг бир булагига хизмат киладиган.

Биринчи гурух корхоналари асосан туман марказида жойлашган булиб, уларга маданият уйлари, савдо марказлари, маъмурий бинолар, касалхона, коллежлар ва б.

Иккинчи гурух корхоналари факат бир аҳоли пунктига хизмат килади.

Учинчи гурух корхоналари катта аҳоли пунктининг бир кисмигагина хизмат килади (болалар богчалари, мактаблар, озик-овкат дуконлари ва х.к.).

Аҳолининг маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига бўлган талабини, яъни уларнинг турини, сигимини, сонини, эгаллайдиган майдонларини 5-жадвалда келтирилган меъёрлар ёрдамида аникланади.

5-жадвал

Хизмат қилиш корхоналари учун меъёрий курсаткичлар

| Муассасалар | 1000 киши учун меъёрий курсаткичлар | | Эслатма |
|---|---|---|---|
| | бинолар сигими | ажратиладиган ер майдони, га | |
| 1. Болалар богчалари | 140-180 урин | 1 уринга 35-40 $м^2$ | |
| 2. Мактаблар | 120-150 урин | 1 мактаб учун 1,2-3,0 га | |
| 3. Клублар, аҳоли сони:<br>а) 1500-2000 киши<br>б) 200-1500 киши | <br>180-400 урин<br>120-180 урин | 0,6 га бир клуб учун | |
| 4. Кутубхона | 7-10 минг китоб | бир объект учун 0,2 га | |
| 5. Қишлоқ оксоколлари | посёлка учун | бир объект учун | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| кенгаши уйи | 1 та объект | 0,1 га | |
| 6. Жамоа хўжалиги идораси | бир хўжаликка 1 идора | бир объект учун 0,1 га | |
| 7. Жамгарма банки ва алока булими | посёлка учун 1 объект | бир объект учун 0,1 га | |
| 8. Ёзги кинотеатр | 120-200 урин | бир объект учун 0,2 га | |
| 9. Маиший хизмат кур- сатиш комбинати | 9-11 урин | бир объект учун 0,25 га | |
| 10. Ҳаммом | 5 урин | бир объект учун 0,2 га | |
| 11. Механизациялашти-рилган кир ювиш корхо-наси | 30-40 урин курук кийим | бир объект учун 0,3-0,5 га | Ҳаммом-га яқин жойлаш-тирилади. |
| 12. Душ курилмалари | 15-20 урин | Ҳаммомда жойлашади | |
| 13. Ошхона | 25-40 урин | 1 уринга 20-28 м.кв | |
| 14. Чойхона | 10 урин | бир объект учун 0,15 га | |
| 15. Нонвойхона | 0,6-0,8 т суткасига | бир объект учун 0,1 га | |
| 16. Бозор | Посёлка учун бир объект | Бир объект учун 0,1 – 0,2 га | |
| 17. Озик-овкат дукони | 4 иш жойи | Бир объект учун 0.1 –0,2 га | Савдо марказида |
| 18. Саноат моллари дукони | 4 иш ўрни | Бир объект учун 0,1-0,2 га | Савдо марказида |
| 19. Мехмонхона | 6 урин | Бир объект учун 0,1 га | Савдо марказида |
| 20. Ногиронлар ва кариялар уйи | 2-4 урин | Бир объект учун 0,2 га | |
| 21. Фельдшер –акушерлик пункти | Поселка учун 1 объект | Бир объект учун 0,2-0,3 га | |
| 22. Дорихона | Поселка учун 1 объект | Бир объект учун 0,1 га | |
| 23. Спорт комплекси | Поселка учун 1 объект | Бир объект учун 1,0-1,5 га | |
| 24. Ут учириш жамияти | Поселка учун 1 машина | Бир объект учун 0,2-0,3 га | |

Ишлаб чиқариш худудида жойлашадиган бино ва иншоотларнинг таркиби, тури ва сони хўжаликнинг сохасига (йуналишига) ишлаб чиқариш ховлиларининг жойлашувига боглик булади.

Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари сигимини, сонини, турини қуйидаги талабларга биноан аникланади:

- хўжаликнинг ишлаб чиқариш қурилишларига бўлган талабини тулик кондириш;
- ишлаб чиқариш жараёнини тулик механизациялаштириш;
- санитария-гигиена, ёнгиндан сақланиш ва бошқа талабларга риоя қилиш;
- иложи борича мавжуд бино ва иншоотлардан тулик фойдаланиш.

Аҳоли пункти лойиҳасини тузиш ва уни асослашда юкоридаги ҳисоб-китоблардан кабул килинган намунавий лойиҳалардан фойдаланилади.

Лойиҳа тузиш учун кабул килинган аҳоли уйлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш бинолари ҳамда иншоотлари руйхати тузилади (6-жадвал).

Назорат учун саволлар:

1) Бино ва иншоатлар кандий ташкилотлар томонидан ишлаб чикилади.
2) Бино ва иншоатлар лойиҳаларини кабул қилишда нималарни ҳисобга олишимиз керак
3) Хар бир кишига яшаш меъёри канча
4) Маданий-маиший корхоналарининг аҳолига хизмат қилиш жихатидан булиниш тартибини айтинг
5) Ишлаб-чиқариш ховлилари хўжаликнинг нимасига боглик
6) Ишлаб-чиқариш бинолари ва иншоатлари сигими, сони, тури кандай талабларга биноан аникланади
7) Намунавий лойиҳалар нима учун керак

## *4 Мавзу:Аҳоли яшайдиган жойнинг майдонини ҳисоблаш*

Режа:

1) Аҳоли яшаш худуди майдонини ҳисоблаш

2) Аҳоли яшайдиган кварталлар, маданий-миший хизмат кўрсатиш комунал корхоналар майдонларини аниқлаш

3) Ишлаб-чиариш корхоналари, умумий фойдаланиладиган кукаламзорлар ва спорт курилмалари майдонларини аниқлаш

*Таянч иборалар: аҳоли яшайдиган кварталлар, ҳар хил тоифадаги хўжаликлар сони, биноларнинг зичлиги*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 5,6,7,13,14,21,20

Қишлоқ хўжалик корхоналаридаги лойиҳа тузиладиган аҳоли пунктининг эгаллайдиган майдони, аҳолининг таркибий кисми, лойиҳа тузиш учун вазифа куриладиган бинолар ва иншоотлар руйхати, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ишлаб чиқариш қурилишлари ва ободонлаштириш элементларига асосланади.

Аҳоли пунктининг майдони яшайдиган ва ишлаб чиқариш худудлари, ҳамда кучалар майдонларидан ташкил топади.

Ундан ташқари, аҳоли пунктида қурилишга яроксиз ерлар (сув хавзалари, жарликлар ва х.к.), санитария химоя худудлари, бошқа ташкилотлар участкалари жойлашиши мумкин.

Аҳоли яшайдиган худуднинг умумий майдони формула билан аникланади:

$$S_{аях} = (S_1 + S_2 + S_3)\, K_1;$$

$S_{аях}$ – аҳоли яшайдиган худуднинг умумий майдони, га

$S_1$ – аҳоли яшайдиган кварталлар майдони, га

$S_2$ – маданий-маиший корхоналарнинг майдони, га

$S_3$ – умумий фойдаланадиган кукаламзорлар ва спорт курилмалари майдони, га

$К_1$ – кучаларни ҳисобга олиш коэффициенти (К=1,15-1,20)

Аҳоли яшайдиган кварталлар майдони қуйидаги формула буйича аникланади:

$$S_1 = ac_1 + бc_2 + вc_3 + \ldots$$

а,б,в – ҳар хил тоифадаги хўжаликлар сони (колхозчилар, ишчилар, хизматчилар);

$c_1$, $c_2$, $c_3$ – ҳар хил тоифадаги оилаларга бериладиган томорка меъёри, га (0,04; 0,06; 0,08; 0,10; 0,12; 0,13; 0,15 га) кукаламзорлар ҳамда спорт курилмалари майдони қуйидаги формула билан аникланади:

$$S_3 = На + Нб$$

Н – аҳоли сони, киши

а – бир кишига тўғри келадиган кукаламзорлар майдони, 30-40 м$^{\cdot}$кв

б – бир кишига тўғри келадиган спорт курилмаларининг майдони ( 2- 3 м$^{\cdot}$кв)

Ишлаб чиқариш худуди майдони қуйидаги формула билан аникланади:

$S_{ичх} = (S_{мтп} + S_{=х} + S_{оох} + \ldots +) К_2$

бу ерда $S_{ичх}$ - ишлаб чиқариш худуди майдони, га

$S_{мтп}$ - машина-трактор парки майдони, га

$S_{=х}$ - қурилиш ховлиси майдони, га

$S_{оох}$ – озик-овкат ховлиси майдони, га

$К_2$ – йўллар, йўлаклар, майдонларни ҳисобга олиш коэффициенти ($К_2$ – 1,10 – 1,15)

Хар бир ишлаб чиқариш ховлисининг майдони бинолар сонига, уларнинг ҳажмига ҳамда қурилиш шароитига боглик булиб, қуйидаги формулалар билан аникланади:

$$S_{мтп} = \frac{П.100}{q}$$

$S_{мтп}$ – бир ишлаб чиқариш ховлисининг майдони, га

П – бинолар руйхатидаги қурилиш билан банд буладиган майдон, га

q – хар бир ишлаб чиқариш ховлиларидаги биноларнинг эгаллаган майдони, умумий майдонга нисбатан зичлиги,%

7-жадвал

Ишлаб чиқариш ховлиларидаги биноларнинг зичлиги, %

| Ховлилар номлари | Қурилишнинг зичлиги |
|---|---|
| Машина-трактор парки | 25-30 |
| Қурилиш комплекси | 15-20 |
| Озик-овкат саклайдиган комплекс | 20-25 |
| Корамол фермаси | 50-55 |

Поселканинг умумий майдони қуйидаги формула ёрдамида аникланади:

$S_{поселка} = S_{аях} + S_{ичх} + S_{бош=а} + \ldots +$

бунда $S_{аях}$ – аҳоли яшайдиган худуднинг умумий майдони, га
$S_{ичх}$ - ишлаб чиқариш худудининг майдони, га
$S_{бош=а}$ – бошқа ердан фойдаланувчилар майдони, га
(корхоналар, муассасалар, сув хавзалари, санатория-химоя худудлари) ва ҳоказо.

Назорат учун саволлар:
1) Аҳоли яшаш худуди кандай ҳисобланади.
2) Кучаларни ҳисобга олиш коэффициенти канча булиши мумкин
3) Аҳоли яшайдиган кварталлар майдонини кандай ҳисоблаймиз
4) Ишлаб-чиқариш худуди майдони кандай формула билан ҳисоблаймиз
5) Хар бир ишлаб-чиқариш худудини кандай ҳисоблаб топамиз
6) Пасёлканинг умумий майдонини кандай ҳисоблаб топамиз
7) Ишлаб-чиқариш ховлиларидаги биноларнинг зинчлиги нималарга боглик

## II – боб.
## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЖОЙНИНГ АСОСИЙ КИСМЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ.

### ***5.Мавзу:Функционал худудларни жойлаштириш.***

Режа:

1) Аҳоли пунктидаги фукционал худудлар
2) Аҳоли яшайдиган ишлаб-чиқариш , ташки ва химоя худуди.
3) Фукционал худудларни жойлаштиришдаги ва лойиҳасини тузишдаги асосий омиллар, ва меъёрлар

*Таянч иборалар: санитария – химоя ва ташки худуд, функцонал худуд, рельеф, Зарар-лилик тоифа-лари*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 5,6,7,13,14,21,20,

Аҳоли пункти майдони, асосан икки худудга – аҳоли яшайдиган ва ишлаб чиқариш худудларига булинади.

Ундан ташқари санитария – химоя ва ташки худудлари ҳам булиши мумкин. Бу худудларга «функцонал худудлар» дейилади.

Функционал худуд деб, бирор максад учун фойдаланиладиган аҳоли пунктининг бир кисмига айтилади. Функционал худудлар бир жойда ёки алохида-алохида участкаларда жойлашиши мумкин.

Аҳоли яшайдиган худудда, аҳолининг томоркалари, уйлари ва хўжалик ширкатлари, маданий-маиший, коммунал корхоналари, кучалар, майдонлар, боглар, истирохат боглари, хиёбонлар, спорт иншоотлари ва бошқалар жойлашади.

Ишлаб чиқариш худудини, хўжаликдаги машина-трактор парки, озик-овкат саклайдиган, пахта тозалайдиган, саклайдган, ипак куртини бокадиган ховлилар, корамол, куй, йилки, паррандалар ва бошқа фермалар, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлайдиган корхоналари ташкил килади. Улар аҳоли яшайдигагн худуддан 50-1500 м узоқликда, сув окими, шамол йуналиши, рельефнинг куйи томонида жойлашади.

Аҳоли яшайдиган худуд билан ишлаб чиқариш худуди оралигидаги санитария масофалари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Аҳоли яшайдиган худуд билан ишлаб чиқариш ховлилари ва мажмуалари оралигидаги санитария масофалари

| Зарар-лилик тоифа-лари | Ховлилар ва мажмуалар номи | Аҳоли яшайди-ган худудгача бўлган масофа, м |
|---|---|---|
| I | 500 т ошик бўлган захарли химикатлар омборлари | 1500 |
| II | 400 мингдан ошик бўлган паррандачилик мажму-алари | 1200 |
| III | 1200-2000 бош сигиргача бўлган сут-товар мажмуалари<br>1000-5000 бошгача бўлган бурдокичилик мажму-алари | 500<br>500 |
| IV | 1200 бош сигиргача бўлган сут мажмуалари<br>100 тоннагача бўлган захарли химикатлар омбор-лари | 300<br>300 |
| V | Ветеринар пунктлари<br>Минерал угитлар омборлари | 200<br>200 |
| VI | Биологик ёкилгидаги иссик пайкаллар ва парник-лар | 100 |
| VII | Машина-трактор мажмуалари<br>Озик-овкат, қурилиш ховлилари | 50<br>50 |

Санитария-химоя худуди, аҳоли яшайдиган худудни, ишлаб чиқариш худуди ва серкатнов йўллар томонидан чикадиган зарарли газлар, нохуш хидлар, чанг ва машиналар товушларидан химоя килади ва улар оралигида жойлашади.

Ташки худудга, ичимлик сувлари иншоотлари жойлашган, чикинди сувлар, ахлат ташлайдиган жойлар, кабристонлар ва ҳоказолар киради. Ташки худуд аҳоли яшайдиган худуддан камида 0,5-1,5 км узоқликда, сув окимининг ва шамол йуналишининг куйи томонида жойлашади.

Қурилиш худуди. Аҳоли яшайдиган худудда бир қаватли, томоркали бир оилага, бир қаватли бирлаштирилиб курилган томоркали икки оилага мулжалланган ва куп қаватли томоркасиз куп оилаларга мулжалланган уйлар курилади. Бу уйлар қурилиш материаллари, қурилиш-муҳандислик иншоотларидан фойдаланиш усуллари жихатидан бир-биридан фарк килади. Шунинг учун ҳам уларга алохида майдонлар ажратилади. Қурилиш худуди деб, уйларнинг қурилиш материаллари, қавати, тури ва муҳандислик иншоотларидан фойдаланиш усуллари бир хил бўлган яшаш майдонларининг жойлаштирилишига айтилади.

Куп қаватли уйлар марказий кучаларга, майдонлар атрофига жойлаштирилади. Қурилиш худудларини жойлаштиришда ернинг рельефи, ер ости сувларининг чукурлиги, тупрокнинг каршилиги ҳисобга олинади.

Назорат учун саволлар:

1) Функционал худуд деб нимага айтилади
2) Аҳоли яшайдиган худуд

3) Ишлаб-чиқариш худуди
4) Санитария-химоя худуди
5) Ташки худуд
6) Қурилиш худуди
7) Функционал худудларга булинишининг асосий сабаблари

## ***6 Мавзу:Жамоа майдонлари ва кучалар тармогини жойлаштириш, аҳоли яшайдиган жойнинг асосий кисмлари ва элементларини жойлаштириш шартлари.***

Режа:

1) Аҳоли пункти лойиҳасининг асосий элементларини жойлаштириш шартлари.
2) Аҳоли пунктидаги асосий функционал кисмлари ва элементларини жойлаштиришдаги иқтисодий, санитария-гигиена, қурилиш ишларининг бажарилиши, меъморий, меъёрий талаблар
3) Жамоа майдонларининг асосий вазифаси ва уларни жойлаштириш
4) Кучалар тармоғи лойиҳасининг асосий ва таркибий кисми ва уларни жойлаштиришда релъефни таъсири

*Таянч иборалар: Жамоа майдони, Кучалар тармоғи, асосий функционал кисмлар*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 5,6,7,13,14,21,20,21

Жамоа майдони аҳоли яшайдиган худуднинг бир кисми булиб, у ерга маъмурий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овкатланиш ва бошқа асосий жамоа бинолари жойлаштирилади. Бу бинолар жамоа майдонга ёки асосий кучалар буйлаб жойлаштирилади. Жамоа майдони аҳоли яшайдиган худуд ва меъморий композициясининг маркази ҳисобланади.Умуман, қишлоқ хўжалигидаги кичик аҳоли ширкатларида факат битта жамоа майдони булиши мумкин.

Кучалар тармоғи аҳоли пункти лойиҳасининг асосий меъморий таркиби ҳисобланади. Кучалар тармоғи, аҳоли яшайдиган худуд ичидаги ва ишлаб чиқариш худуди билан богловчи асосий алока воситаси ҳисобланади.

Кучалар тармоғини жойлаштиришда аҳолининг бир-бирига ва ишлаб чиқаришга катнаши қулай булиши ҳисобга олинади. Тозаликни саклаш ва транспортларнинг хавфсиз катнашини таъминлаш учун аҳоли пункти кучалари серкатнов йўллар билан бирлаштирилмайди. Кучаларни жойлаштиришда, ёмгир, кор сувларининг аҳоли пунктидан ташқарига чикиб кетишини таъминлашда рельеф ҳисобга олинади.

### ***Аҳоли яшайдиган жойнинг асосий кисмлари ва элементларини жойлаштириш шартлари.***

Аҳоли пункти майдонини ташкил қилиш тушунчаси, шу майдонга лойиҳа элементларини – кучаларни, жамоа майдонларини, кварталларни, томорка участкаларини, аҳоли уйларини, жамоа биноларини, хўжаликнинг ишлаб чиқариш қурилишларини, хиёбонларни, истирохат боглари ва ободонлаштириш (ичимлик сув ва чикинди сув утказгич тармоклари, электр, газ, телефон ва х.к.) элементлари, ҳамда бошқа муҳандислик иншоотларнинг жойлаштирилишини билдиради. Бунда аҳоли пунктининг алохида майда участкалари, бино ва иншоотлар, кукаламзорлар ва хар-хил майда элементлари кварталлар ичида, майдонларда жойлашиши мумкин. Шунинг учун ҳам кучалар, майдонлар ва кварталлар аҳоли пункти лойиҳасининг асосий элементлари ҳисобланади.

Аҳоли пунктидаги асосий функционал кисмлар ва элементларни жойлаштиришда қуйидаги иқтисодий, санитария-гигиена, қурилиш ишларининг бажарилиши, меъморий талаблар ҳисобга олинади:

- аҳоли пункти хўжаликнинг бошқа аҳоли пунктлари, экин майдонлари, махсулотларни қайта ишлаш корхоналари билан қулай богланган булиши керак;
- ишлаб чиқариш худудидаги ховлилар бир-бири билан доимо ишлаб чиқариш алокасида булади ва хўжалик ерларидан окилона фойдаланишга хизмат килиниши ҳисобга олиниши керак;
- аҳоли пунктининг келажакдаги кенгайиши ҳисобга олинади;
- қурилиш ва ободонлаштириш ишлари харажатлари меъёрий курсаткичлардан ошиб кетмаслиги керак;
- майдони деярли катта бўлган сув хавзалари, истирохат боглари, аҳоли яшайдиган худуднинг четрогида жойлаштирилгани маъкул булади. Чунки муҳандислик иншоотлари тармоғи чузилиб кетади.
- аҳоли пункти, темир йўл, серкатнов автомобил йўллари, жарликлар, катта каналларнинг факат бир томонида жойлашиши керак.
- лойиҳа тузишда, унинг композицияси чиройли булишига ва атроф-мухит билан богланганлигига алохида аҳамият берилади.

Назорат учун саволлар:

1) Жамоа майдолари ва уларни жойлаштириш
2) Кучалар тармоғи ва уларни жойлаштриш тартиби
3) Лойиҳанинг асосий элементларига нималар киради.
4) Аҳоли пунктида асосий функционал кисимлари ва элементларини жойлаштиришда кандай талаблар ҳисобга олинади
5) Аҳоли пунктида асосий функционал кисимлари ва элементларини жойлаштириш шартлари
6) Кучалар тармоғи жойлаштиришда релъефни таъсири

## III-боб. АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЖОЙ ЛОЙИҲАСИНИНГ КОМПОЗИЦИЯСИ.

### 7 Мавзу:Лойиҳанинг меъморий композицияси, қуроллари ва Табиий шароитнинг лойиҳа композициясидаги аҳамияти

Режа:

1) Лойиҳанинг меъморий композициясининг асосий компонентлари.
2) Композициянинг асосий қуроллари
3) Композициянинг асосий қуролларини лойиҳалашда қўллаш
4) Жой табиий шароитининг лойиҳа таркибини ташкил қилишдаги аҳамияти
5) Лойиҳанинг меъморий композициясини яратиш, тузиш усуллари
6) Лойиҳа меъморий ечимларида албатта киши таъсуротининг ўсиш тушунчасидан фойдаланиш

*Таянч иборалар: Композиция, асосий компонентлар, умумийлик итоатлик пропорционаллик ритм, миқёслик*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 5,13,21,20,21

Композиция сузи лотин тилидан олинган булиб, аҳоли яшайдиган жойдаги қурилишлар, иншоотлар (ер майдони билан) маълум бир табиий шароитда талаб килинган максадга хизмат қилиши учун шароит яратиш билан бирга, бир-бирини тулдириб, бир-бири билан богланган ҳолда мажмуанинг кўриниши чиройли, таъсири ва бир бутун организм килиб жойлаштириш маъносини англатади.

Лойиҳанинг меъморий композициясининг асосий компонентлари – кучалар, марказий ва бошқа майдонлар, аҳоли уйлари, жамоа бинолари ва улар учун ажратилган ер майдонлари, кукаламзорлар, ободонлаштириш ва бошқа иншоотлар ишлаб чиқариш мажмуалари, сув хавзалари, шу жойдаги ва атрофдаги ландшафтлар ҳисобланади.

Асосий композициянинг қуролига умумийлик итоатлик пропорционаллик ритм, миқёслик ва бошқалар киради.

Умумийлик композициянинг асосий конуни ва мажбурий шароити ҳисобланади. Куйилган максадга эришиш учун ҳамма компонентларни бирлаштириб, маъноси, жойлашиши, кўриниши жихатидан бир бутунликни ташкил қилиш талаб килинади. Яъни шундай лойиҳа тузилсинки, унинг композициясига бирорта элемент кушиб ёки бирортасини олиб ташлаб ҳам булмасин.

Итоатлик мураккаб умумийлик булиб, лойиҳа композициясининг ва унга итоат киладиган компонентларини аниқлаш ва уларни жойлаштириш натижасида органик яхлитликка эришиш демакдир.

Масалан, марказий майдонга жойлашган асосий куп қаватли бино ёнида кичик бинолар жойлашганда улар асосий бинога итоат килиб маълум бир композицияни ташкил килади.

Композициянинг бир бутунлигига эришишда унинг асосий элементига маъкул ва мос келишлик компонентларидан фойдаланилади. Чунки хар кандай композиция асосий ва унга итоат киладиган ва уни тулдириб турадиган компонентлардан иборат булади.

Лойиҳанинг меъморий композициясини яратишда, масалан, иморатлар билан курилган марказий кучалар, жамоа майдонига жойлашган асосий қурилишлар, сув хавзалари, истирохат боглари ва уларнинг табиий шароитига мос келиши ҳисобга олинади.

Пропорция. Лойиҳадаги меъморий композициянинг яна бир компоненти пропорция ҳисобланади. Бунда компонентларнинг катта-кичиклиги, эни. узунлиги, баландлиги, марказий майдоннинг эгаллаган ер майдони, энининг узунлиги нисбати ва натижаларидан чиройли булиши ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Миқёслик. Лойиҳа композициясининг асосий қуролларидан бири миқёслик ҳисобланади. Компонентларнинг бир-бирига мос келишини миқёс ёрдамида солиштирилади.

Масалан, марказий майдонда асосий бинолар кошида жойлашган бошқа иншоотлар миқёсли ёки миқёссиз булишидан қатъий назар, барибир ҳаммаси киши гавдаси билан солиштирилади. Лекин яратилган меъморий композиция куйилган талабларга тулик жавоб бериши энг асосий масала шу жойга келган кишилар, узларини қулай ва яхши хис қилишларини таъминлаш керак.

Ритм ва метр. Композициянинг яна бир қуроли ритм ва метр ҳисобланади. У улчамларнинг, ходисаларнинг, элементларнинг ёки шаклларнинг конуний равишда биридан сунг бирининг такрорланишини билдиради.

Оддий метрлик тартиби, бир хил элементларнинг тенг масофаларда такрорланиб жойланишини англатади. Оддий метрлик каторидан мураккаб метрлик каторлар ташкил қилиш мумкин.

Ритм тушунчаси шаклларнинг улар орасидаги масофаларнинг меъёри талабларга асосан узгаришни билдиради.

Улар сонлар улчамларининг усиб ёки камайиб бориши лойиҳа композициясига катта таъсир кўрсатади. Масалан, кучалар ёнидаги бир хил лойиҳада, баландликда ва бир хил рангда курилган уйлар, кишилар диккатини, таассуротини чарчатади. Шунинг учун ҳар хил лойиҳадаги хар биноларни жойлаштириш билан ритм узгартирилади (1-расм).




1-расм. *Кучаларга биноларни жойлаштириш усуллари: а-биноларнинг оддий метр катори; б-киска метр каторининг такрорланиши; в-қурилишларнинг оддий метр катори оралиги; г-уйлар оралигидаги ритмнинг такрорланиши; д-жамоа бинолари атрофида қурилишлар ритмининг такрорланиши.*

Композициянинг меъморий қуролига симметрик ва асимметрик яъни қурилишларнинг куёш нурига нисбатан жойлашиши, ёругликни, рангларни ва бошқа омилларни ҳисобга олиш киради. Айрим ҳолларда биноларни бир-бирига симметрик ёки асимметрик ҳолда қуриш талаб килинади. Умуман композициянинг ҳамма қуролларидан ижодий ва аник бир максадга мувофик равишда фойдаланиш, аҳоли яшайдиган жойлар чиройли булишига ёрдам беради.

**<u>Табиий шароитнинг лойиҳа композициясидаги аҳамияти.</u>**

Жойнинг табиий шароити (рельеф, мавжуд кул, дарё, кукаламзор ва бошқалар) лойиҳа таркибини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга. Чунки аҳоли пункти лойиҳасини тузишда, унинг композициясини қуришда жойнинг табиий шароити албатта ҳисобга олинади. Текис лойиҳанинг тўғри чизикли, мураккаб рельеф, рельеф эса эркин ёки аралаш тизимини белгилайди.

Лойиҳа табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда тузилса, узига хос такрорланмайдиган тўғри ечимга эга булади.

Марказий майдонни, кучаларни, кварталларни, истирохат богларини, хиёбонларни, бассейнларни ва лойиҳанинг бошқа элементларини тўғри жойлаштириш учун асос булади.

Аҳоли пункти учун марказий майдоннинг меъморий композицияси катта аҳамиятга эга, чунки бу жойда жамоа бинолари, кичик архитектура шакллари, марказий кучалар буйлаб, куп қаватли аҳоли уйлари жамоа бинолари курилиб, узга хос қурилиш маданиятини кўрсатади ва кишиларнинг рухини, кайфиятини кутаради, маданий озик беради.

Лойиҳанинг меъморий композициясини яратиш, тузиш усуллари хилма-хил булиб, умумий бир хил «рецерт» булиши мумкин эмас. Лойиҳа тузишда жойнинг табиий шароитини, куйилган шарт ва талабларини ҳисобга олганда, шу аҳоли пунктининг меъморий компазицияси хосил булади.

Масалан, аҳоли пункти канал, дарё кул, сув омбори киргогида кир-адир ва текисликда жойлашганда узига хос меъморий ечимлари пайдо булади. Яхши натижали меъморий ечимларига эришиш усуллари қуйидагилар:

1) Кучалардан, хашаматли жамоа бинолари, тоглар, боглар ва ҳар хил хайкаллар куриниб турсин:

2) Аҳоли пунктининг энг кузга куринадиган жойига баланд, ҳажми катта бино жойлаштирилади.

3) Лойиҳа меъморий ечимларида албатта киши таассуротининг ўсиши тушунчасидан фойдаланиш зарур булади

Масалан, аҳоли пунктига киришда кичик майдончалар, бир қаватли уйлар жойлаштирилиб, унга яқинлашган сари, икки қаватли, ундан сунг уч қаватли уйлар, жамоа бинолари ва нихоят марказий майдон мажмуаси куриниб туришига эришиш керак.

4) Аҳоли уйлари, жамоа бинолари олдида гуллар, кукаламзорларни ташкил қилиш кузда тутилади.

Назорат учун саволлар:

1) Лойиҳанинг меъморий композициясининг асосий компонентларига нималар киради
2) Асосий композициянинг қуролларини айтинг.
3) Меъморий композициясининг умумийлик қуролини тушинтириб беринг
4) Меъморий композициясининг итоатлик қуролини тушинтириб беринг
5) Меъморий композициясининг пропорционаллик қуролини тушинтириб беринг
6) Меъморий композициясининг ритм ва метр қуролини тушинтириб беринг
7) Меъморий композициясининг миқёслик қуролини тушинтириб беринг
8) Меъморий композициясининг симметрик ва асимметрик қуролини тушинтириб беринг
9) Табиий шароитнинг лойиҳа таркибини ташкил қилишдаги аҳамияти
10) Лойиҳада табиий шароитни нима учун ҳисобга олиш керак
11) Яхши натижали меъморий ечимларга эришиш усулларини айтинг

## IV-БОБ. АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЖОЙЛАРДАГИ КУЧАЛАР ВА МАЙДОНЛАР.

### 8. Мавзу:Кучалар тизими ва кучалар тоифалари.

Режа:

1) Кучалар лойиҳанинг техник ва композиция асоси, кучалар ички катнов тизими
2) Геомметрик тўғри шакилдаги кучалар, эркин ландшафтли кучалар, аралаш кучалар тизими
3) Тур, шахмат, нур, айлана ва диогнал шакиллардаги кучалар
4) Кучалар тоифалари
5) Пасёлка кучаларини булиниши

*Таянч иборалар:* куча, кизил чизиги, тур, шахмат, адир

Тавсия этиладиган адабиётлар: 5,6,13,14,21,20,21

Аҳоли яшайдиган жойлардаги кучалар деб, кварталларнинг кизил чизиги билан чегараланган узунасига жойлашган майдонига айтилади. Кучалар лойиҳанинг техник композиция асоси ҳисобланади. Кучалар транспорт ва пиёдаларнинг катновини таъминлаш, муҳандислик иншоотлари ва яшил дарахтлар жойлаштириш учун хизмат килади. Аҳоли яшайдиган жойлардаги кучалар ва йўллар, ташки майдонлар, автомобиль йўллари билан қулай алокани таъминловчи катнов тизими ҳисобланади. Катта қишлоқлар, посёлкалар лойиҳасида кучалар маълум бир ички катнов тизимини ташкил килади.

Лойиҳада кучалар тармоғи тизими уч хил булади:

1. Геометрик тўғри шаклдаги кучалар
2. Эркин ландшафли кучалар
3. Аралаш кучалар тизими

Кучаларнинг тўғри геометрик тизими, бир чизик буйлаб, тўғри бурчак (тур, шахмат), нур, нур-айлана ва диагонал шаклларида жойлашади. Бир чизик лента буйлаб жойлашадиган кучалар тизими аҳоли пункти йўл канал ёки арик буйлаб жойлашганда учрайди. Кучаларнинг бундай жойланишининг салбий томони шундан иборатки, аҳоли пункти майдони чузилиб кетади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари таркок ҳолда ва аҳолидан узоқда жойлашади. Йўл, канал, ариклар буйлаб курилган йўлардаги аҳоли кунгилсиз ва кия булишидан доимо хавфсирайди. Инженерлик иншоотларинин қуриш ва фойдаланиш харажатлари купаяди. Лойиҳанинг архитектура компазицияси ёмонлашади. Тўғри геометрик – тур шаклидаги кучлар тизими текис жойларда кулланилади. Кучаларнинг бундай жойланиши кварталларни, томоркларни жойлаштиришда ва уларни уз жойтга қуришда осон ва қулай булади. Лекин зерикарли, бир хил ва содда кварталлар хосил булади. Бундай ҳолларда ҳар хил архитектура композицияларини кулаб чиройли, аҳоли учун қулай бир бутун кучалар тизимини яратиш керак булади.

Нур, нур – айлана шаклидаги кучалар тизимини шароит такозо килгандагина ёки катта қишлоқларни, шахзарларни қайта қуришдагина кулланилади. Посёлка майдони каналлар, катта йўлларнинг эгри жойида жойлашганда у ерда ҳар хил лойиҳалаш усулларини қўллаш мумкин бўлгандагина ишлатилади. Посёлка майдонининг бир томони, баланд паст (адир) бир томони текислик билан уланиб кетган ҳолда ва қишлоқларни қайта қуришда кучаларнинг аралаш тизими кулланилади. Поселканинг текис майдонига тўғри геометрик шаклдаги кучалар кулланилса, баланд-паст бўлган майдонига эркин кучалар жойлаштирилади ва улар узаро узвий богланган, катнов алокаси қулай булиши керак.



2-расм. Кучалар тармоғи тизими. а-тўғри бурчакли (тур, шахмат); б-айлана, нур; в-эркин ландшафтли; г-аралаш.

**Кучалар тоифалари**

Аҳоли яшайдиган худуддаги траснпорт алокаси тармоғи узларнинг хизмати жихатидан қуйидагиларга булинади:

- посёлкага борадиган йўл
- посёлка кучалари
- тор кучалар
- пиёдалар кучаси

Посёлка кучалари 5 хил булади:

- йўлдан посёлкага кирадиган асосий йўл исобланади ва тўғри марказий майдога олиб келади. Бу кучалар кенг, уртасида гуллар, дарахтлар экилган булиб, бурилишлари булмаслиги керак;
- асосий кучалар, эни 20-30 м;
- аҳоли яшайдиган жойдаги кучалар, эни 12-25 м;
- аҳоли яшайдиган худуд билан ишлаб чиқариш худудини булиб турадиган кучалар, эни 12-25 м;
- хўжалик ховлиларига хизмат киладиган ва уларни ташки йўллар билан бегловчи тор кучалар. Эни 8-12 м.

Асосий кучалар, ҳамма квартал кучаларидан чиккан аҳолини асосий куча билан марказий майдонга келишини таъминлайди. Кучалар кварталлар билан чегараланиб уларни ташкил килади.

Назорат учун саволлар:

1) Аҳоли яшайдиган жойлардаги кучалар деганда нимани тушунасиз
2) Кучалардан нима максадда фойдаланамиз
3) Кучаларни лойиҳалашда кандай усуллардан фойдаланамиз
6) Кандай ҳолларда Геомметрик тўғри шакилдаги кучаларни лойиҳалаймиз, ,
7) Кандай ҳолларда эркин ландшафтли кучаларни лойиҳалаймиз нур, айлана ва диогнал шакиллардаги кучалар
8) Кандай ҳолларда аралаш кучалар тизими лойиҳалаймиз
9) Тур ва шахмат шаклидаги кучаларни лойиҳалаш тартиби.

**9. Мавзу: Кучаларни лойиҳалаш.**

Режа:

1) Кучаларни шамол йуналишига, экваторига нисбатан, рельефини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш

2) Кучаларни кесишиши
3) Чорраҳаларда хавсизлик тадбирлари ва хавфсизлик ромби
4) Кучаларга нисбатан биноларни жойлаштириш усуллари

*Таянч иборалар: реакция масофаси, Чорраха уртасига бульвар, чоррахадаги ховфсизлик ромби, кювет*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 6,7,34,21

Кварталларга жойлашган йўлларга ва маданий-маиший биноларга ёруглик киш фаслид куёш нури тушишини таъминлаш учун кучаларни Урта Осиё шароитида экваторга параллел жойлаштирилади. Ёзнинг иссик кунлари кучаларга соя тушишни, салкин булишини таъминлаш учун дарахтлар утказилади, ховузлар жойлаштирилади. Шамоли кучли жойларда кучаларни шамол йуналишига перпендикуляр, агар посёлка майдони шамол тегмайдиган жойга жойлашса шамол йуналишига параллел жойлаштирилади.

Лойиҳалашда кучаларнинг у ёки бу тизимини қўллашда рельеф катта аҳамиятга эга булади. Кор, ёмгир ва ҳоказо сувларини ташқарига чиқариш учун кучаларнинг буйлама нишаблиги 0,5% кам булмаслиги, транспорт катнови учун 7%, тор кучаларда эса 8%, пиёдалар юрадиган ва велосипед йўллари 6% дан ошмаслиги керак. Пиёдалар юрадиган йўллардаги нишаблик 8% ошса 2-3 зинапоя курилади. Кучаарни рухсат этилган нишабликда лойиҳаланилиши уларнинг йуналишини аниқлаш деб юритилади. Қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойларда кучаларнинг бир хил баландликдаги кесишиши кузда тутилади. Лойиҳалашда кучалар тўғри бурчак билан кесишишганда оддий чорраха хосил булади. Агар кучалар уткир бурчак билан кесишса уларни тўғри бурчак билан кесиштириш лозим ёки икки куча тўғри бурчак билан кесишсаю, лекин уларнинг уклари бир бирига тўғри келмай силжиб тушса, (3-расм) бундай шароитда чорраҳадаги кучалар уки бир бирига тўғри келишини таъинлш керак ёки 40-50 м узоқрокда учраштирилади.



3-расм. Кучаларнинг кесишуви. а-тулик б- Т шаклида; в-чоракдаги уткир бурчакни тўғрилаш; г- уч куча кесишгандаги чорраха; чоррахадаги кучалар уки бир-бирига тўғри келмаган ҳолда (нотўғри); е-тўғри.

Кучаларда транспортнинг катнови куп булмайди. Лекин кутилмаган ҳолларда юкори тезликда келаётган транспортларнинг биркбири билан тукнашувининг олдини олиш учун лойиҳада қуйидаги тадбирлар кулланилади:

1. Чорраха уртасига бульвар шаклида тусик куйилади ва у ерга гуллар экилади. Бу жойдан транспорт айланиб утади, тезлиги камаяди (4 расм);

2. Транспорт хайдовчиси чорраҳага яқинлашганда бошқа кучадан келаётган транспортни қуриши билан тезликни камайтириши ва тухташ чораларини қуриш керак. Буни транспорт хайдовчисининг тусикни қуриш масофаси дейилади.

$$P = P_1KP_2KP_3$$

Бу ерда Р – транспорт хайдовчисининг тусикни қуриш масофаси, м;

$P_1$ – реакция масофаси, тажрибали хайдовчи учун 1 секунд керак булади. Агар автомашина соатига 60 км тезликда келаётган булса 16 м масофани босиб утади;

$P_2$ – транспортни тухтатиш масофаси булиб, транспортнинг турига, маркасига, йўл копламасига, буйлама нишаблигига боглик;

$P_3$ – траснпорт тухтагандан сунг тусикгача бўлган масофа, уларнинг тезлигига боглик 5-10 м гача булиши мумкин.

Хайдовчи чоррахага яқинлашгандан сунг ва чап томонидаги тусикларни қуриши керак. Шунинг учун кучалардаги кабул килинган транспорт тезлиги буйича ён томонларидаги тусикларни қуриш масофалари (Р) аникланади. Кучалар укининг кесишган жойидан бошлаб, шу кучалар буйлаб, қуриш масофалари куйилади ва белгиланган АВСД (5 расм) нукталарни ромби шаклида бирлаштирилади. Буни хавфсизликромби деб аталади ва бу жойга бино ва иншоотлар курилмайди, тусикларни қуришга халакт берадиган дарахтлар экилмайди.

Хайдовчининг олдинги томонни қуришига, йўлларнинг нотекис – пастлик ва баландликлардан утганлиги ҳам халакт беради. Бундай тусикларни бартараф қилиш учун, йўл қуришда горизонтал ва вертикал эгрилар кулланилади. сирганчик йўлларда формула билан ҳисобланган, ҳар хил тезликдаги қуриш масофалари қуйидагича булади:

| Катнов тезлиги, км соат | Қуриш масофаси, м |
|---|---|
| 15 | 15 |
| 30 | 40 |
| 40 | 50 |
| 60 | 80 |

Чоррахадаги қуриш бинолар, иншоатлар ва қуришга халакит берадиган дарахтлар экилмайди (5 чизма).



4-расм. Чоррахада транспорт катновини ташкил қилиш.



5-чоррахадаги ховфсизлик ромби .

Куча элементлари уларнинг тоифаларига боглик булади. Аҳоли пунктига кириш кучасининг уртасида эни 4-6 м бўлган бульвар жойлаштирилиб, унинг икки томонидан кучанинг транспорт катнайдиган, ундан кейин арикча – кювет ва пиёдалар катнайдиган кисмлари жойлаштирилади (6,7,8 расмлар).

Арикчанинг икки томонига икки котор дарахтлар экилади.

Марказий майдондан утадиган асосий кучаларда, кириш кучасидаги ҳамма элементлар сақланиб колинади. Факат бульварлар булмаслиги мумкин. Кварталларга хизмат киладиган кучаларда транспорт кам катнайди. Шунинг учун ҳам унинг пиёдалар катнайдиган кисми булмаслиги мумкин.

Куча элементларининг эни 9 – жадвалда келтирилган.

9 жадвал.

Куча элементларининг эни.

| Куча элементлари | Эни, м | Эслатма |
|---|---|---|
| Кучанинг транспорт катнайдиган кисми | 6-12 | Бир катор учун 3 м ҳисобида |
| Арикча (кювет) | 1-2 | |
| Газон бир катор дарахти билан | 2 | |
| Газон икки катор дарахти билан | 5 | |
| Кучанинг пиёдалар катнайдиган кисми | 1,5-3,0 | Бир катор учун 0,75 м ҳисобидан |
| Квартал чегарасидан бошлаб электр, телефон ва бошқалар учун майдон | 0,5-1,0 | Столбалар куйиш учун |





7-расм. Кучанинг кундаланг профели.



8-расм. Кучанинг кундаланг профели

Назарот учун саволлар:

1) Кучаларни лойиҳалашда шамол йуналиши нима учун ҳисобга олинади.
2) Кучаларни лойиҳалашда рельефни таъсири
3) Кучаларни кесишуви хакида маълумот беринг
4) Чоррахаларда хавсизлик тадбирларини айтинг

5) Чоррахадаги хавфсизлик ромби тўғрисида маълумот беринг
6) Кучаларга нисбатан биноларни жойлаштириш усуллари
7) Хайдовчининг тусикни қуриш масофасини ташкил этилиши

## 10. Мавзу: Майдонлар ва уларга жамоа биноларини жойлаштириш.

Режа:

1) Жамоа майдонлари турлари, шакиллари ва улчамлари
2) Жамоа майдонларини кучалар билан боглаш
3) Жамоа майдонига биноларни жойлаштириш ва архитектура ансамбили

*Таянч иборалар: архитектура ансамбли, ландшафтли, жамоа майдони, Транспорт майдони*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 6,10,34,20,21

Майдон деб бирорта аник максад, учун фойдаланадиган кучаларнинг кенгайтирилган жойига айтилади.

Майдонлар уз хизматига кура туртга булади:

1. Жамоа (марказий) майдони – аҳоли яшайдиган жойнинг нисбатан марказида, жамоа бинолари жойлашадиган ва байрамлар, сайиллар, мажлислар, кургазмалар утказиш учун фойдаланиладиган жой.

2. Транспорт майдони – асосий чоррахаларда транспорт харакатини ташкил қилиш учун хизмат килади.

3. Вокзал, театр, клуб ва х.к олдидаги транспортларнинг харакатини ташкил қилиш майдони.

4. Савдо майдони – бозорлар, ярмаркалар, савдо марказлари олдида жойлашади, марказий майдон учун ажратилган ер микдори аҳоли яшайдиган жойларнинг катта – кичиклигига боглик булиб, 10 – жадвалда келтирилган меъёрлар билан аникланади.

10 жадвал

Жамоа майдони учун ажратиладиган ер майдони

| Поселкадаги аҳоли сони | Бир киши учун жамоа майдони меъери, м кв | Жамоа майдони учун ажратиладиган ер, га | Поселка майдони, га | Жамоа майдони учун ажратиладиган ер, га |
|---|---|---|---|---|
| 500 | 5-10 | 0,25-0,30 | 25 гектргача | 0,20-0,30 |
| 1000 | 3-5 | 0,30-0,50 | 25-50 | 0,30-0,50 |
| 2000 | 2-3 | 0,40-0,60 | 50-75 | 0,50-0,60 |
| 3000 | 1,75-2,0 | 0,50-0,60 | 75-100 | 0,60-0,70 |
| 4000 | 1,50-1,75 | 0,60-0,70 | 100-150 | 0,70-1,00 |
| 5000 | 1,25-1,50 | 0,60-0,75 | 150-200 | 1,00-1,20 |
| 10000 | 1,0-1,25 | 1,00-1,25 | 200 дан куп | 1,20 ва ундан куп |

Майдонлар кучалар билан боглик булади. Асосий кириш кучасининг уки марказий майдоннинг уртасидаги бинога, хайкалга каратилган булиб, шу ерда тугайди. Бошқа кучаларнинг бир томони майдонга тегиб утади. Кучалар марказий майдон билан богланганда қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

1. Майдн билан кучаларни боглашда, кучаларни лойиҳалаш тизими ҳисобга олинади.

2. Майдонга чикадиган кучалар сони 3-5 тадан ошмасин;

3. Майдонга чиккан кучаларнинг жами эни, майдон периметрининг ярмисидан кам булиши керак;

4. Майдондан утиб кетадиган кучалар майдон четига тегиб утади ва ундан куриниб туради;

5. Кучалар майдондан утганда, уни булмаслиги керак;

6. Марказий кириш кучаси уки, майдондаги асосий бино, хайкал, манумент укига тўғри келиши керак;

7. Кучалар, майдондан утганда, унинг транспортлар юрадиган кисми аник кўрсатилади;

Майдонлар шакли жойнинг рельефига, куриладиган объектларнинг шаклига ва кучалар билан богланишига караб хар – хил булиши мумкин. Майдоннинг эни узунлигига нисбатан 1:1, 1:2, 1:3, булиб, улардан энг яхшиси 1:1, 6 ҳисобланади.

Марказий майдондаги бино ва иншоатларни кизил чизикка жойлаштирилади. Майдонга бир хил баландликда, ҳамда ва улар бир хил масофада жойлашилса буни оддий усулда жойлаштириш дейилади.

Агар майдоннинг энг яхши куринадиган жойга – марказига баланд, катта, хашаматли бино жойлаштирилсаю, унинг атрофига унга «итоат» киладиган бинолар, иншоатлар жойлаштирилса буни фаол усулда жойлаштириш дейилади.



9-расм. Кучалар кесишган жойда марказий майдонни ташкил қилиш ва уларга биноларни жойлаштириш усуллари.

Майдоннинг ҳамма томонидан бинолар, иншоатлар курилган булса ёпик агар бир томони кул, ховуз, ландшафтли жойларга каратилган булса очик майдон

дейилади. Марказий майдонга шу жойнинг талабига жавоб берадиган иншоатлар – клуб, маъмурий бино, савдо маркази, ошхона, чойхона каби бинолар курилади. Марказий майдонга иншоатлар жойлаштирилганда унинг меъморий композийциясига аҳамият берилади. Майдонга жойлаштирилган бинолар, иншоатлар ва бошқа элементлари бир-бири билан уйгунлашиб, бир-бирини тулдириб, узига хос меъморий ансабилни ташкил килади, яъни бу ерга хеч кандай элементни кушиб ҳам ёки бирорта элементни олиб ташлаб ҳам булмасин.



Марказий майдонни ташкил қилишда меъморий композиция қуролларидан тулик фойдаланилди (10, 11, 12 – расмлар).

10-расм. Епик марказий майдон.



11-расм. Марказий майдонга биноларни жойлаштириш усуллари.

12-расм. Марказий майдонга жамоа биноларнини жойлаштириш.

Назорат учун саволлар:

1) Жамоа майдони нима учун лойиҳаланади
2) Транспорт майдони лойиҳада нима учун керак
3) Савдо майдонини лойиҳалаш
4) Кучалар билан марказий майдон билан богликлиги
5) Майдонларнинг шакиллари ва улчамлар
6) Жамоа майдонига биноларни жойлаштириш
7) Жамоа майдонларининг турларини айтинг

# V боб. АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ХУДУДНИ ЛОЙИҲАЛАШ

## 11. Мавзу: Аҳоли яшайдиган худуд таркиби

Режа:

1) Аҳоли яшайдиган худуддаги уй-жой жамоа корхоналари ва иншоотлари лойиҳасининг таркибий кисмини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши.

2) Лойиҳанинг таркибий бирлигини ташкил қилишда аҳолининг амалий талабларининг кондирилиши, яшаш шароити, маданий-маиший хизмат кўрсатилишини асос килиб олиниши.

3) Лойиҳанинг таркиби бирлиги.

*Таянч иборалар: лойиҳасининг таркибий кисми, кичик мавхеси дахаси, маъмурий даха*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 6,7,13,20,21

Аҳоли яшайдиган худуддаги уй-жой, жмоа бинолари ва иншоотларни, лойиҳанинг таркиби кисмини этиборга олган ҳолда жойлаштириади. Лойиҳанинг таркиби кисми деб ташкили жихатидан мустакил, функционал хизмати, умумий тузилиши, жойлаштирилиш тртиби жихатидан бир хил булиб, аҳоли яшайдиган худуднинг алохида кисмларга булинишига айтилади. Аҳоли яшайдиган худуднинг бундан кисмлари лойиҳанинг таркиби бирлиги ҳисобланади.

Лойиҳанинг таркиби бирлигини ташкил қилишда аҳолининг амали талабларининг колдирилиши – яшаш шароити, маданий – маиший хизмат кўрсатилиши ва ҳоказолар асос килиб олинади.

Лойиҳанинг таркибий кисмлари боскичма – боскич тизим асосида тузилди.

1. Лойиҳанинг биринчи таркиби бирлиги, биринчи аҳоли яшаш тузилмси, ҳисобланади. Биринчи аҳоли яшаш тузилмсининг аҳолиси – 200 – 500 кишидан иборат булиб, 3-4 кварталлрдан ташкил топади, майдони – 0,50-0,80 га булиб, унинг 40-50% кукаламлаштирилади, мактаб ёшигача бўлган боллар ва карияларнинг дам олиши учун майдончалар жойлаштирилади. Биринчи яҳоли яшаш тузилмасига тор кучалар, йўлаклargина хизмат килади ва бу ердан кучалар кесиб утмайди (13 рсм).

2. Бир неча биринчи аҳоли яшаш тузилмалари бирлашиб кичик мавхеси дахасини (микрорайонни) – лойиҳанинг иккинчи таркиби бирлигини ташкил килади. Аҳоли сони 1,0-1,5 минг булиши мумкин. Бу ердан катта кучалар кесиб утмайди. Кичик мавзуе дахасининг уз жамоа маркази булиб, у ерда хар куни хизмат киладиган корхоналар жойлашади.

3. Бир неча кичик мавзуе дахалари бирлашиб аҳоли яшайдиган жойнинг маъмурий дахасини ташкил этади. Майдонини хар куни ва, вакти – вактида

фойдаланадиган маданий – маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг хизмат қилиш радуси аникланади.

Бу жойда боглар, истирохат боги, спорт иншоотлари барпо этилади. Маъмурий даха чегараси, марказий кучалар, катта транспорт магистраллари билан аникланади.

4. Бир неча маъмурий дахалар аҳоли яшайдиган дахани ташкил килади. Майдони махсус, йирик икки уч ойларда бир маротаба фойдланиладиган маданий – маиший, маъмурий, коммунал корхоналарнинг хизмат қилиш билан белгиланиб, дарё, канал, сув хавзалари ва ҳоказолар билан чегараланади. Бу жойда маданий хордик чикарадиган, дам оладиган истирохат боги, спорт иншоотлари жойлаштирилади.

5. Бир неча аҳоли яшайдиган дахалар аҳоли яшайдиган худудни ташкил килади (14 расм). Аҳоли яшайдиган жойларнинг катта кичиклигига караб, унинг таркибий кисмидаги айрим боскичлари булмслиги ҳам мумкин. Масалан: қишлоқ хўжалигидаги кичик аҳоли яшайдиган жойлар лойиҳасининг бирлиги факат кичик мавзуе дахасидангина ташкил топиши мумкин.



13-расм. Биринчи аҳоли яшаш тузулмаси.



14-расм. Аҳоли яшайдиган худуд таркиби.

Назорат учун саволлар:

1) Лойиҳанинг таркибий кисми нима
2) Лойиҳанинг таркибий бирлигини ташкил қилишда нималар асос килиб олинади
3) Лойиҳанинг таркибий бирлигини айтинг
4) Биринчи аҳоли яшаш тузилмаси тўғрисида маълумот беринг
5) Кичик мавзе дахаси тўғрисида маълумот беринг
6) Маъмурий даха деганда нимани тушунасиз
7) Аҳоли яшайдиган дахаси тўғрисида маълумот беринг
8) Аҳоли яшаш худуди тўғрисида маълумот беринг

## 12.Мавзу: Қишлоқ хўжалигидаги уйлар ва уларни жойлаштириш шартлари.

Режа:

1) Аҳоли уй- жойларининг турлари ва уларнинг ижтимоий – иқтисодий курсаткичлари.

2) Аҳоли уйларини куёш нури тушиб туришини ва рельефини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш.

3) Биноларнинг нишаблиги катта жойларда жойлаштириш шартлари ва усуллари.

*Таянч иборалар: ижтимоий – иқтисодий курсаткичлар, Бираштириб куриладиган, секцияли уйлар*
Тавсия этиладиган адабиётлар: 13.14.20

Хозирги замон қишлоқ хўжалиги қурилишида уч хил аҳоли уйлари тури кулланилади: бир ойлага мулжалланган томоркали, икки оилага мулжалланган томоркали бирлаштириб куриладиган уйлар ва томоркасиз секцияли уйлар.

Томорка участкаларида куриладиган уйлар – шахсий уйлар булиб, бир икки қаватли ва бир ёки икки ойлаларга мулжалланган булиб, икки уч турт хонали ва хакоза уйлар киради. Бу уйларнинг асосий кўриниши кучага каратиб ва ундан 4-5 м ичкарига жойлаштирилади. Куча билан уй орасидаги майдонга гулзорлар, мевали ёки манзарали дарахтлар экиш тавсия этилади. Ховли ичкарисига хўжалик иморатлари курилади. Уй ичидаги хоналарни куёш нури билан ёритилишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

Бирлаштириб куриладиган уйлар икки қаватли булиб, алохида яшайдиган оилаларига мулжалланган булади. Бир оила учун мулжалланган хоналар ҳам биринчи, ҳам иккинчи қаватда жойлашиб, улардан фойдаланишда квартира ичида курилган зинопоялардан фойдаланилади. Биринчи қаватда умумий яшаш хонаси, ошхона ювинадиган хона ва туалет ва ҳоказо, иккинчи қаватда эса дам олиш хоналари жойлашган булади. Хар бир квартирага ҳам куча томонидан, ҳам ховли томонидан кирилади.

Бир квартира билан иккинчи квартира оралиги ойнасиз девор билан чегараланади. Хар бир оила мустакил шахсий яшаш жойига эга булиб, томорка участкаларида уз фаолиятини юритишга шароит яратилади. Бундай уйларнинг ҳажми катта, кўриниши чиройли ва инженерлик иншоотлардан фойдаланиш 2-3 маротаба арзонга тушади.

<u>Секцияли уйлар</u>. Секцияли уйлар асосан куп қаватли булади. Хар кайси секциядаги квартиралар бир зинопоядан фойдаланилади.бир уйда 2, 4 ва ундан куп секция булиши мумкин. Секция уйларни жойлаштиришда, уларнинг хоналарига табиий еруглик ва куеш нури тушиб туриши ҳисобга олинади.

Узбекистон Республикаси шароитида ҳамма уйларнинг олди томони экваторга параллел жойлаштирилиши тавсия этилади. Квартира хоналарининг ойналари икки томонидан куйилган булса, бундай йўлларни ҳамма томонга каратиб жойлаштириш мумкин.

1 га секцияли уйлар жойлашган худуддаги яшаш майдонининг зичлиги (кабул килинган меъёрлар) кв/га:

икки қаватли уйларда .. .. .. .. .. .. .. .. .. .. 4000
уч қаватли уйларда .. .. .. .. .. .. .. .. .. .. .. .. 5300
турт қаватли уйларда .. .. .. .. .. .. .. .. .. .. .. 5700

Аҳоли уйларини ёнгиндан саклаш, тозалик масофалари ва рельефларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

<u>Ёнгиндан саклаш масофалари</u>. Аҳоли яшайдиган худуддаги ҳамма бинолар оралигидаги ёнгиндан саклаш масофаси, уларнинг енгинга чидамлилиги билан аникланади. Биноларнинг ёнгинга чидамлиги, курилган материал ва конструкциясининг оловда енишига боглик булиб, уч гурухга булинади: ёнмайдиган, кийин ёнадиган ва ёнадиган.

Ёнмайдиган материаллар олов ва юкори хароратда тутамайди, аланга олмайди ва ёнмайди. Буларга табиий, сунъий ёнмайдиган органик минерал материаллар ва қурилишда ишлатиладиган металлар киради.

Кийин (ёмон) ёнадиган материаллар, олов ёки юкори хароратда тез ёнмайди, тутайди, факат олов таъсири давом этгандагина енади. Ёнгин маънбаси, йукотилганда, туташи, ёниши тухтайди. Масалан, ёнадиган ва ёнмайдиган материаллар аралашмасидан ишланган, ёнадиган материалларни махсус ёнмайдиган аралашмалар билан ишланган (лой, гипс билан сувалган) булиши мумкин. Ёнадиган бинолар ва иншоотлар материалларига, ёнадиган органик моддалар, ёгочдан ишланган эшик дераза ва деворлар, камиш билан ёпилган хўжалик бинолари ва ҳоказолар киради. Ёнгиндан саклаш масофалари 11 – жадвалда кўрсатилган.

11 жадвал.

Ёнгиндан саклаш масофалари.

| Биноларнинг ёнгинга чидамлиги | Ёнидаги биноларнинг ёнгинга чидамлиги | | | |
|---|---|---|---|---|
| | I, II | III | IV | V |
| | Бинолар орасидаги энг кам масофа, м | | | |
| I, II | 6 | 8 | 10 | 10 |
| III | 8 | 8 | 10 | 10 |
| IV | 10 | 10 | 12 | 15 |
| V | 10 | 10 | 15 | 15 |

Бир томорка участкасидаги уйлар билан хўжалик иморатлари оралигидаги масофани аниқлашда ҳам II-жадвалдан фойдаланилади.

Оилаларнинг уйлари билан болалар богчалари, мактаблар, касалхоналар, тўғрикхоналар ва клублар оралигидаги масофалар 1-жадвалдагидан 2,5 маротаба куп колдирилади.

Тозалик масофаси.Аҳоли уйларини жойлаштиришда уй ичига бир суткада камида 3 соат куёш нури тушиши ҳисобига олинади.

Чунки куёш нури нафакат ёруглик иссиклик берибгина колмай,одамларнинг соглигига фойдали эканлиги аник шунинг учун биноларни жойлаштиришда,улар орасидаги ёруглик масофасини саклаш тавсия этилади. Ёруглик масофаси сояси тушадиган бинонинг баландлигига боглик булади. Ёруглик ва тозалик масофалари 12-жадвалда келтирилган.

Урта Осиё шароитида аҳоли уйлари ва жамоа корхоналари биноларини жойлаштирганда,улар куёш нуридан хаддан ташқари исиб кетмаслиги учун кукаламлаштириш ва деразаларга куёш нурини тусиб турадиган мосламалар курилади.

Рельефни ҳисобга олиш.Аҳоли уйлари ва жамоа бинолари кабул килинган намунавий лойиҳалар асосида курилади.Рельефи баланд,паст бўлган жойларда биноларнинг пойдеворини кутаришда,инженерлик коммуникацияларини утказишда,тупрок ишлари ҳажми ва сарф-харажатлар купаяди.

12-жадвал

Бинолар орасидаги ёруглик ва тозалик масофалари.

| Оралик меъери масофалари | Масофалар м |
|---|---|
| 1.Биноларнинг узун томонлари оралиги | Сояси тушадиган бинонинг икки баландлигича,лекин 20 м кам булмасин |
| 2.Биноларнинг узун томони билан ён томон оралиги | Сояси тушадиган бинонинг бир баландлиги,лекин 12 м кам булмасин |
| 3.Бинонинг ён томони билан | Сояси тушадиган бинонинг бир |

| | |
|---|---|
| деразаси бир хонали уйлар оралиги | баландлиги,лекин 12 м кам булмасин |
| 4.Деразаси йук биноларнинг ён томонлари оралиги | Ёнгиндан саклаш масофаси меьёрида |
| 5.Бир қаватли уйлар оралиги | Ёнгиндан саклаш масофаси |

Сарф -харажатларни камайтириш максадида биноларни жойлаштиришда жойнинг табиий рельефи ҳисобига олинади.

Агарда қурилиш буладиган жойнинг нишаблиги катта булса ,биноларнинг узун томони горзонталларга параллел равишда курилади.

Агарда биноларни куёш нурига ёки бошқа шароитларга нисбатан горизонталларга (кияликларга)кундаланг (перпиндикуляяр)этиб жойлаштириладиган булса қуйидаги чора шундай жойлаштириш керакки, тадбирлар кулланилади.

-Биноларнинг узунлигини секциялар сонини камайтириш усули билан кискартириш.



-Биноларнинг уларнинг бурчаклардаги атметкаларнинг фарки 0,8-1,0м ошмасин.-Куриладиган уй ўрнидаги ер баландлигини текислаш ва чукур жойларини тулдириш усули билан.

-Бирлаштирилган уйларнинг блокларини пасайтириш усули билан (9 чизма )

-Аҳоли уйларини ва жамоа биноларини эркин жойлаштириш усули билан.

-Уйлар секцияларини горизонтал ва вертикал силжитиб қуриш,13-чизма.

*13-чизма. Уйлар секцияларини горизантал ва вертикал силжитиб туриш*

Назорат учун саволлар:

1) Кищлок хўжалигидаги уйлар турлари
2) Бираштириб куриладиган уйлар
3) Секцияли уйлар
4) Ёнгиндан саклаш масофалари
5) Тозалик масофаси
6) Рельефни ҳисобга олиш
7) Жойнинг рельефи бир томонга кия ҳолда булса секцияли уйлар кандай курилади.
8) Биноларнинг шундай жойлаштириш керакки, уларнинг бурчаклардаги атметкаларнинг фарки неча метрдан ошмаслиги керак.

## 13.Мавзу: Томорка ер участкасининг лойиҳаси

Режа:

1) Томаркали, томаркасиз ва секцияли уйлар тўғрисида тушунча.
2) Томорка майдони, уларнинг улчамлари.
3) Аҳоли уйларининг кучага нисбатан жойлашиши.

4) Томорка элементлари, уйларни томорка майдонига жойлаштириш.

5) Томорка участка лойиҳалари

*Таянч иборалар: Дехкон хўжалиги, тахта, мерос килиб колдириладиган, кизил чизик*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 13,17,14,20

Узбекистон Республикаси конунида Томорка ер участкаси қишлоқ хўжалик махсулотини эркин савдо ҳамда оила эхтиёжлари учун етиштириш,шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни обдонлаштириш максадида оила аъзоларидан бирига мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик қилишга конун хужжатларида белгиланган тартибда ва улчамларда ажратиб бериладиган ер участкадир.

Томорка ер участкасига мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуки Ер участкасига мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик қилиш хукукини берувчи давлат хужжати билан гувохлантирилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг бошқа қишлоқ хўжалиги ва урмон хўжалиги корхоналари ,муассасалар ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига ,шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи укитувчилар,шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига дехкон хўжалигини юритиш учун конун хужжатларда белгиланган тартибда мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик қилишга томорка ер участкаси иморат ва ховли эгаллаган майдонни ҳам кушганда сугорилмайдиган ерларда 0,35 гектаргача, чул ва сахро минтакасида эса сугорилмайдиган (лалмикор)ерларда 1,00 га микдорида берилади Лекин посёлка лойиҳаси тузиладиган жойда хар бир оила учун томорка ер участкаси меъёри қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)умумий мажлисининг бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари,муассасалари ва ташкилотларининг карорига биноан 0,08-0,15 гектаргача белгиланади.Бу карор туман хокими томонидан тасдикланади.Томорка ерининг колган кисмини бошқа ва бир жойдан берилади.

Дехкон хўжалигига мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорка ер участкалари хусусийлаштириш ва олди-сотди,гаров,хадя,айрбошлаш обьекти булиши мумкин эмас,лекин банкдан карз олиш учун гаровга куйилиши мумкин.

Томорка ер участкасини аник геометрик шаклга ,эни ва узунлигига эга бўлган майдон ҳисобланади.

Уларнинг шакли томорка ер участкаси учун ажратилган жойнинг табиий шароитига (рельефига, мавжуд ариклар, йўллар, кучалар ва хокозо)караб ҳар хил (тўғри туртбурчакли,трапеция ва хокозо) булиши мумкин.

Аслида томорка ер участкаси тўғри турт бурчак шаклида бўлгани маъкул.Чунки у ерда фойдаланишда, иморатларни, кучаларни, кварталларни жойлаштиришда,лойиҳани жойига кучиришда қулай булади.

Томорка ер участкаси энининг узунлигига нисбати 1:1, 1:2, 1:3,1:4, булиши мумкин (13 жадвал)Агар эни узунлигига баробар ёки ундан узун булса кучалар ва унга жойлашган кварталлар чузилиб кетади ва инженерлик иншоотларни қуриш сарф-харажатлари купаяди.

Томорка ер участкасининг энг хаддан ташқари киска булса,куриладиган уйлароралигида ёнгиндан саклашмасофаси,сақланмай колади.

Лойиҳаси тузиладиган томорка майдони бир-бирига боглик бўлган элементлари шартли равишда 3 гурухга булинади.

Биринчи гурухга оила уйи, ховли, тахта,гулзор,дарвоза,ичимлик сув учун кувир(колонка),узум ишкоми ва хакозо.

Иккинчи гурухга хўжалик ховлиси иморатлари (молхона,моллар турадиган айвон)унга кирадиган йўлчалар билан,гараж,ёзги учоктандир,хожатхона ва хакозо.

Учинчи гурухга бог узумзор ва экин майдони ва хакозолар киради.

Томорка ер участкасининг лойиҳасини тузишдаги максад,ердан окилона фойдаланиш,куриладиган иморатлар ва бошқа элементларини тўғри жойлаштириш,оила аъзоларининг яшашига қулай булиши учун ва санитария-гигиена,ёнгинга карши ҳамда хўжалик юритиш,кучаларни,посёлкаларни безатиш талабларига тула жавоб берилиши ҳисобга олинади.

Бир оилага мулжалланган уйлар томорка участкасининг уртасига ёки четига,икки оилага мулжалланган уйлар икки томорка участкасининг уртасидаги чегара чизигига,турт ва ундан куп оилаларяшайдиган уйларажратилган участкасининг уртасига жойлаштирилади.

Уйлар кизил чизикдан 4-5 м ичкарига жойлаштирилади.Куча билан уй оралигидаги майдонга чиройли гулзор,манзарали ва мевали дарахтлар экилади,хўжалик иморатларини(сигирхона,товук хона,хожатхона,ем-хашак ва хакозо)жойлаштириш ман килинади.Ховлига кириш йўли,чиройли дарвозалар,панжаралар,уйларнинг кўриниши билан кучаларни ва посёлкани безатиб туриш.

Томорка ер участкасининг ичкари томонидан уй олдида оила аъзолари дам оладиган ховли булади.Ховлига соя тушиб туриши учун узум ишкоми ёки мевали дарахт экилади ва унинг тагига овкатланиш ва дам олиш тахта,унинг четрогига ичимлик сув колонкаси,учоктандир жойлаштирилади.

Томорка участкасига кириш йўлининг каршисига санитария-гигиена ва ёнгинга карши масофани саклаган ҳолда хўжалик ховлиси,у ерда,олдин гараж,сунг молхона хожатхона в.х.жойлаштирилади молхоналар ва уларнинг айвонларига киш пайтида куёш нури



15-расм.Томорка участкасининг лойиҳаси

1.Оила уйи, 2-уйолдидаги ховли, 3-хўжалик иморатлари, 4-хўжалик ховлиси,5-тахта,6-учок7-ичимлик сув кувури,9-узумзор,10-гулзор,11-экин майдони.



16-расм.Томорка участкаси лойиҳаси.
1-оила уйи,2-уй олдидаги ховли,3-хўжалик иморатлари,4-хўжалик ховлиси,5-тахта,6-учок7-ичимлик сув кувури,8- бог,9-узумзор,10-гулзор,11-экин майдони,12-хожатхона,13-гараж.

тушиб туриши учун албатта жанубга ёки шаркка (30% фарки билан) каратилган булиши шарт.

Хўжалик ховлиси панжара билан уралган булади.Иморатлар оралигидаги энг кам масофалар 14-жадвалда кўрсатилган

14 - жадвал

Қурилишлар оралигидаги энг кам масофалар, м

| Бинолар номи | Аҳоли уйлари | | Бола-лар богча-лар | Мак-таблар | Хўжалик бинолари ва иншоотлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | бир қаватли | куп қаватли | | | мол-хона | гунг-хона | хожатхона | ахлат-хона |
| Аҳолининг уйлари | | | | | | | | |
| а) 1 қаватли | 12 | 15 | 10 | | 15 | 15 | 10 | 10 |
| б) 2 қаватли | 15 | 10 | | | | | | |
| Болалар богчалари | 10 | 10 | | | 25 | 25 | 20 | 10 |
| Мактаблар | 15 | 15 | 15 | | 50 | 50 | 50 | 50 |

Назорат учун саволлар:

1) Томорка ер майдонлар кандай тартибда берилади.
2) Томаркали, томаркасиз ва секцияли уйлар тўғрисида тушунча.
3) Томорка ер майдонлар
4) Томорка ер майдонларининг улчамлари
5) Кучага нисбатан аҳоли уйлари кандай жойлаштирилиши керак
6) Томорка элементлари тўғрисида маълумот беринг.

7) Уйларни томорка майдонига жойлаштириш шартлари.
8) Томорка участкалари лойиҳалари.

## 14. Кварталлар, уларнинг тури, шакли ва биноларни жойлаштириш

Режа:

1) Кварталлар, лойиҳасининг асосий элементлари.
2) Каврталлар тури, шакли ва улчамлари
3) Томоркали ва томоркасиз кварталлар жойлаштириш
4) Оддий ва мураккаб кварталлар уларни экваторга нисбатан жойлаштириш.

Таянч иборалар: кварталлар, оддий ва мураккаб кварталлар, батаря усулда, петел, суперблок

Тавсия этиладиган адабиётлар:7,12,14,17,21

Кварталлар, аҳоли яшайдиган худуднинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Квартал деб, аҳоли яшайдиган майдоннинг кучалар билан чегараланган бир кисмига айтилади. Кварталлар, томоркали ва томоркасиз уйлардан ташкил топган булиб икки хилга булинади.

Томоркали кварталларга бир ва икки оилали уйлар жойлаштириладиган булса, томоркасиз кварталларга эса 4, 6 , 8 ва ундан куп оилали секцияли уйлар жойлаштирилади.

Агар кварталга факат аҳоли уйлари жойлашса буни аҳоли яшайдиган квартал, агар кварталга факат жамоа корхоналари жойлашса жамоа квартали ва кварталга ҳам ховли уйлари, ҳам жамоа корхоналари жойлашса, бундай кварталларни аралашган курилган кварталлар деб атайди. Аҳоли яшайдиган худуд майдонининг 60 -70 % кварталлар ташкил килади. Кварталлар тўғри геометрик шаклга эга булиши керак. Купинча аҳоли яшайдиган жойдаги мавжуд элементларнинг ( канал, йўл, кучалар ва х ) жойлашуви рельфи кварталлар шаклини аниклайди ва ҳар хил булади. Лекин кварталларнинг тўғри бурчакли ва проекция шакллари лойиҳалашда куп кулланилади.
Квартал узунлиги, биноларнинг ёнгинга чидамлиги ва аҳолининг ишга маданий - маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бир - бирига катнаши қулай булиши ҳисобга олиниб, 300 - 500 м атрофида булади. Майда кварталлар хосил бўлганда кучалар майдони купайиб кетади.

Томоркали кварталлар эни, икки томорка узунлиги билан аникланади. Томорка эни эса, биноларнинг ута чидамлилиги билан белгиланади. Агарда томорка эни унинг узунлигига тенг ёки ундан ошиб кетса, куча чузилиб кетади, уйлар сийрак жойлашади, квартал кўриниши умумий меъмори талабларга жавоб бермайди.

Секция уйлари жойлашган кварталлар эни, унинг узунлигидан ошиб кетмаслиги керак.

Биноларни квартал, томонларига жойлаштириши жихатдан турт турга булинади.

Биноларни кварталнинг факат бир томонигина жойлаштирилади, бинолар унинг икки томонига, уч томонига ва турт томонига ҳам жойлаштирилиши мумкин. Бундай кварталларни бир томонлама, икки томонлама, уч ва турт томонлама курилган кварталлар деб атайди. ( 17 - расм) Бундай кварталлар томорка меъёри 0,15 га ва



17 - расм. Оддий томоркали кварталлар тури.

ундан катта бўлганда кулланилади. Томрка ер майдони 0,06 - 0,15 га ва ундан камрок бўлганда кварталларнинг боши берк кучалар билан бирлаштирилган, ҳар хил мураккаб ( петел, суперблок) турлари кулланилиши мумкин. ( 18 - расм )



18 - расм. Томоркали мураккаб кварталлар.
а - томркали квартал; б,в,г - боши берк тор кучалар билан катталаштирилган кварталлар; д - мураккаб квартал петел тор кучаси билан

Кварталлар ичидаги боши берк тор кучалар охирида транспортларнинг кайтишини таъминловчи майдон ажратилади.

Секцияли уйлар жойлашган кварталлар оддий томоркали кварталлардан меъмори кўриниши жихатдан фарк килади. Секцияли уйлар кварталларга периметри буйлаб ёки 2,3 катор килиб ( батаря усулда ) ҳам жойлаштириш мумкин. Бундай кварталлар ичида майдон, вактинчалик дам оладиган жой, дарахтзорлар ташкил килинади ва йўлчалар билан таъминланади.

Одатда секцияли уйлар кварталсиз, гурух - гурух килиб ҳам жойлаштирилади. Бу гурухлар асосий кучаларга каратилган булиб унинг уртасида, болалар уйнайдиган дам оладиган майдон жойлаштирилади ва соя берадиган дарахтлар экилади. Куёш нуридан тулик фойдаланиш учун Узбекистон Республикаси шароитида ҳамма кварталларнинг узун томони экваторга параллел ёки ундан 30 градус фарк билан, шамоли кучли вилоятларда унга перпендикуляр ( 30 гр. фарк билан ) жойлаштирилади.

Назорат учун саволлар:

1) Кварталлар деб нимага айтилади

2) Кварталларни лойиҳалашнинг асосий элементларини айтинг.
3) Кварталлар тури
4) Кварталлар шакли ва улчамлари
5) Оддий кварталларни жойлаштириш тартибини айтинг
6) Мураккаб кварталларни жойлаштириш тартибини айтинг
7) Кварталларни нимага нисбатан жойлаштирамиз

## 15. Мавзу: Жамоа корхоналари участкаларининг лойиҳалари

Режа:

1) Жамоа корхоналари турлари.
2) Жамоа корхоналари учун ажратиладиган ва жойлашадиган ер майдони меъёрлари.
3) Маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш шартлари, хизмат кўрсатиш радиуслари.
4) Жомао корхоналари майдонининг лойиҳасини тузиш

*Таянч иборалар: коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, укув тарбиявий, маданий – окартув*

Тавсия этиладиган адабиётлар:6,14,20,21

Маданий - маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари олти гурухга булинади: укув тарбиявий ( болалар богчаси, мактаб, лицей, коллежлар ва ҳоказолар); согломлаштириш - даволаш ( амблатория, тиббийй пункти, тугрукхона, дорихона, касалхона); маданий - окартув ( клуб, кутубхона, кинотеатр, спорт иншоотлари ва х.к.); Маъмурий - хўжалик , хўжалик идораси, алока булими, жамгарма банки ва х. к ) савдо ва умумий овкатланиш ( озик -овкат, саноат моллари дукони, ресторан, чойхона, ошхона, китоб, газета, журналлар дуконлари ва х.к.); маиший ва коммунал ( маиший уй, мехмонхона, ҳаммом, нонвойхона ва х.к. ) корхоналар.

Бу маданий - маиший ва коммунал уз хизмати жихатидан беш боскичга булинади: 1- боскич - бир посёлка хизмат киладиган корхоналар; 2 боскич - бир хўжаликка; 3 боскич - хўжаликлар аро; 4 боскич - туман аҳолисига; 5 - боскич - вилоят аҳолисига хизмат киладиган корхоналар.

Бир аҳоли пунктига хизмат киладиган объектларга, аҳоли хар куни харид киладиган озик - овкат дукони, болалар богчаси, , мактаб ва х. Хўжаликнинг марказий посёлкасида эса хўжалик идораси, озик - овкат, саноат моллари дукони, тиббий пункт алока булим ва жамгарма банки мактаб ошхона, ҳаммом, нонвойхона, чойхона, клуб, стадион ва х. жойлашади. Туман марказида юкоридаги иншоотлардан ташқари лицейлар, коллежлар, клублар, кинотеатр, ресторан, китоблар дукони, касалхона, дорихона, мехмонхона спорт иншоотлари, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлайдиган, автотранспорт ва бошқа корхоналар жойлаштирилади. Маданий - маиший ва коммунал корхоналар лойиҳасини тузишда, ундаги инженерлик коммуникацияларини жойлаштиришда, асосий йуналишини аникловчи омил ҳисобланади, унинг меъмори талабларини куркини, чиройини, марказий майдонини, кучаларни бинолар билан безатилиши ҳисобга олинади.

Маданий маиший ва коммунал корхоналарнинг узининг ер майдонига эга. Ер майдонини катта булмаган ва санитария - гигиена талабларига жавоб берадиган корхоналарни квартал ичига жойлаштириш мумкин. Ер майдони анча катта бўлган корхоналар, масалан, мактаб, касалхона ва х. к. алохида кварталлар ҳолида

жойлаштирилади. Улар учун ажратилган ер майдонининг шакли лойиҳанинг композициясига, рельефига, санитария - гигиена коидалари ва меъморий талабларга мувофик ҳар хил булиши мумкин. Лекин квадрат шаклига яқин булса, фойдаланишга қулай булади.

Корхоналарнинг ҳажмини, сигимини, кувватини ажратидиган ер майдонини аҳолининг сонига ва таркиби кисмига нисбатан аникланади. Ажратилган ер майдони лойиҳанинг элементларини меъёрлар талаблар, коидаларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

Назорат учун саволлар:

1) Жамоа корхоналари турлари хакида маълумот беринг.
2) Маиший ва коммунал корхоналарининг уз хизмати жихатидан булиниши
3) Жамоа корхоналари учун ажратиладиган ер майдони меъёрлари.
4) Маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш шартлари
5) Маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини хизмат кўрсатиш радиуслари.
6) Жомао корхоналари майдонининг лойиҳасини тузиш тартиби
7) Бир аҳоли пунктига хизмат киладиган объектларга кандай бино ва иншоатлар киради.
8) Корхоналарнинг ҳажмини, сигимини, кувватини ажратидиган ер майдонини нимага нисбатан аникланади.

## 16. Мавзу:Мактаблар, болалар богчаси, савдо маркази , умумий овкатланиш, маъмурий тиббиёт корхоналарини лойиҳаларини тузиш

Режа:

1) Мактабларни лойиҳаларини тузиш
2) Болалар богчасини лойиҳаларини тузиш
3) Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарини лойиҳаларини тузиш
4) Маъмурий тиббиёт корхоналарини лойиҳаларини тузиш

*Таянч иборалар: минтакалар, кичик архитектура шакллари, кизил чизик Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 7,14,20,21

Болалар богчаси қишлоқ хўжалик корхоналари, посёлкалари учун 50, 90, 140, 180, 280 уринли лойиҳа ишлаб чикилган. Болалар богчаларини жойлаштиришда, уларнинг хизмат қилиш ( болаларни богчага олиб келиш ва кетиш) масофаси 600 метрдан ошмаслиги керак. 140, 180 уринли богчалар жойлаштиришни тавсия килинади.

Посёлкадаги богча ёшидаги болалар сонини 1000 кишига 160 - 180 урин, богча майдони эса 1 уринга 35 - 40 м кв. меъёрида аникланади. Богча жойлашадиган ер участкаси алохида булиб, катта йўл, амблотория, касалхона, ҳаммом, хўжалик бинолари ховлилари яқинида, ҳамда марказий майдонда жойлашмайди. Богчалар квартал уртасида, четида, марказий ёки бошқа кучалар ёкасида, лекин кизил чизикдан 20 - 25 м ичкарида, асосий бинонинг олдинги куриниш томони кучага каратиб жойлаштирилади. Богча мактаб ёнида жойлашиши мумкин. Богча майдонининг атрофида албатта 10 м тикансиз ёки мевали дарахтлар утказилади. 3 - 6 ёшдаги болаларга жисмоний тарбия ва бошқа уйинлар учун 1 болага камида 3 м кв. меъёрида майдончалар ажратилади.

Богча майдонининг уртасида чукурлиги 0,25 м бўлган ховуз жойлаштирилади. Болаларнинг велосипед ва уйинчок машиналари юришлари учун эни 1,0 - 1,5 м айланма йўлчалар курилади. Богча болалари ёшига караб, бир неча гурухларга булинади. Хар бир гурух учун алохида 130 - 200 кв м алохида майдон ажратилиб, у ерга усти ёпик айвон ҳам курилади. ( 19 - расм )

Тахминан асосий бино. Сояли айвонлар ва бинолари билан 16 %, яшил дарахтзорлар ва химоя хизматини бажарувчи кукаламзорлар - 53 %, умумий ва жисмоний тарбия майдони- 16 %, хўжалик ховлиси - 5 % ва йўлчалар - 10 % ташкил килади. Богчалар - яслилар аҳоли уйларидан 10 м, коммунал бинолардан 50 м узоқликда, асосий биносини жанубга, шаркка каратиб жойлаштириш тавсия килинади.



19- расм. 140 уринли болалар богчаси лойиҳаси

*1- болалар богчаси; 2 -айвонлар, 3 -ёш - болаларни эмизадиган оналар учун майдон; 4 - ясли ёшидаги болалар учун майдон; 5 - богча ёшидаги болалар учун майдон; 6-7 - мактаб ёшигача бўлган болалар учун майдон; 8-9 - жисмоний тарбия майдонлари; 10 - чумиладиган ховуз; 11 -душ; 12 - хожатхона; 13 - хўжалик ховлиси; 14 - сабзавот саклайдиган омбор; 16 - ахлат йигадиган жой; 18 - экин майдони; 19 - бог.*

Мактаблар.Умум таълим 9 йиллик мактаблар ҳамма аҳоли пунктларида курилади. Мактаб участкасининг умумий майдони укувчилар сонига караб 1,5 - 3,0 гектаргача белгиланган. Унинг 45 - 50 % кукламзорлар, дарахтлар эгаллайди. Мактаб, хар бир укувчиинг катнашига қулай булиши учун аҳоли яшайдиган худуднинг нисбатан марказида, марказий кучалардан куриниб турадиган, алохида ажратилган майдонга жойлаштирилади. Лекин мактаб катта йўл ёкасига, марказий майдонга, тиббий пункт яқинига, истирохат боги ичига жойлаштирилмайди. Мактабнинг асосий биноси ва участкаси, махсус институтларда ишлаб чикилган лойиҳа асосида курилади. Мактаб участкаси майдони укув - тажриба, спорт, хўжалик ва дам олиш минтакаларига булинади. Мактабнинг олдинги кўриниши куча томонга каратилиб ундан 20 - 25 м ичкарисига жойлаштирилади ва олдидаги кенг майдончага гул, хайкал, фантан каби кичик архитектура шакллари жойлашади.

Мактаб майдонининг атрофида дарахтлар билан уралган булиб хўжалик ховлисига алохида кириш йўли билан белгиланади. Спорт майдончалари синфлардан куринмайдиган томонида жойлашади. Укувчилар уйнаб дам оладиган майдончаларни 1-2, 3-4, 5-7 ва 8-9 синфлар учун алохида жойлаштирилади. Мактаб участкасидаги баланд усадиган дарахтлар ва тусик сифатида ишлатиладиган паст усадиган усимликлар ва бошқа ҳамма элементларни санитария - гигиена ва меъморий талабларга жавоб бериб уйгунлашиб, узаро бир - бирини тулдириб туради. ( 20 - расм )



20 - расм 9 - йиллик умумий таълим мактаб лойиҳаси.
1 - мактаб; 2 - спорт майдони; 3 - кичик ёшдаги укувчилар учун майдон; 4 - таёк билан уйнайдиган майдон; 5 - сабзавот экинлари; 6 - дала экинлари; 7 - кучат етиштирадиган майдон; 8 - боғ; 9 - кичик ёшдаги укувчилар синфи майдони; 10 - манзарали дарахтлар; 11 - табиат бурчаги; 12 - об - ҳавони кузатиш майдони; 13 - хўжалик ховлиси; 14 - омбор; 15 - очик ҳаводаги синф.

Тиббиёт корхоналарини - тиббий пункт, амблотория, поликлиника, тугрукхона, касалхоналарни марказий майдондан, катта йўллардан четрокда, санитария - гигиена ва тиббий шароит қулай алохида майдонга жойлаштирилади. Сил ва рухий касалхоналарини посёлкадан камида 1000 м узоқликда жойлаштириш ва атрофи камида 500 дарахтзор билан уралган булиши керак.

Клуб марказий майдонга, асосий кириш кучасидан куриниб турадиган этиб, кизил чизикка жойлаштирилади. Клубнинг бир ёни икки томонидан паркка кирадиган кенг 6 - 10 м йўлга булиши ҳисобга олинади. Кутубхона факат клуб биносида жойлашади. Хўжалик идораси, қишлоқ оксоколлари уйи, агролабаратория, алока булими жамгарма банкини бир бинога бирлаштирилган лойиҳаси кабул килиниб марказий майдонга жойлаштирилади.

Саноат,озик - овкат, хўжалик моллари; китоб дуконлари, ошхона, мехмонхона, маиший хизмат курсати корхоналари бир бинога бирлаштирилган ҳолда савдо марказий куринишда марказий майдонга ёки марказий кучага жойлаштирилади. Бундан ташқари алохида жойлашадиган навбатчи ( нон, сут, бошқа озик - овкат) дуконлари ҳам булиши мумкин.

Чойхона савдо марказида, парк ичида, ошхоналар билан бирлашган ҳолда, ёки уларга яқин манзарали жойларда жойлашади. Коммунал хизмат кўрсатиш

корхоналари - ҳаммом, кир ютиш комбинати, ут учириш депоси, сув иситиш козонхоналар аҳоли яшайдиган худуд билан ишлаб чиқариш худудини булиб турувчи, химоя худуди ичига ёки унга яқин жойга жойлаштириш мумкин. Чунки бу корхоналар икки худудга кам хизмат килади.

Ногиронлар ва кариялар уйини тинч ва марказий кучаларга, касалхона, дорихона яқинида жойлаштирилади.

Назорат учун саволлар:

1) Мактаб участкасининг умумий майдонининг неча фоизи кукаламзорлар учун ажратилиши керак
2) Кизил чизикдан мактабгача бўлган масофа канча булиши мумкин
3) Мактабларни лойиҳалаш тартибини айтинг
4) Болалар богчасини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган омилларни айтинг
5) Болалар богчасининг асосий биносини кандай томонга караб жойлаштирсак максадга мувофик булади
6) Савдо марказларини лойиҳалаш тартибини айтинг
7) Умумий овкатланиш корхоналари лойиҳаларини тузишда ҳисобга олинадиган омилларни айтинг
8) Маъмурий тиббиёт корхоналари лойиҳаларини тузиш тартиби

## 17. Мавзу: Истирохат боги ва хиёбонлар

Режа:

1) Истирохат боги аҳоли яшайдиган жойнинг асосий ва ажралмас компоненти ва унинг аҳамияти ва вазифаси.
2) Истирохат боги майдонини аниқлаш меъёри, фаол ва тинч дам олиш худудлари.
3) Истирохат боги элементларини жойлаштириш.
4) Кичик архитектура шакиллари.
5) Булварлар ва хиёбонлар.
6) Аҳоли пунктини безатиш учун ишлатиладиган қурол сифатида фойдаланиши, шакиллари ва эгаллайдиган майдони.

*Таянч иборалар:* Истирохат боги, компоненти, фаол ва тинч дам олиш худудлари, архитектура, булварлар ва хиёбонлар

Тавсия этиладиган адабиётлар: 7,14,20,21

Истирохат боги, аҳоли яшайдиган жойнинг асосий ва ажралмас компоненти ҳисобланади. Истирохат боги сайл, томоша қилиш, ҳар хил жисмоний уйинлар билан шугуланиши, маданий хордик чиқариш учун мослаштирилган жой. Истирохат боги клуб, театрлар, спорт заллари билан бирлашиб, унинг даволашни ташкил килади.

Истирохат боги майдони табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли яшайдиган худуд марказида жойлаштирилади. Агарда аҳоли яшайдиган худуд кул, дарё, баланд - паст жойлар билан чегараланган булса, унда истирохат богини улар билан бирлаштирилиб курилади.

Истирохат боги майдони унга жойлаштириладиган бино ва иншоотларга боглик булиб 2, 0 - 3, 5 гектаргача ажратилади. Истирохат боги майдони икки асосий худудга булинади: фаол дам оладиган ва тинч дам оладиган худуд. Фаол дам оладиган худудда спорт ва жисмоний тарбия, аттракционлар ва х. жойлаштирилади.

Тинч дам оладиган худудда тинч сухбатлашиб утирадиган соябонлар, сайр қилиш учун йўлчалар, аллеялар, кутубхоналар , шахмат - шашка клублари жойлашади. Истирохат богининг 60 % кукаламлаштирилади.

Истирохат богининг фаол дам оладиган кисмини клубга ва кириш томонига яқин жойлаштирилса тинч дам оладиган кисмини истирохат богининг узоқрок тинч жойидан белгиланади. Клуб биносини истирохат богининг бошланиши ҳисобланиб, унинг кириш кисмида курилади.



21 - расм. Майдони 5 га бўлган истирохат боги лойиҳаси.

*1 - клуб; 2 - маъмурий бино; 3 - савдо маркази; 4 - ёзги кинотеатр; 5 - хўжалик ховлиси; 6 - стадион; 7 - баскетбол майдони; 8 - волейбол майдони; 9 – хаваскорлар уйини майдони; 10 -таёк билан уйнайдиган майдон; 11 - тир; 12- аттракционлар, 13 - дам оладиган соябонлар; 14 - чумилиш жойи, 15 - хайкал; 16 - гулзор; 17 - бог.*

Клуб олдида халк йигиладиган, таркаладиган майдон булади ва шу майдондан истирохат богига кирадиган аллеялар бошланади. Бу аллеялар асосий композициянинг уки ҳисобланади. Бошқа аллеялар йўлчалар унга итоат килади ва маъносини тулдириб туради.

Истирохат богининг лойиҳасини тузишда унинг аллея ва йўлчаларини жойлаштиришда уч хил усулдан фойдаланилади:

- тўғри геометрик шаклда;
- тўғри геометрик шаклга эга булмай эркин - ҳар хил шаклда;
- аралаш шаклда.

Истирохат богининг тўғри геометрик шаклдаги лойиҳасида аллеялар, йўлчалар майдончалар бир бирига тўғри ва симметрик этиб жойлаштирилади.Бу усул рельфи текис ва майдони кичик жойларда кулланилади.

Истирохат боги, элементларини эркин усулда жойлаштириш, купинча дарё, кул билан чегараланган рельефи баланд - пастликлардан иборат бўлган жойларда кулланилади.

Аралаш усул эса истирохат боги майдонининг бир томони жарлик баланд - пастлик дарё ва куллар жойлашган кисмида тўғри геометрик текис кисмида тўғри геометрик шакл хосил қилиш усули кулланилади. 21 - расм )

Стадион ва бошқа спорт иншоотлари истирохат богида жойлаштирилади. Стадионнинг узун томонини факат шимол томонга ( 30 гр. фарк билан ) каратиб томошабинлар жойлари гарб томонига курилади.

Бульварлар ва хиёбонлар биринчидан сайл қилиш, дам олиш учун иккинчидан кучаларни, майдонларни ва аҳоли пунктини безатиш учун ишлатиладиган қурол сифатида фойдаланилади.

Бульварлар марказий кучаларда, унинг уки жамоа майдонига ёки жамоа биноларига каратилган булиши керак.

Бульварлар куча уртасига жойлаштирилади ва у ерда гулзорлар ташкил килиниб, дарахтлар экилади. Бульварлар эни 4 - 10 м булиши мумкин.

Хиёбон - бу унча катта булмаган кукаламлаштирилган, жамоа биноларини, майдонларини, чоррахаларни безатиш элементи сифатида ва катталарнинг киска вакт дам олиши болаларнинг уйнаши учун фойдаланадиган жой. Хиёбонлар майдони унча катта булмайди - 0,05 - 0,50 га; шакли эса жойлашадиган ўрнига боглик булиб, тўғри геометрик шаклда ёки эркин - ҳар хил шакллар кулланиши мумкин ( 22 - расм )

Кичик меъморий шакллар истирохат богини лойиҳалашда, кичик меъморий шакллар, катта аҳамиятга эга. Улар киши кайфиятини кутаради, таъсуротини узгартиради, болалар диккатини узига жалб килади.

Истирохат богидаги кичик меъморий шаклларга безатилган кириш дарвозаси - арик катта “панно”, рангли фавворалар, ҳар хил шаклдаги дам олиш соябонлар, хайкаллар, мебеллар, гуллар учун ҳар хил шаклдаги чиройли гулдонлар, манзарали дарахтлар киради.




22 - расм. Хиёбонлар

*а) бинолар олдида; б) жамоа майдонларида; в) чоррахаларда.*

Назорат учун саволлар:

1) Истирохат боги аҳоли яшайдиган жойнинг кайси кисмида жойлашиши керак.
2) Истирохат богининг аҳамияти
3) Итирохат боги майдонини аниқлаш меъёрлари
4) Истирохат богини худудлари тўғрисида маълумот беринг
5) Фаол ва тинч дам олиш худудлари тўғрисида маълумот беринг
6) Истирохат боги элементларини жойлаштириш шартларини айтинг
7) Кичик архитектура шаклларини қўллаш тартибини айтинг
8) Бульварлар ва хиёбонлар тўғрисида маълумот беринг
9) Аҳоли пунктини безатиш учун ишлатиладиган қурол сифатида фойдаланиш тартибини айтинг
10) Аҳоли пунктини безатиш учун ишлатиладиган қурол сифатида фойдаланиш тартиби, шакллари ва эгаллайдиган майдони

## Y1-Боб. Аҳоли яшайдиган жойларни қайта куруш

### <u>18 Мавзу: Қишлоқларни қайта круишнинг асосий йуналишлари</u>.

Режа:

1) Мавжуд қишлоқларни қайта қуриш тўғрисида тушунча.
2) Қишлоқларни қайта қуришнинг мазмуни, йуналишлари ва вазифалари.

3) Санитария гигиена ҳолатини яхшилаш , аҳоли талабини кондириш, қишлоқларнинг умумий кўринишини яхшилаш

4) Биноларни жисмоний ҳамда маънавий эскириш тўғрисида тушинча ҳамда буни лойиҳа тузишда ҳисобга олиш

5) Лойиҳа тузишда хар бир бино ва иншоотларнинг бир йилдаги уртача эскиришини аниқлаш.

6) Эскириш даврларини ҳисоблаш усуллари

Таянч иборалар: Санитария –гигиена, функционал, меьморий ансамбили, таянч пилан, курулиш фонди, рухий эскирган

Узбекистон Республикаси вилоятларидаги қишлоқ аҳолисининг деярли ҳаммаси илгаридан сугорилиб дехкончилик килинадиган вохаларда жойлашган.Бу жойларда янги узлаштирадиган ерлар йук факат сел келадиган ер ости сувлари кутарилган, кор кучадиган бор каттик ер силкиниш, ер кучиш хавфи, бор жойлардаги қишлоқларни кучириш учун жой ажратилиб лойиҳа тузилади. Лекин мавжуд қишлоқлардаги янги уй - жой маданий - маиший ва ишлаб-чиқариш қурилишларини тартибга солиш қурилиш маданиятини яхшилаш яьни қайта қуриш лойиҳасини тузиш талаб килинади Қишлоқларни қайта қуриш ишлари иштимоий - иқтисодий ва илм фан техника тарракиетининг ўсишига боглик булади

Қишлоқларни қайта қуриш дегани мураккаб тадбир булиб уларни меьморий жихатидан қурилишларини тартибга солиш янгилаш ободонлаштириш ишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш демакдир Қишлоқларини қайта қуриш тулик еки кисман киска ва узоқ муддатга мулжаланган булиши мумкин

Қишлоқларни қайта қуришнинг асосий йуналишлари

-Санитария -гигиена талабларини амалга ошириш, яьни функционал худудлар ташкил қилиш, зах сувларини ташқарига чиқариш ,сув босишдан сақланиш, қишлоқ ичидаги кабристонларни ёпиш химоя худудини ташкил қилиш

Аҳоли пунктларини куринишларини яхшилаш (меьморий талабларга риоя килинган ҳолда ), жамоа биноларини жойлаштириш , тор кучаларини кенгайтириш , эгриларини тўғрилаш, марказий майдонни, кварталларни ташкил қилиш буш жойларни қурилишлар билан тулдириш маданий -маиший биноларни жойлаштириш улар билан марказий майдоннинг меьморий ансамбилини ташкил қилиш

-Мавжуд,қурилишлардан йиллик фойдаланиш каби ишлар бажарилади .

## <u>Таянч плани ва қурилишларнинг колган умрини ҳисоблаш.</u>

Аҳоли пунктини қайта қуриш лойхасини тузиш учун таянч пилани тайерланади .Лойиҳа тузиладиган қишлоқнинг майдони 1:2000 (куйилган талаб буича 1:1000, 1:2000, 1:5000 , микесида булиши мумкин) микесида сьемка килинади . Таянч пилани сьемка материяни буича тузилади . Таянчиланига шу жойдаги,ҳамма экинлари турлари, боглар, узум зорлар, арик йиллар, қурилишлар, инженерлик иншоатлар в.х туширилади ва рельефи кўрсатилади . Таянчиланига аҳолининг уйлари ,маданий -маиший ва бошқа хўжалик қурилишларнинг номлари ( мактаб, идора ,ҳамом, клуб, кора мол, парранда фермалари ) кандай материалдан ва качон курилганлиги кўрсатилади .

Курулиш фонди вакт утиши билан эскиради , емирилади ва фойдаланишига яроксиз ҳолга келади .Эскириш икки хил булади - хакикий ва рухий эскириш Қурилишлар вакт утиши билан яроксиз ҳолга келса хакикий эскириш , агарда янги курилган иморат узининг кўриниши , хизмати , жойланиши жихатидан у жойга тўғри келмай колган булса (масалан,ҳаммом ,шифохона в.х.марказий майдонда жойлашган булса), уни рухий эскириш дейилади. Рухий эскирган қурилишларини бошқа максадлар учун фойдаланиш ёки бошқа жойга кучиришга тўғри келади .Эскирган биноларни лойиҳа тузишда этиборга олиш қуйидагига булинади:

-курилган уй-жой ,жамоа ва хўжалик биноларини яна 25-30 йил фойдаланиш мумкин булса , улар лойиҳада сақланиб колинади:

-агар мавжуд бинолардан факат 5-8 йилгина фойдаланиш булса ,лойиҳа тадбирларини биринчи галда амалга оширилиш даври сақланиб колинади:

-фойдаланишга яроксиз қурилишлар лойиҳада сақланиб колинмайди.

Бинолардан фойдаланиш муддати -умри, уларнинг курилган материлларига боглик булиб 50 - 150 йилгача булиши мумкин. Масалан: пахса ёки хом гиштдан курилган бинолар 60 йил, пойдевори тошдан бетондан булиб, пишган гиштдан курилган бинолар 80 - 100 йил, пойдевори темир бетондан ишланиб мустахкам материаллардан курилган булса - 120 - 150 йил фойдаланиш мумкин. Лойиҳа тузишда хар бир бино ва иншоотнинг бир йилдаги уртача хакикий эскириш қуйидаги формула ёрдамида аникланди.

$$E_у = \frac{100\%}{Ф_{ф.м.}}$$

бу ерда $Е_у$ - бино ва иншоотларнинг бир йилдаги уртача эскириш;

$Ф_{ф.м.}$ - бинолардан фойдаланиш муддати.

Бинонинг фойдаланиш муддатини уч тенг даврларга, хар бир давр учун бир йиллик уртача эскириши топилади.

I - даврдаги бир йиллик эскириш, бир йиллик уртача эскиришнинг $\frac{2}{3}$ кисмини ташкил килади.

II - давр бир йиллик эскириш деб, умумий бир йиллик уртача эскириш кабул килинади.

III - даврда бир йиллик эскириш, бир йиллик уртача эскиришнинг $\frac{4}{3}$ кисмини ташкил килади.

Мисол. Бинонинг умри 90 йил булса, унинг бир йилдаги уртача эскириши 1,11 % ташкил килади ( 15 жадвал)

$$E_у = \frac{100}{90} = 1{,}11\%$$

Биноларнинг уч даврдаги бир йиллик уртача эскириши ҳисобланади:

I - давр $\frac{2}{3}$ х 1,11 = 0,74 %

II - давр - 1,11 %

III - давр - $\frac{4}{3}$ х 1.11 = 1.48 %

Бир давр 30 йилга ( 90 : 3 = 30 ) тенг булса, хар бир даврдаги бир йиллик уртача эскириш қуйидагича булади:

I - давр - 30 х 0,74 = 22 %

II - давр - 30 х 1,11 = 33 %

III - давр - 30 х 1,48 = 45 %

15 - жадвал

Бинонинг ҳисобланган фойдаланиш муддати

| Эскириш | Биринчи давр | Иккинчи давр | Учинчи давр |
|---|---|---|---|
| Бир йиллик уртача | 0,74 % | 1,11 % | 1,48 % |
| Даврлар буйича бир йилдаги уртача | 0,74х30=22% | 1,11х30=33 % | 1,48х30=45% |

Имораталарнинг эскириши 70 % ошса, бундай бинолардан фойдаланиш мумкин эмас. Бинонинг ҳисобланган умри 90 йил булса, ундан 70 %, 63 йилни ташкил килади. Бу бино 63 йилдан кейин фойдаланишга яроксиз ҳисобланади. Масалан, бино курилганига 42 йил булса ( 63 - 42 = 21 йил ) бу бинодан яна 21 йил фойдаланиш мумкин. Бинонинг колган умри 21 йил ҳисобланади.

## VII-Боб.*ИШЛАБ- ЧИҚАРИШ ХУДУДИНИ ЛОЙИҲАЛАШ*

### 19.Мавзу: Ишлаб-чиқариш худуди таркиби ва уларни жойлаштириш

Режа:

1) Ишлаб чиқариш худуди, хўжалик майдонининг бир кисми.
2) Ишлаб чиқаришнинг турлари
3) Ишлаб чиқариш ховлиларини жойлаштириш талаблари

*Таянч иборалар: Ишлаб чиқариш худуди, технологияси, ёпик пайкаллар, иқтисодий талаблар, инженерлик ва механик талаблар*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 6,8,20,21

Ишлаб чиқариш худуди-хўжалик майдонининг бир кисми бўлиб, у ерга хўжаликнинг ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, техникалар, озик-овкат саклайдиган, мол бокадиган бинолар ва иншоатлар жойлашади. Бу бинолар ва иншоотлар хизмати у ердаги бажариладиган ишларнинг тартиби ва бир-бири билан богликлигини ҳисобга олган ҳолда алохида ховлиларгажойлашади.

Ишлаб чиқариш ховлиларининг тури хўжаликнинг ёки бўлимларининг асосий йўналишига, у ерда сақланадиган махсулотлар тури ва ҳажмига боглик бўлади.

Хўжаликларда қуйидаги ишлаб чиқариш ховлилари бўлиши мумкин; чорвачиликпаррандачилик хайвонлар фермалари, ёпик нссик пайкаллар хўжалиги, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш мажмуалари, машина-трактор парки дурилиш материалларини тайёрлаш мажмуаси, озик-овкат саклайдиган ховли ва хакозалар.

Ҳамма ишлаб чиқариш ховлиларини бир жойга жойлаштирганда ишлаб чиқариш худуди ташкил топади. Лекин айрим мажмуаларни чорвачилик паррандачилик фермаларини, молларни даволаш корхонасини ва бошқаларни аҳоли яшайдиган худуддан узоқрокда шамол йўналишини, сув окимини, рельефни куйи томонида жойлаштирилади. Ишлаб чиқариш худудини жойлаштиришда ва мажмуаларининг лойиҳаларини тузишда қуйидаги талабларга амал қилиш лозим:

-ишлаб чиқариш худуди хўжаликнинг ҳамма фойдаланадиган ерига хизмат қилиш қулай бўлсин;

-ишлаб чиқариш ховлиларини қуриш, уларни инженерлик жиҳозлар билан таъминлашда иқтисодий томони ҳисобга олинади;

-алмашлаб экиш далаларига гунг, минерал угит, уруг, ёкилги, транспорт ва далалардан етиштирилган махсулотларни (пахта, дон, сабзавот, сомон, гўзапоя ва хокозоларни) ташиш учун мўлжалланган йўллар аҳоли яшайдиган худуд ичидан ўтмаслиги керак;

-ишлаб чиқариш ховлилари бир-бири ва аҳоли яшайдиган худуд билан боглайдиган йўллар билан таьминланиши керак;

-ишлаб чиқариш ховлилиларини жойлаштириш ва лойиҳасини тузишда у ерда бажариладиган ишлар тартибини (технологиясини) ҳисобга олиш керак;

-аҳоли ягаайдиган худуд билан ишлаб чиқариш ховлилари ва уларнинг ичидаги бино ва иншоотларни жойлаиииришда санитария-гигиена, Енгиндан саклаш меьёри масофаларини ҳисобгаолиш шарт;

-табиий шароитдан (рельеф, тупроғи, шамол йуналиши, сояли дарахтлар, сув манбалари, куёш нури ва ҳоказолардан) тўғри фойдаланиш лозим;

-лойиҳа тузишда компазиция бирлиги, меъморий талабалар жихатидан чиройли кўриниш туйгуларидан фойдаланиш керак;

-аҳоли яшайдиган худуд билан ишлаб чиқариш худуди оралигидаги санитария-химоя худуди ташкил керак.(16-жадвал)

16-жадвал

Ишлаб чиқариш мажмуаларидан аҳолинингуйларигачабўлган санитария-химоя худудининг эни

| Мажмуалар | Санитария химоя худуди | |
|---|---|---|
| | аҳолининг уйлари ва жамоа бинолархнгача | транзит йўлларигача |
| | Фермалар | |
| 1. Кора мол 400 бош сигиргача 401-800 сигиргача | 100 200 | 50 100 |
| 2. Йилкичилик | 100 | 200 |
| 3. Паррандачилик | 200 | 200 |
| 4. Парранда фабрнкаси | 500 | 300 |
| 5. Ветеринар пункти | 200 | 100 |
| Ёпик пайкаллар мажмуаси | | |
| 6. Техника билан иситишда | 50 | |
| 7. Биологик нситнщда | 300 | |
| 8. Ахлатда иситиш | 300 | |
| Махсулотларни қайта ишлаш мажмуалари | | |
| 9. Сут | 50 | |
| 10. Моллар ва паррандалар, дон, сабзавот, мева омборлари | 10 | |
| Машинатрактор парки | | |
| 11. Устахоналар | 100 | |
| 12.Машинатрактор | 100 | |

| | | |
|---|---|---|
| гаражлари | | |
| Озик овкат саклайдиган ховли | | |
| 13.Дон, сабзавот, мева, картошка | 50 | |
| 14.Хўжалик ховлиси | 50 | |
| Қурилиш ховлиси | | |
| 15. Ёгоч материаллари цемент, гишт, охак. | | |
| Бошқа ховлилар | | |
| 16.Минерал ўгитлар, гербацнт ва бошқалар | 300 | |
| 17. Ёнилги ва мойлаш мажмуаси | 100 | |

Ишлаб чиқариш мажмуалари участкалардаги бино ва иншоотлар қуйидаги умумий талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади: иқтисодий, санитария-гигиена, қурилиш, ёнгиндан саклаш ва табиий шароит ҳамда меъморий талаблар ҳисобга олинади.

Иқтисодий талаблар. Ишлаб чиқариш мажмуаларининг лойиҳасини тузишда у ердаги бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда, ишларнинг бажарилиши тартибини ва ишчилар иш бажаришда, мехнат қуролларидан фойдаланишда ҳамда юкларнинг ташилиш энг киска масефада бажарилиш ҳисобга олинади. Янги технологияларни жорий қилиш, бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда ердан окилона фойдаланиш, хўжалик ер майдони вабоицаховлилар билан яхши богланиш куздатутилади.

Санитария-гигиена талаблари. Хар бир ишлаб чиқариш бино ва иншоотлардаваховли атрофидаяхши санитария - гигиена шароити яратилган бўлиши керак. Бундан асосий максад, кишилар ва хайвонлар саломатлигини саклаш, иқтисодий самарадорликни ошириш ҳисобга олинади. Ишлаб чиқариш ховлилари ва улар ичидаги бино ва иншоотлар оралигидаги белгиланган санитария масофасини саклаш талаб этилади. Ип1чилар ишлайдиган, хайвонлар турадиган хоналарни куёш нури ва ёруглик тушиб турадиган этиб жойлаштирилади. Шамол каттик эсадиган, кор кўчкини бор, кум босадиган вилоят ватуманлардабино ваиншоотларни химоя қилиш, бино ва иншоотларгазарарли хидлар, газ, тутун, чанг, товуш, ифлосланган сувлар ва ҳоказолар таъсир этмаслиги учун шамол йўналиши ва сув окими, рельефнинг юкори томонигажойлаштирилади.

Инженерлик ва механик талаблар. Инженерлик ва техник талабларга, ёнгиндан саклаш коида ва меъёрлар, ишлаб чиқариш пойдевори куриладиган жойдаги тупрокнинг хусусияти ва сифатини, рельефини, ер кўчиш, сел келиш каби ходисаларига ҳисобга олиш каби масалалар киради.

Лойиҳа тузишда ёнгиндан саклаш масофаларига риоя қилиш, бинолар, иншоотларга борадиган йўлчалар, кўчалар билан таъминлаш, ўт ўчириш асбобларини жойлаштириш каби масалалар ҳам тахлил килинади. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлар оралигидаги ёнгиндан саклаш масофалари, уларнингўтгачидамлилиги билан аникланади.

( 17 - жадвал )

**Ишлаб чиқариш бино ваиншоотлар оралигидаги ёнгиндан саклаш масофалари**

| . Бино ва иншоотларнинг ўтга чидамлилиги | Ёнгиндан сакпши масофалари, м | | |
|---|---|---|---|
| | П | Ш | IV ва V |
| П | 10 | 12 | 16 |
| III | 12 | 16 | 18 |
| IV ва V | 16 | 18 | 20 |

<u>Бадиий, меьморий талаблар</u>. Ишлаб чиқариш мажмуаларида доимо иш бажарилади. Шунинг учун ҳам у ер ишчи ўринлари ҳисобланади. Хар кандай ишлаб чиқариш жараёни, кишиларнинг нафакат моддий талабини ғондирмай, маънавий талабларига ҳам жавоб бериши керак. яъни, ишлаш, дам олиш жойлари тоза ва ёкимли булишига эришиш талаб килинади. Бу эса кишиларнинг мехнатига севги, хурмат билан карашини тарбияловчи шартлардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чикдриш мажмуасининг сифати, цурилиши, кўриниши, чиройлилигига, меъморий композицияларнинг қуролларидан фойдаланган ҳолда эришиш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1) Ишлаб чиқариш худуди таркиби.
2) Ишлаб чиқариш турлари айтинг
3) Ишлаб чиқариш ховлиларини жойлаштириш талаблари
4) Иқтисодий талабларга кандай талаблар киради.
5) Санитария-гигена талабларига кандай талаблар киради
6) Инженерлик ва механик талабларига кандай талаблар киради
7) Бадиий, меъморий талабларига кандай талаблар киради
8) Ишлаб чиқариш ховлиларини жойлаштиришда куйиладиган талаблар

## <u>20. Мавзу: Ишлаб чиқариш мажмуаларининг лойиҳаларини тузнш тартиби</u>

Режа:

1) Ҳамма ишлаб чиқариш ховли ва мажмуаларини хўжаликнинг умумий ер майдонига, аҳоли яшайдиган жойига ва бир бирига нисбатан жойлаштириш талаблари.

2) Лойиҳа тузиш учун керакли материаллари

3) Ишлаб чиқариш ховли ва мажмуаларини куввати, сақланадиган махсулотлар ҳажми, моллар сони, бокиш усуллари, ем хашак тури, ва улар билан таъминланиши.

4) Бино шншоотлар тури ва сони

*Таянч иборалар: Журамал, далолатнома, минтакалар, магистрал*

Тавсия этиладиган адабиётлар:7,8,9,14,18

Ишлаб чицарнш мажмуаларининг лойиҳаларини тузиш тартиби унинг гурига, хўжалик ер майдонига нисбатан жойлашишига ва меъморий лойиҳалаш таркибига боглик булади. Ишлаб чицариш мажмуаларининг лойиҳалари, уларнинг у мумий жойлашишидан бошланади. Ҳамма ишлаб чищариш мажмуаларини хўжаликнинг умумий ер майдонига, аҳоли яшайдиган жойгава бир-бирига нисбатан жойлаштириш талабларига биноан умумий бир неча журамол вариантлари ишлаб чирлади. Сунг эса алохида, хар бир мажмуаларнинг ички лойиҳаси, умумий ҳолда,

бундан кейин, хар бир элементлари жойлаштирилади. Мажмуанинг лойиҳаси қуйидаги тартибда бажарилади:

-лойиҳалаш учун керакли матер иаллар урганиб чищилади в а ҳисоб-китоб ишлари бажарилади. Лойиҳа тузиш учун керак бўлган асосий материалларга лойиҳа тузиш учун вазифа, рдирув ишлари ва мажмуалар ўрнини танлаш далолатномаси, инженерлик техникавий, санитария-гигиена, ицтисодий, қидирув ишлари натижалари ва меъёрий материаллар киради. Ишлаб чицариш мажмуаларининг цуввати, сақланадиган махсулотлар ҳажми, қурилишларга сарфланидиган харажатлар, фермерлардаги моллар сони, бокиш, ем хашак бериш усуллари, ем - хашак тури ва ҳоказолар ҳисобга олинади;

-мажмуанинг бошқа мажмуалари, махсулотларни топшириш пунктлари ва бошқа корхоналар билан борлиригини аниклангандан кейин, хўжалик ер майдонининг у ёки бу (четида, уртасида) томонида жойланиши аникланади. (ишлаб чиқариш мажмуаларини жойлаштириш принциплари, аҳоли пунктларини жойлаштириш бобидакелтирилган);

-ишлаб чиқариш жараёнидаги ишларнинг бажарилиш тартиби (технологияси) чизмада график асосида ишлаб чирлади;

-хар кайси ишлаб чиқариш мажмуалари буйича бино ва иншоотлар таркиби, тури аникланади;

-хар кайси вилоятнинг табиий шароитига цараб бино ва иншоотларнинг сигими, ҳажми, сони, бахоси, чизмалари, тасдикланган, ишлаб чиқариш га жорий этилган намунавий лойиҳалардан кабул килиниб, мажмуа майдонлари аникланади;

-хар бир мажмуа майдони, ишларнинг бажарилиш тартибига нисбатан минтакаларга булинади;

-мажмуа каттатранспорт магистрал билан богловчи йўл жойлаштирилиб, мажмуагакириш жойи аникланади;

-лойиҳа тузишда, бино ва иншоотларни жойлаштириш усулллари аникланади;

-хар бир мажмуага бино ва иншоотлар ва уларга хизмат киладиган йўллар жойлаштирилади;

-мажмуаларни ободонлаштириш ишлари (газ, ичимлик чикинди, иссик сувлар ва бошқа инженерлик иншоотлар билан таъминлаш) бажарилади ва алохидачизмада кўрсатилади;

-натижада лойиҳанинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоблаб чикилади;

Ишлаб чиқариш мажмуаларидаги бино ва иншоотларда бажариладиган ишлар тури, тартиби, ёнгиндан хофлилиги, рельефи, юклар ҳажми, у ердаги ишлайдиган ишчилар сони ва ҳоказолар ҳисобга олинган ҳолда мажмуа майдони минтакаларга бўлинади. Бунда бажариладиган ишларнинг тартиби, бир хил санитария-гигиена ва ёнгинга чидамлилиги, бир хил транспортдан, энергиядан фойдаланувчиларни алохида гурухларга бўлиб, уларни мажмуа майдонига жойлаштирилади.

Ишлаб чиқариш мажмуа ва ховлиларни бундай минтакаларга бўлиш, лойика элементларининг жойланиши ва бир-бири билан аник богланиши, меъморий ечимларни осонлаштиради.

Хўжаликлардаги ишлаб чиқариш ховлилари, мажмуалари узларининг йўналиши, тури, катта-кичиклиги, у ердаги ишларнинг бажарилиш тартиби ва ҳоказолар билан бир - биридан фарк килади ва хилма - хил бўлади. Шунинг учун уларнинг майдонини яна ички минтакхаларга бўлиши ҳам, факат шу мажмуагатаълукли бўлади.

Назорат учун саволлар:

1) ишлаб чиқариш ховлиларини бир-бирига нисбатан жойлаштириш талаблари
2) ишлаб чиқариш ховлиларини аҳоли яшаш худудига нисбатан жойлаштириш.
3) Лойиҳа тузиш учун керакли бўлган материаллар мажмуасини айтинг.
4) Мажмуаларнинг лойиҳасини бажариш тартибини айтинг.
5) Мажмуаларни минтакаларга булиш тартиби.
6) Ишлаб чиқариш ховлилари бир-биридан фарк қилиш томонларини айтинг.
7) Да лолатнома кандай ҳолларда тузилади.

## 21.Мавзу: Ишлаб чиқариш мажмуаларидаги бино ва иншоотларни жонлаштириш усуллари

Режа:

1) Повилон усулида бино ва иншоотларни жойлаштириш

2) Билок усулида бино ва иншоотларни жойлаштриш

*Таянч иборалар:_павилон, батария, нур, эркин, аралаш, блок арра, шифрсимон, квартал, панел.*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 7,9,14,18,20

Лойиҳалаш тажрибасидан маълумки ишлаб чиқариш мажмуаларидаги қурилишларни жойлаштиришнинг павильон ваблокусуллари мавжуд.

Павильон усул. Асосан бир қаватли ва алохида - алохида куриладиган бино ва иншоотларни жойлаштиришда кулланилади. Биноларни павильон усулдажойлаштиришнинг бир нечатури маълум: катор ёки батарея, периметр бўйлаб, нур шаклида, айлана шаклида, гурух - гурух ҳолда ва аралаш жойлаштириш ( 23- расм )

1. Катор ва батарея усулда, бино ва иншоотларни бир-бирига пара-ялел равишда жойлаштирилади. Биноларни сони кўпрок бўлганда икки ва ундан ортик катор хтиб жойлаштирилиши мумкин. Бу усул чорвачилик фермаларида, озик - овкат ва бошқа ховлиларнинг лойиххаларини тузишда кўлланилади.



23 - расм. Ишлаб чиқариш ховлилари ва млжмуаларидаги биноларнинг

*"павильон" усулида жойлаштириш. а - кртор ёки батарея; б - пергшетр буйлаб; е - нур; г - айлана; д- гурух - гурух; е - эркин; ж - аралаш.*

*2.* Периметр бўйлаб жойлаштириш усулида бинолар ховли ва мажмуанинг перимегри бўйлаб жойлаштирилади. Лекин мажмуа бир томони очик ҳам булиши мумкин. Бу усул, машина - трактор парки, қурилиш ва бошқа ховлиларни лойиҳасини тузишда кўпрок кулланилади.

3. Нур шаклидаги усулда бинолар умумий марказдан маьлум бир радиусда нўрнинг таркалиш шаклида жойлаштирилади. Бу усул куирох чорвачилик фермаларида кўлланилади. Бу ерда ем - хашак тайёрлайдиган цех марказда жойлашади. Унга нисбатан маьлум радиусдаги айлана бўйлаб сигирхона, бузоқхоналар жойлаштирилади ва ем - хашак таркатиш қулай бўлади.

4. Айлана шаклдаги усулда, бинолар ёпик ёки ярим ёпик айлана бўйлаб жойлаштирилади. Бу усул ишларнинг бажарилиши майдоннинг марказида жойлашган иншоот билан боглик бўлганда кўлланилади.

5. Гурух - гурух килиб жойлаштиришнинг мохияти шундан иборатки, бино ва иншоотларнинг умумий талабига бир хил жавоб бериш (ўхшашлиги, иш жараёнининг бир хиллиги ва ҳоказолар), ишларнинг тугалланишига боглик бўлганлиги ҳисобга олинади.

6. Эркин жойлаштириш усулида бино ва иншоотларнинг жойлаштириш тўгри геометрик шаклга эга бўлмасдан эркин жойлашади. Бу усулнинг кўлланиши табиий шароитга боглиц бўлади.

7. Аралаш жойлаштиришда, ер шароитини ва мавжуд бино ва иншоот-ларни лойиҳада саклаб колинганда, мажмуанинг бир кисмида катор ва периметр бўйлаб, бошқа кисмида эса эркин жойлаштириш усуллари кўлланилади.

Блок усули. - асосий ва ёрдамчи бинолар бир ёки бир неча блокларга бирлаштирилиб курилади. Бундатом боши бирлаштириб ёпилади ва деворлар орасигатор йўллар жойлаштирилади. ( 24 - расм )



24 - расм. Ишшб чиқариш биноларини блок усулида жойлаштириш*:*
*а - ётшсига; б - арра ёки гииферсимон; е - кеартал - панелусулида;*

Бинолар ва иншоотларни жойлаштиришнинг блок усуллари қуйидагилар:

1-Ёппасига, бир неча,бир қаватли бинолар бир томбоши остига жойлаштирилади. Бундай усул асосан ёпиква иссик пайкаллар (парник ва х.) лойиҳаларини тузишда кўлланилади.

2.Арра ёки шиферсимон секцияли усулда бинолар оралигида ёпик ва ярим ёпик ховли колдирилади. Бу усул чорвачилик фермалари ва ёгнц иссик пайкалларнинг лойиҳаларини тузишда кўлланилади.

3.Квартал-ианел шаклида жойлаштириш усулида, ишлаб чикяриш мажмуаси майдонинииг катта - кичиклиппа караб тўгри бурчакли, гур шаклидаги йўлчалар билан чегараланган кварталларга бўлинади.

Умуман, ҳамма ишлаб чиқариш мажмуаларини жойлаштириш усуллари, уларнинг турига, йўналишига, катта - кичиклипиа, табиий ва иқтисодий *ш* ар о итлар и га б о гли к бўлади.

Назорат учун саволлар:

*1.Ишлаб чиқариш мажмуаларидаги қурилишлари жойлаштиришнинг неча хил усули бор.*

2.Повилон усули кандай бино иншоотларни жойлаштиришда кулланилади.
3.Катар ва батария усулида бино иншоотларни жойлаштириш тартибини айтинг
4.Периметр ва нур шаклида кандай ишлаб чиқариш мажмуилари лойиҳаланади
5.нур ва айлана шаклида кандай ишлаб чиқариш мажмуилари лойиҳаланади
6.Блок усулида ишлаб чиқариш мажмуаларини лойиҳалаш тартибини айтинг
7.Ёппасига бино иншоотларни лойиҳалаш усулида лойиҳалаш тартибини айтинг?
8.Арра ва инфрасимон усулида бино иншоотларни лойиҳалаш тартиби
9.Квартал ва панел усулида бино иншоотларни лойиҳалаш тартиби

## 22.Мавзу: Йирик шохли моллар мажмуаси

Режа:

1) Боглаб бокиладиган усулда йирик шохли кора моллар мажмуасини лойиҳалаш

2) Богланмай бокиладиган усулда йирик шохли кора моллар мажмуасини лойиҳалаш

3) Алмашиб бокиладиган усулда йирик шохли кора моллар мажмуасини лойиҳалаш

4)Бажариладиган ишлар тартибини ҳисобга олган ҳолда лойиҳасини тузиш

*Таянч иборалар: дизенфекция тусиги, гарамлар, иситиш козанхонаси*

Тавсия этиладиган адабиётлар:7.10.14.20

Ўзбекистон Республикасининг сугорилиб, дехкончилик килинадиган вохаларида жойлашган туман хўжаликларига беркитилган ер майдонида яйловзорлар йўк. Бу хўжаликларда корамоллар факат фермада бокилади ва см - хашак шу жойга келтирилиб бсрилади. Корамоллар доимо бир жойда бокишнинг уч усули мавжуд: богланиб бокиладиган, боглапмай бокиладиган ва алмашиб бокиладиган.

Богланиб бокиладиган усулда молхонада хар бнр бош молучун алохида жой курилган.

Ем - хашакни таркатиш учун кўйилган йўлнинг икки томонига охурлар ўрнатилган. Ем - хашак охурларига мўлжалланган меьёрларда шнекс - ратор мосламаси ўрнатилган прицепли трактор билан таркатилади ( 25 - расм ).

Молхонадаги гунг хар куни юкори босиидаги сув ўтказгич кувуридан келадиган сув билан ювилади. Моллар турадиган жойнинг орка томонидан арикча курилган гунг чикинди сувлар шу арикча билян махсус гунг саклайдиган жойга окиб тушади.



25-расм. Богланнб бокиладиган сигирхона*:*

*1 -сигиршр турадиган жойлар; 2-сутхона; 3-сигирхона олдидаги очик майдон.*

Сигирлар ўз жойида ем ейди, сув ичади ва суюрилади. Сигирхонанинг ён томонида сигир согиш анпаратлари турадиган хона ва сут хона жойлашади. Согиладиган сутлар сув кувури оркали сутхонага келиб тушади. Сигирхонанинг жануб томонидан унга бирлаштириб жойлаштирилган ва курилган очик майдон курилади. Бу очик майдон бир бош сигир учун 12 - 15 м.кв. меъёрида аникланади.

Богланиб бокиладигаи усулда қуйидаги бинолар ва иншоотлар жойлаштирилади: сигирхоналар, сигирхонага бирлаштирилган очик майдон, очик майдон ўртасида бирданига 6-8 молга мўлжалланган сув ичадиган мосламалар, таналар, бузоқлар учун молхоналар ва очик майдон, дагал хашак гарамлар учун жой, силос саклайдиган махсус чухурлар, ем - хашак тайёрлайдиган цсх омухга ем учун омбор, асбоб - ускуналар учун айьон, чорвадорлар уйи, коровулхона, дезинфекция тўсиги, ўт ўчириш асбобларн. ховуз, ветеринария пункти, молларни дорилайдшан ховуз, гунг чикарадиган бетондан ишланган арикчалар, гунг сақланадигаи жой ваҳоказолар.

Мажмуа майдони, ишларнинг бажарилиш тартибига, рельефига, шамол йўналишига нисбатан тўрт минтакага бўлинади. Биринчи минтакага рельефнинг юкори томонига ва у жойига коровулхона, чорвадорлар уйи. ховуз, асбоб - ускуиалар айвони жойлаштирилади. Иккинчи минтякага дакал хашак гарамлари,силос саклайдиган жойлар ва молга бсриладиган лавлаги, ковок ва ҳоказолар жойлаштирилади.

Ем - хашакларнинг жойлаштириш усуллари 26 - расмда кўрсатилган.



26 - расм. Ем - хашакларпинг жойжаштириш усуллари.

1- *Ем-хашаклар; 2 - иолхошишр; 3- еи - хашак бериш йўли; 4 - Гунг чикарии* йўли; 5 - Гунгхона.*

Богланмай бокиладиган усулда моллар умуман богланмайди, бўш юради. Ем - хашакларнинг сигирхонадаги ва очик майдондаги охурлардан ўзлари бориб ейди. Охурлар хар бир бош молгаО,4 - 0,5 м меъёрида курилади.

Согиладиган, бугоз ва кисир сигирларни алохида бўлиб куйилади. Очик майдон ўртасида 6 - 8 сигирга мўлжалланган сув ичадиган мослама курилади. Мол гунги хар куни тозаланмайди. Ёгингарчилик натижасида сигирхона ва унинг олдидаги очик майдои гунг ва сув билан ифлосланади. Шунинг учун у ерга хар куни сомон, майдаланган гўзапоя ёки ёгоч кириндилари сепилади. Хар куни сепилган сомон ёки гўзапоялар гунг билан аралашиб маълум бир катлам хосил бўлади. Бу катлам, цементланган ёки асфалтланган жойдан исеик бўлади, молларни касалланишдан саклайди.

Мол гунги 2 - 3 ойга бир маротаба бульдозер билан тозаланади. Сигирхонада сигир согиш хонаси бўлиб, унинг ичида 8-16 ёки 32 ўринли согиш аппаратлари ( Ёлочка, карусель, тандем гурлари маълум ) ўрнатилган. Бир ўринга факат бир сигир сигади. Согилиш вактида омухта ем берилади. У согиш аппарати сонигакараб сигирлар киритилади. Бир согиш хонасига ўзлари киришга харакат килади, чунки у ердан омухта ем ейди. Согилган сигирлар бошқатомондан ховлига чикарилади. Молларни богламай бокадиган усулнинг камчилиги; ҳамма сигирлар бир меъёрда ем-хашак ейолмайди; зўрлари кўп, бошқалари кам ейиши мумкин. Кора мол мажмуаси лойиҳалари 27, 28, 29 -расмларда кўрсатилган.




27 - расм. 200,400 сигирга мўлжалланган гўшгп етиштирадигаи корамол фермаси.

*1-120 сигир учун тугрукхона; 2-60 сигиручун туерукхона; 3-180 ўринли сигирхоиа; 4 - 228 бош таналар учун бпно; 5 - 300 т. омухта ем омбори; 6 - механизмлар учун апвон; 7 -10 т. автомобиль тарози айвон; 8,9 - сунъий крчприш пункти; 11 - чорвадорларуйи; 13 -касал моллар хонаси; 14 - ветпункт; 16 - ховуз; 17 - сшос саклайдиган ўра; 18 - иситиш крзонхонаси.*




28 - расм. 400 сигирга мўлжалланган богланиб бокиладиган корамол мажмуаси.

*1 -200 ўринли сигирхона; 2,3 -100ўринли сигирхоналар; 4,5-бузоқхоналар; 6-таналар учун бино; 7-ем-хашак майдалайдиган, тайёрлайдиган цех; 8-дагал хашак; 9-омухта ем омбори; 10-молларучун лавлаги, ковок ва хрказолар учун омбор; 11,12-силос саклайдиган*

*жой; 13-сунъий кочириш пункти; 14-ветпункт; 15-мол остига сепиладиган сомон, майдаланган гўза-поялар учун жой;16, 17-гунг сацлайдигст жой; 18-чорвадорлар упи; 19 -*

*диззенфекция тусиги.*




29 - расм. 200 сигирга мўлжалланган богланиб бокиладиган усулдаги ферма. (Литва лойиҳаси)

*1-200 ўринли сигирхона; 2-11 ўринли тугрукхона; 3-бузоқхона; 4-молларга бериладигми лавлаги, картошка, крвоклар учун жой; 5-силослар ураси; 6-ховуз; 7-гунг саклайдиган жой; 8 - гунг чиқариш йўли; 9-трансфор.матор.*

*Назорат учун саволлар:*

1) *Корамолларни бокиш усуллари.*
2) *Богланмай бокиладиган усулда мажмуани лойиҳалаш*
3) *Боглаб бокиладиган усулда мажмуани лойиҳалаш*
4) *Алмашиб бокиладиган усулда мажмуани лойиҳалаш*
5) *Мажмуани лойиҳалашда ишлар тартибини ҳисобга олган ҳолда лойиҳасини тузиш.*
6) *Очик майдонда хар бир бош мол учун канча м.кв. майдон булиши керак*
7) *Ем хашакларни жойлаштириш усуллари*

## 23.Мавзу: Озик - овкат мажмуаси.

Режа:

1)Озик-овкат мажмуасидаги бино ва иншоотлар тури ва сони

2)Қишлоқ хўжалик махсулотларини ҳисоблаш ва улардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мажмуа лойиҳасини тузиш.

*Таян иборалар:ярим чукурлик вентиляция камераси, урта ук контейнерлар, идишсиз, бункерлар, батария.*

Тавсия этиладиган адабиётлар:7,8,10,14,18

Қишлоқ хўжалик корхоналарида (жамоа, давлат, ширкат, фермер, ва ҳоказолар) етиштирилган махсулотлар икки кисмга, бир кисми уругчилик озик - овкат ем ва ҳоказолар учун хўжаликнинг ўзида колади, иккинчи кисми шартнома асосида давлатга ва бошқа корхоналарга сотилади. Ундан ташқари кўпчилик хўжаликлар етиштирилган маххсулотларни қайта ишлаб, тайёр махсулотлар сотади.

Бундай хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотларини саклаш учун махсус омборлар қуриш талаб этилади. Каргошка, сабзавотлар, дон ва меваларни сакхпаш учун махсус омборлар, махсулотларни кайга ишлаш билан боглик бўлган бино ва иншоотлар (куритадиган, яровизация киладиган, меваларни ювадиган, сабзавотларни тузлайдиган, майдалайдиган, бўш идишларни, тайёр махсулотни саклайдиган ва ҳоказо) курилади. Ундан ташқари тарози., коровулхона, ўт ўчириш асбоблари, овцатланадиган хоналар, асбоб-ускуналар учун омбор каби ёрдамчи бино ва иншоотлар ҳам жойлаштирилади.

Истеъмол килинадиган картошкаларни ярим чуцурликда саклаш омборларида қуйидаги хоналар бўлади: сараш жойи, хизматчилар хонаси, вентиляция камераси ва эшик олди хонаси ( 30 - расм ).



30-расм. Картошка омбори.

*1-транспорт шрадиган йўл; 2-вентиляция камераси; 3-жртошка сакмшдиган жой; 4-эгшл.к олди хонаси;*

Картошка омборининг тузилиши содда, бино ўрта ўки бўйлаб эни 6 метр йўл кўйилади. Йўлнинг икки томонидан деворгачаб метр картошка сақланадиган жой ажратилади. Бу жойнинг ён томонлари ва ости ёгоч тахта билан ўралади. Бу жойга картошка бўш тўкилади. Бўш тўкнлган картошка катламн 4 метр бўлиши мумкин, уруглик картошканинг катлами 3 метрга етади.Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда махсус омборлар курилади. Улар яшикларда, контейнерлардава идишсиз сақланади.

Дон омборлари уруглик истеъмол килинадиган ва ем учун сақланадиган турларга бўлинади. Омборлардаги донлар коп- канорларда, махсус бункерларда ва бўш тўкилган ҳолда сақланади. Бир омбор ичида ҳар хил усулда, махсус бункерда, коп канорларда ва тўкилган ҳолда сақланиши мумкин. Дон махсус идишларга бўш гўкилади. Бундай идиш ёгоч тахталардан ясалган яшик шаклдабўлиб, баландлнги 2,5 - 5 метр, эни 1,8 х 2,7 метр бўлади. Буларни бир жойда турадиган ёки бошқа жойга кўчириладиган килиб ҳам ясалиши мумкин. Уруглик дон саклайдиган бункерлар баландлиги 2 - 3 метр, истеъмол килинадиган ва ем учун мўлжалланган донларни идишсиз бўш сақлангандаги баландлиги 5 метр, бункерлар баландлиги 10 метргача, силос саклайдиган шаклдаги омборлардаги дон баландлиги 20 ва ундан кўп метр бўлиши мумкии. Ховлининг энг ичкари томонига уруглик дон

сақланадиган омбор жойлаштирилади. Чунки бу омбор мавсумнинг ёз, куз ойларидагина ишлайди.

Мева сабзавот ва картошка сақланадиган омборлар батарея усулида жойлаштирилади. Дарвоза яқинига корвулхона, асбоб - ускуна ва бўш коп - канорлар, идишлар ва ҳоказолар саклайдиган омбор, ховуз ва бошқалар жойлаштирилади. Ховлининг атрофи 10-15 метр дарахтзор билан ўралади.

## 24.Мавзу: Қишлоқ хўжалик машиналарини саклаш ва таъмирлаш мажмуаси ва қурилиш ховлиси.

Режа:

1) Қишлоқ хўжалик машиналарини саклаш ва таъмирлаш мажмуасидаги бино ва иншоотлар тури ва сони
2) Мажмуада бажариладиган ишлар тури ва тартибини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа тузиш
3) Ёгочларни арралаш курилмаси, келтирилган ёгочлар учун очик майдон
4) Қурилиш ховлисидаги бино ва иншоотларни, минтакаларни жойлаштириш ҳамда лойиҳалаш

*Таянч иборалар: шартли капитал таъмирлаш, терсаклар, арра*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 7,8,12,14,20,21

Қишлоқхўжалик машиналарини саклаш ва таъмирлаш мажмуаси вакти -вакти билан уларнинг ишчи ҳолатини текшириш, ювиш, мойлаш, енгил ва капитал таьмирлаш ишларини бажариш учун хизмат килади. Машина трактор паркида кўйидаги бино ва иншоотлар жойлаштирилади: 100 ёки 250 шартли капитал таъмирлаш устахонаси, автомашиналар учун гараж ва очик майдон, тракторлар, пахта терим машиналари, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари учун айвонлар ва асфальтланган очик майдон, асбоб-ускуналар ва эхтиёт кисмлари омбори, иситиш козонхонаси, кераксиз темир - терсаклар учун майдон, ховуз, ўт ўчириш асбоблари, коровулхона, хожатхона, ичимлик сув, электр энергияси билан таъминланадиган иншоотлар курилади. Машина трактор паркидаги ҳамма бино ва иншоотлар ховлиси периметри бўйлаб жойлаштирилади.

Автомашиналар гаражи олдидаги очик майдони билан ховлига кириб чикадиган йўлига яқин жойлаштирилади. Чунки автомашиналар хар куни ишга чикишига қулай бўлади. Иахта терим машиналар, комбайнлар ва киска муддатдагина ишлатиладиган қишлоқ хўжалик машиналари ховлининг энг ичкари кисмига жойлаштирилади. Гараж ва айвонларда бир трактор учун 16 м. кв. 1 комбайн учун эса 35 - 40 м. кв. майдон ажратилади. Кириш йўлининг тўғрисига, яъни ховли уртаеига машина ва тракторларни таьмирлаш уетахонаси жойлаштирилади. Унинг икки томонида дарвоза булиб, даладан синган, бузилган машина ва тракторларни судраб келиб, бир томонидан устахонага киритилса, таъмирлангандан сунг иккинчи томонидан ишга чикарилади.

Устахона ўртаеида таъмирланадиган машиналар учун силжимали мослама уйилади ва икки ён томонларда (ишларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда),моторларни таъмирлаш, чилангарлик кузнес пайвандлаш, текшириш,созлаш ва буяш бўлимлари жойлашади. Ховлида қишлоқ хўжалиги машиналари салаш учун асфальтланган очик майдон ҳам жойлаштирилади.

Эхтиёт кисмлари омбори устахонага яқин, коровулхона, механизаторлар уйи, ховуз ва бошқалар ховлига кириш томонидан ва ҳамма бино иншоотлар ёнгиндан саклаш масофаларига риоя олинган ҳолда жойлаштирилади. Машиналар, трактор ва комбайнлар гараж ва айвонларга бемалол чикиши учун кенг йўллар, буш

майдончалар колдирилади ва машина, тракторларни ювадиган жой ҳам ажратилади. Ховуз ва ховли атрофига баланд усадиган дарахтлар экилади.

## Қурилиш ховлиси

Қурилиш мажмуаси посёлкада жойлашади. Унда хўжалик усулида амалгаошириладиган, келтирилган ёгочларни тилиш, қурилиш , таъмирлашда ишлатиладиган материал ва махсулотларини тайёрлаш каби ишларини жойлаштирилади. Қурилиш мажмуаси майдонида қуйидаги бино ва иншоатлар жойлашади : ёгочларни арралаш курилмаси , келтирилган ёгочлар учун очик майдон , арраланган (тилипган) ёгочлар учун очих майдонлар, дурадгорлик устахонаси ёгоч кириндилари учун майдон , тайер махсулотлар учун омборлар , қурилиш материаллари (цемент, охак алибастр ва ҳоказолар) учун омборлар , ишчилар уйи , коровулхона , ховуз, ут учириш асбоби , хожагхона, ичимлик суви электр энаргиясидан фойдаланиш

Курилмалари ва ҳоказолар. Егочларни арралаш курилмасининг усти ёпик булиб, икки ён томонига енгил материалдан курилган кенг айвонлар курилади. Арранинг икки ён томонларида 5-6 м жой колдирилади , бир томонда арраланмаган, иккинчи томондан арраланган ёгочлар учуи майдонлар жойлаштирилади. Арра уки билан майдончалар уки бир тўғри чизихда етадиган этиб йўлча курилади. Мажмуадаги аррадан ва устахонадан чиккан чикиндилар алохида жойларга йигилади. Бино ва иншоотларни , ишларнинг бажариш тартибини ҳисобгаолган ҳолдажойлаштирилади. (31- расм.)

Қурилиш мажмуаси майдонда камишдан ишланадиган плиталар , гишт тайёрлаш цехи каби қурилиш материаллари тайёрланадиган майдон ажратилиши мумкин.

Келтириш

Арраланмаган ёгочларни саклаш.

Арралнган ёгочларни саклаш.

Егочларни сунъий кучириш.

Махсулотларни тайерлаш

Тайер махсулотларни саклаш.

Жунатиш .

31- расм . Ишларнинг бажарилиш тартиби.

Назорат учун саволлар:

1) Озик-овкат мажмуасидаги бино ва иншоотлар тури
2) Озик-овкат мажмуасидаги бино ва иншоотлар сонини нимага нисбатан аниклаймиз
3) Қишлоқ хўжалик махсулотларини ҳисоблаш
4) Озик-овкат мажмуасини лойиҳалаш тартиби
5) Келтирилган ёгочлар учун очик майдонни ҳисоблаш
6) Арраланган ёгочлар учун очик майдонлар ва дуродгорлик устохонасини лойиҳалаш тартиби.
7) Қурилиш ховлисини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган омиллар

## 25.Мавзу: Пахта ховлиси ва нефть махсулотларини саклаш мажмуаси

Режа:

1) Пахта ховлисида жойлашадиган бино ва иншоотлар
2) Пахта ховлисини лойиҳалаш тартиби.
3) Нефть махсулотларини саклаш мажмуасини лойиҳалаш
4) Нефть махсулотларини саклаш мажмуасини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган элементлар.

Таянч иборалар: кўсак ковога, парник ромлар

Тавсия этиладиган адабиётлар: 8,13,14,17,20,21

Бизнинг Республикамизда асосан экспорт килинадиган ҳамда ўзимизда тайёр махсулотлар ишлаб чикарилиши учун асосий хом ашё пахта ҳисобланади. Пахтани йигиб - териб олиш 2 ойга (сентябр , октябр) тўгри келади. Бу ойларда ёгингарчилик кўп бўлади . Терилган кўсаклар усти епик айвонларда сақланиб махсус машиналар билан пахтаси ажратиб олинади. Бу машиналар ( кўсак чувиш машиналари) электр куввати билан ишлайди. Бу ховлидаги гехнологик иш тартиби даладан келтирлган кўсаклар айвонига гўкилади,машинада пахтаси ажратилади ва пахта пунктига жўнатилади, машинадан чиккан ковога очик майдонга йигилади. Бу кўсак ковогани фермалардаги моллар турадиган жойларга сепиш ёки гунг учун ишлатиш мумкин.

Пахта ховлисида ипак куртини бокиш учун махсус бинолар , мосламалар, тут баргини тайерлаш, (буташ) саклаш, пиллани тозалаш ишлари бажариладиган айвонлар курилади, чунки терим ва уни топшириш ишлари йил фаслининг куз ойларида бажариладиган бўлса, ипак куртини бокиш ундан (пилла) хосил олиш эса кўкламнинг май ойигатўгри келади. Бу икки йўналиш учун мўлжалланган бино ва иншоотлардан йил мобайнидан тўлик фойдаланиш учун бир ховлигажойлаштирилади.

Пахтаховлисигакўйидаги бино ва иншоотлар жойлаштирилади;

-пахта ва кўсакларини саклайдиган айвонлар , пахта куритиладиган бино ва очик майдончалар, ипак курти бокиладиган бинолар, тут баргини тозалайдиган , саклайдиган айвонлар, асбоб ускуналар, коп-конорлар учун омбор, ичимлик суви, электр кувватидан фойдаланадиган иншоотлар , ховуз ут- ўчириш асбоблари, дам олиш уйи, коровулхона, автотарози ва бошқалар.

-ипак куртини бокадиган бинолар ховлининг энг ичкари томонидан, барг тозалайдиган, сакхлайдиган айвонлар, уларнинг ўртасида жойлашади. Пахта саклайдиган, куритадиган айвон ва майдончалар ховлининг переметри бўйлаб, лекин айвончаларнииг очик томони жануб томонга каратилган ҳолда жойлаштирилади.

-ховлининг ипак курти, бокиладиган кисми билан, пахта тозалайдиган кисми 10-15 м. дарахтзорлар билан бўлинади. Ховлида транспорт бемалол юриши таъминланиши керак.

-дам олиш уйи, асбоблар, коп-канор омборлари, ховуз дарвозага яқин жойда жойлаштирилади. Ховуз ва ховли атрофига соя берадиган дарахтлар ўтказилади.

Нефть махсулотларини саклаш мажмуаси

Нефть махсулотларнинг ўлчам бирлиги этиб метр кўб кабул килинган.Хўжаликдаги нефть саклайдиган омборларнинг ҳажми хўжаликнинг умумий ер майдонига, бажариладиган ишлар турига, туман ёкилги саклайдиган ва таркатадиган омборларининг жойлашувига боглик бўлиб, бир хафтада бир ойгача сақланадиган ёкилги ва мойлаш махсулотларини саклаш учун мўлжалланган бўлади .Хўжаликларда куриладиган нефть махсулот омборлари икки гуруххга бўлинади; 1-гурух-умумий сигими 10 дан 250 м.кўб ва 2-гурух сигими 250 дан 600 м.кўб бўлган нефть саклаш омборлари.

Ёкилги саклаш омборлари ,аҳоли уйлари ва ишлаб чиқариш мажмуаларидан ёнгиндан саклаш масофаси меъёрида, шамол йўналишиданал ва ариклардаги сувнинг окими, рельефнинг кўйи томонларида ва машина-тракторларни саклаш ватаъмирлаш ховлисигаяқин жойлаштирилади.

ЁКИЛГИ ва мойлаш махсулотларини саклаш мажмуасидаги бино ва иншоотлари кўйдаги гурухларга бирлаштирилади; ёрлгиларни саклаш омборлари, мойлаш материаа омборлари,уларни кабул қилиш ва таркатиш мосламалари, ёнгинга карши асбоблар, ховуз, каровулхона, хожатхона ва бошқалар. Ёкилги саклайдиган резервуарлар ёнмайдиган материаллардан тайёрланади ва горизантал ҳолда жойлаштирилади.Улар жойнинг шароитига караб ер ости ваер устигажойлаштирилиши мумкин.

Саноатда сигими 2, 5, 10, 25, 50, ва 75 м.кўб резервуарлар тайёрланади. Ёкилги ва мойлаш материаалари мажмуасида кабул қилиш, саклаш, таркатиш, трактор ва автомашиналарга мой кўйиш каби ишлар бажарилади. Бу жойдаги ҳамма ишларнинг бажарилиши қулай ва хавфсиз бўлиши асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Ховли майдони ёкилги вамойлаш махсулотларини саклаш, куйиш, кабул крлншдаркатиш худудларига бўлинади. Бу худудлар ёнмайдиган материаллардан курилган деворлар билан бўлинади. Бу худудлар кувур ўтказгичлари билан богланади. Келтирилган ёкилри-ларни кабул килиб олиш ватаркатиш учун махсус насослар ўрнатилади.Ховли атрофи баландлиги 1,75-2,0 м.девор билан ўралади. Резервуарлар билан таркатиш насослар оралиги 10м. кам бўлмаслиги керак. Ховли ичига эни 3,5-6,0 м. каттик коплама билан ишланган йўллар курилади.

Назорат учун саволлар:

1) Пхта ховлисини лойиҳалашимиздан асосий максад нимада
2) Пахта ховлисидан яна нима максадда фойдаланамиз
3) Пахта ховлисини лойиҳалаш тартиби
4) Пахта ховлисини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган элементлар
5) Нефть махсулотларини саклаш мажмуасини лойиҳалаш тартиби
6) Нефть махсулотларини саклаш мажмуасини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган элементлар
7) Нефть махсулотларини саклаш ва таркатиш худудини жойлаштиришда кандай омилларни ҳисобга олиш керак.

## 27.Мавзу:Иссик хоналар ва пайкаллар хўжалиги ва минерал угитларни саклаш ховлиси

Режа:

1) Иссик хоналар ва пайкаллар хўжаликларининг аҳамияти ва лойиҳалаш тартиби

2) Иссик хоналар ва пайкаллар хўжаликларини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган элементлари

3) Минерал угитларни саклаш ховлисини лойиҳалаш тартиби

4) Минерал угитларни саклаш ховлисини лойиҳалашда хислбга олинадиган омиллар.

*Таянч иборалар: Иссикхона, пайкал, ромлар, силитра, суперфосфат, калий тузи, охак, гербицид ,*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 4,7,24,20

Иссикхоналар ва пайкаллар хўжалиги, куёш нури яхши иситадиган, нишаблиги жанубга, жанубий-шаркка каратилган майдонларга жойлаштирилади. Бу майдон хатц шамолдан, рельефнинг ўзи ёки дарахтлар билан химояланган бўлиши керак.

Майдони текис ва очик жойида ажратилган бўлса,ундан 12-15 м.узоқликда,эни 25 метрдан кам бўлмаган эхота дарахтлари билан ххимояланади. Тупроғи курукер ости суви 1,7-2,0 метрдан ярн бўлмаслиги керак.Совуклойсимон тупрок ва чукур жойлар иссик хоналар ва пайкаллар учун яроксиз хҳисобланади.

Иссикхоналар ва найкаллар мажмуасида курилган бино ва иншоотлар, иссиконалар ва пайкаллар очик ховлидаги майдонлар ва ёрдамчи хоналар, ва асбоб-ускуналар учун айвонлар, чикинди,гунг, материаллар саклайдиган омборлар, кўчатлар,сабзавот омборлари, парник ромларини саклаш ва таьмирлаш учун айвон, сабзавотчилар уйи,(агрономхонаси, лаборатория в.х.) кўчатларни ўтказадиган чиринди гунг тайёрланадиган майдон вахакоза.

Иссикхоналардан фойдаланиш муддати,сабзоватларни ўстириш усули,ички тузилмалар ва конструкциялари бўйича бир-биридан фарк килади.Фойдаланиш муддати бўйича йил мобайнида,кишда,кўклам ва кузда фойдаланадиган иссик хоналарга бўлиниб, кишда ва кўкламда кўчат, ёзда ва кузда сабзовот махсулотларини етиштиради. Иссикхоналарнинг ички тузилиши бўйича икки турга бўлинади.

Оддий (сабзовот етиштиради) ва расталарга (асосан кўчат етиштиради) конструкцияси бўйича (ойна билан ёпилган), бир томанлама, икки томанлама ва кўн томонлама ёки блоклар шаклида курилади.

Бир томонлама ёпилган иссик хоналар шимоли вилоятларда кўп кўлланилади. Икки томонлама иссикхоналар кенг таркалган бўлиб, бир-биридан 5-6 м. узоқликда катор усулида экваторга паралел равишда жойлаштирилади.Кўп томонлама иссикхоналар икки томонларини бирлаштириш натижасида хосил бўлади. Уларни канструкциялари ер билан баробар ва чукурлаштириб курилгаи бўлади.Одатда иссикхоналар узунлиги 20,1 м.бўлиб ромлар ойнали бўлади.Улар маълум нишабликда жануб томонга каратилиб кўрилади.Иссирона тагига отлар гунги,ёгоч кириндилари ёки майдаланган ,чиритилган гўзапоя солинади ва унинг устида озикланиш катлами бўлади.Озикланиш катлами устида ром ойнача 0,40-0,5 м. Чамасида бўшлик колдирилади.Ишлов бериш учун иссикхоналар бўйлаб, эни 0,7-0,8 м.йўлакчалар колдирилади.

Чукурлаштирилган иссикхоналар иссик сув ёки ҳаво билан ҳам иситилади.Улар квартал ҳолда бўлиб бир кварталга эса 25 та иссикхона жойлаштирилади.Уларниш эни 21,2 м. Узунлиги 58 м. бўлиб орасида ,эни 0,75 м.йўлакчалар колдирилади.

Иссикхоналар яқинида чукурлаштирилган ости иситиладиган очик майдон жойлаштирилади.Бу майдонда кўчат килинган сабзовотлар ўстирилади. Чукурлаштирилган, иситиладиган майдон гунг билан тўлдирилади ваунинг устида ха.пинлиги 20-25 см.озук катлами бўлади.

Очих иситиладиган чукурлар (катлован ) кумлок жойларда жойлаш-тирилади .Харорат пасайган кунлари ўсимликлар усти полимер плёнкалари билан ёпилади.Иссироналар ва пайкаллар мажмуасининг лойиҳасини тузишда қуйидаги талаблар бажарилиши тавсия этилади:-иссироналар мажмуасининг шимол томондан, шимоли каридор иситиш козонхонаси билан бирлаштирилади,унинг ёнида ёхилги ва асбоб ускуналар омбори жойлаштирилади.Квартал ромлар иссикхоналари жануб томонда ундан 10-15 м. узоқлира жойлаштирилади. Ромлар кварталлари оралигида экваторга параллел равишда эни 10 ва 15 м.гунг учун жой, иситиш кувурлари учун 8-10 м. йўлчалар жойлаштирилади.Иситиладиган очик майдон иссик хоналар ўртасида жойлаштирилади

Ҳамма бино иншоотларни жойлаштиришда ёнгиндан саклаш масофалари ҳисобга олинади

<u>Минерал угитларни саклаш ховлиси</u>

Хўжаликлар кўпрок аммиак силитраси, суперфосфат, калий тузи, охак ва бошқалар, ҳамда гербицидлардан фойдаланилади.

Минерал ўгитлар сарайдиган ховлидаги омборлар сигимини қуйидаги формула ёрдамида аникланди:

$$V = \frac{S\Pi}{K} m$$

бу ерда: V - минерал угитлар саклайдиган ховлидаги омборлар сигими тонна;

S - минерал ўгитлар солинадиган ер майдони, га;

П - бир гектарга солинадиган минерал ўгит, тонна (т/га);

К - бир йилда омборларга келтириладиган минерал ўгитларни хҳисобга олиш коэффиценти ( хўжаликлар учун К = 2 )

Курук минерал ўгитлар ва захарли химикатларнн сацлаш учун одатда тўрри бурчакли, иситилмайдиган, ёпик омборлар, экин экиладиган далаларга яқин жойларга курилади. Хар турли минерал ўгитлар учун тахталардан ишланган жойларга тўкилади.

Омбор ўртасида транспорт юрадиган йўлчалар колдирилади. Ёгоч тахталардан ишланган секция деворларини у ёки бу томонга силжитиш мумкин. Копларда келтирилган курук минерал ўгитлар 3,3 метргача баландликда минерал ўгитлар 2,5 баландликкача кўйилади.

Мажмуа таркибига курук ва суюк ўгитлар саклайдиган бинолар, ўгитларларни аралаштириладиган мослама, тарози, коровулхона, ўт ўчириш асбоблари, ишчилар уйи,ювиниш хонаси вахокозолар жойлаштирилади. Бино ва иншоотлар оралиги ёнмщдан саклаш масофаси билан аникхпанади (камида 10 метр бўлиши керак ). Угит сақланадиган биноларга транспортларни киришини ва чикишини таъминлайдиган мажмуа атрофи кўраланади ва кўра билан бино оралигида, ёнг-ин эхтимолини ҳисобга олган ҳолда 3 метр жой колдирилади.

Минерал ўгит саклайдиган омборлардаги секциялар 100, 200, 300 тоннага мўлжалланган бўлади. 100 тонншшк секция 9х9 метр деворлари гиштдан ишланади, ярим асфальт бўлиб, том усти шифер билан ёпилади. 200 ва 300 тонналик омборларнинг эни ва узунлиги 18 х 9, 27 х 9 метр бўлади.

Назорат учун саволлар:

1) Иссик хоналар вав пайкаллар хўжалигининг аҳамияти.
2) Иссик хоналар вав пайкаллар хўжалигининг лойиҳалаш тартиби.
3) Иссик хоналар вав пайкаллар хўжалигининг лойиҳалашда ҳисобга олинадиган омиллар.
4) Минерал угитларни саклаш ховлисининг аҳамияти.
5) Минерал угитларни саклаш ховлисини лойиҳалаш тартиби.
6) Минерал угитларни саклаш ховлисини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган омиллар

## YIII-боб. 28. Мавзу:Аҳоли пунктини ободонлаштириш.

Режа:

1) Ободонлаштириш тадбирлари.
2) Ичимлик суви билан таъминлаш.
3) Чикинди сувларини ташқарига чиқариш

*Таянч иборалар: зах сувлар, сув босиш, сел келиш, сел келиш, тупрок эрозияси, киргоклар*

Тавсия этиладиган адабиётлар: 5,8,12,14,20,21

Лойиҳадаги ободонлаштириш тадбирлри уч гурухга булинади:

- поселка куриладиган ва ободонлаштириладиган майдонни инженерлик жиҳозлаш;
- ободонлаштириш ишлари;
- аҳолини яшаши, ишлаши, дам олиши қулай булиши учун майдоннинг табиий шароитини, соя-салкин булишини таъминлаш.

Майдонни инженерлик жиҳозлашдаги асосий тадбирлар қуйидагилар :

- зах сувларни ташқарига чиқариш, сув босиш, сел келиш, ювиб кетиш, жарликлар хосил қилиш, тупрок эрозияси ва ер кучишлардан сақланиш ва химоя қилиш тадбирларинибажариш;
- кор, емгир окава сувларини ташқарига чиқариш, сугориш учун майдонни тайерлаш;
- даре,кул,жарликлар ва сугориш шахобчалари киргокларини кукаламлаштириш.

Майдонни инженерлик жиҳозлаш, ер ости сув сатхини пасайишига ердам беради. Ер ости зах сувининг чукурлиги,аҳоли яшайдиган жойларда – 1,5 м, автомабиль йўлларида – 0,5 – 2,0 м , кабристонларда – 2,5 м, сабзавот саклайдиган омбор ва мосламаларда – 4,5 м, стадионларда-1,0 м, мевали дарахтлар усадиган жойларда – 1,5 -2,0 м, баланд-паст усадиган майдонларда – 1,2 м, бинолар пойдеворида – 0,5 – 1,0 м дан кам булмаслиги керак.

Ер ости зах сувлари сатхини пасайтириш ва уларни ташқарига чиқариш учун дренажлар курилади. Дренажлар қурилиши жихатидан вертикал ва горизонтал ҳолда булади.

Асосий дренажлар даре жарликлар ва паст жойларда окадиган ер ости сувларини узларига кабул килади.

Айланма дренажлар бир гурух биноларни еки майдонларни ер ости сувининг кутарилишидан химоя қилиш учун жойлаштирилади.

Дарелар,каналлар ва сув омборларига яқин жойлашган аҳоли пунктларида, кор эриши, куп емгир егиши натижасида , сув сатхи кутарилиб , кигокларидан чикиб сув босиши хавфи тугилади. Бундай шароитда киргок буйлаб баландлиги 1,5 – 2,0 м кутарма курилади. Кутарма эни транспорт катнашига мулжалланади. Ер ости сув сатхи кутарилмаслиги учун сув тортиш насослари ишлатилади.

Сел келиши хавфи бор жойлардаги аҳоли пунктини ундан химоя қилиш тадбирлари курилади. Сел келиши 10,20,50,100 йилларда такрорланиши мумкин. Сел - катта сув окими булиб, унинг тезлиги 3-8 м/с етади. У узи билан йўлидаги тупрок ,тош дарахт ва ҳоказоларни окизиб келиб, кувурлар ва куприкларни бекитиб куяди ва у ерда куп микдорда сув йигилиб бу иншоотларни бузиб, узи билан катта тезликда олиб кетади. Сел аҳоли пунктларига, ҳамма иншоотларга ва экинзорларга катта зарар етказади. Сел келиши окибатларининг олдини олиш тадбирлари:

- сел келиш хавфи бор жойга аҳоли пункти ва бошқа иншоотлар қурилиши маън этилади;
- сел келиниши вакти олдиндан башорат килиниб хавфли жойдаги аҳоли огохлантирилади;
- куприк , кувур ва бошқа иншоотлари бор жойга навбатчилар куйилиб, у ерда тусик хосил булмаслиги учун окиб келаетган егоч ва бошқа жисмларни утказиб борилади ва тозалаб турилади;
- келаетган сувлар ҳамма даре, каналлар ва ариклварга булиниб юборилади.

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш турлари қуйидагилар :

Аҳолини ичимлик ва иссик сувлар билан таъминлаш, чикинди сувларини ташқарига чиқариш , газлаштириш, электрлаштириш, радио ва телефонлаштириш, сугориш,кучаларини ободонлаштириш ва кукаламлаштириш. Ободонлаштиришининг бундай турлари инженерлик лойиҳалашнинг мустакил сохаси ҳисобланади.

Аҳоли пунктининг табиий шароитига караб инженерлик иншоотларини жойлаштириш тизими ҳар хил ечилади.

Ичимлик суви билан таъминлаш.

Ичимлик суви билан таъминлаш учун аҳолининг , маданиий маиший коммунал корхоналар ва ишлаб чиқариш ховлиларининг сувга бўлган талаблари сув билан таъминлаш тизими ва иншоотлар тури , таркиби аникланади.

Сарфланадиган сув ҳажми , истеъмолчилар таркиби, сони,меъери ва сарфлаш режасига боглик режасига боглик булади. Аҳоли пункти учун сарфланадиган сув ҳажми қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин .

Бу ерда , - аҳоли пунктида уртача бир суткада сарфланадиган сув .(л/суткада)

- аҳоли сони, киши ;

- бир киши учун (моллари билан ) сарфланадиган уртача сув
- меъери (л/суткада);
- маданий-маиший,коммунал корхоналарга сарфланадиган
- сув (л/суткада);
- ишлаб чиқариш ховлилари учун сарфланадиган сув (л/суткада)

Аникланган умумий сув микдорига енгинни учириши учун сарфланган сув микдори кушилади.

Ичимлик суви билан таъминлаш учун куриладиган иншоотлар таркиби, тури, сув манбааларига боглик булади, масалан : ер ости сувидан фойдаланишда – пармалаш кудуклари , насос курилмалари сув босими башняси ва ҳоказо , даре , канал сувларидан фойдаланилганда –

- сув олиш мосламаси, насос станцияси, тозалаш иншоотлари , сув босими башнаяси ва ҳоказолар курилади.

Аҳоли пункти лойиҳасини лойиҳасини тузишда ичимлик суви иншоотлари жойлашадиган участка ўрнини танлаш мухим аҳамиятга эга булади.

Пармалаш кудуги ер ости сувидан фойдаланиладиган булса , аҳоли пунктининг марказий кисмида жойлашщгани маъкул . Агар поселка мураккб рельефда жойлашган булса, пармалаш кудуги паст жойга урнатилади.

Ичимлик суви учун очик манбадан фойдаланилса, сув олиш иншоотлари аҳоли пункитининг юкори томонидан жойлаш-тирилади. Ичимлик суви иншоотлари жойлашадиган майдоннинг радиуси 150-200 м булиб, унинг атрофи химояланади ва кукаламлаштирилади. Бу химоя худуди атрофига ахлат , окава сувлари ташланишига ва молларни сугоришга рухсат этилмайди.

Чикинди сувларини ташқарига чиқариш.

Сув утказгич тармоклари оркали истеъмол килинадиган сув мосламалари хонадон уйлари, маданий-маиший бинолари, спорт майдонлари ичига жолйлаштирилади. У ердан чикадиган ифлосланган сувларни чикинди сув тармоклари билан аҳоли пунктидан ташқарига чикарилади. Чикнди сувлари , махсус чикинди сув тармоғи билан насослар ердамисиз узи окиб махсус тозалаш (зарасизлантириш) ховузларга куйилади.

Аҳоли уйларидан маданий ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналаридан чикадиган сувларидан ташқари емгир ва кор сувлари ҳам кушилади.

Чикинди сувлари аҳоли пунктидан ташқарига чиқаришнинг уч усули мавжуд ; умумий , алохида ва аралаш.

Умумий усулда , аҳоли уйлари корхоналаридан ва ишлаб чиқариш ховлиларидан чиккан ва емгир кор сувларининг ҳаммаси умумий бир кувур билан ташқарига чикарилади.

Алохида усулида аҳоли уйлари маданий маиший корхоналардан чиккан сувлар алохида узи окадиган епик кувурлар билан емгир , кор ва окава сувлар, кучалар четидаги арикчалар билан аҳоли пунктидан ташқарига чикарилади.

Аралаш усулда эса, аҳоли пункти ичидан кор ва окава сувлари алохида арикчалар билан, аҳоли уйлари ва корхоналаридан чикадиган сувлар, алохида узи окадиган епик кувурлар оркали чикарилиб, улар аҳоли пункти

ташқарисидан бирлашиб кетади. Бу усул қишлоқ хўжалик аҳоли пунктлари учун иқтисодий томонидан арзон ва фойдаланиш учун қулай ҳисобланади.

Чикинди сувларини узи окадиган еки епик кувурлари оркали етказиб бериш тизимида , уй ичидаги мосламалари , у ердан чикадиган кувурлар тармоғи, тозалаш ховлилари ва бошқа иншоотлар курилади. Чикинди сувларини йигадиган ва тозалаш ховузларигача епик кувурлар , берилган нишабликда узи окишини таъминлаш максадида рельефнинг пастки жойларида утказилади.

Аҳоли пунктини иссиклик суви билан таъминлашда марказлаган ва марказлашмаган тизимда амалга оширилади.

Марказлашмаган тизимда бир неча гурух бино ва иншоотларни иситиш учун алохида козонхоналар курилса, марказлаш тизимда факат марказий козонхонадангина фойдаланилади. Иссик сув билан таъминлашда иссик сув утказгич тармоклари, уларин текшириш , тузатиш учун кудуклар ва иситиш козонхоналар каби иншоотлар курилади.

Аҳоли пункти лойиҳасини тузишда козонхона куриладиган майдонини жойлаштиришда қуйидаги асосий талабларга риоя килинади :

- асосий иссик сувни талаб киладиган бино ва иншоотлар марказида ва рельефнинг куйи томонига жойлаштирилади;
- шамол йуналиши буйича, аҳоли яшайдиган худуддан кейин жойлаштирилади;
- аҳолининг уйлари билан козонхона оралигида санитария масофаси колдирилади.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1) Ободонлаштириш тадбирлари неча гурухга булинади
2) Ободонлаштириш тадбирлари тўғрисида кискача маълумот беринг.
3) Сел келиши окибатларини олдини олиш тадбирлари
4) Аҳоли пунктларини ободонлаштириш турлари
5) Аҳоли пунктларини ободонлаштиришнинг хар бир тури буйича кисмкача маълумот беринг
6) Аҳоли учун сарфланадиган сув сарфи кандай аникланади.
7) Чикинди сувларини ташқарига чиқариш тадбирлари
8) Чикинди сувлари аҳоли пунктидан ташқарига чиқариш усулларини айтинг
9) Козонхона куриладиган майдонни жойлаштиришда куйиладиган асосий талаблар

## IX – БОБ.

## Лойиҳанинг техникавий-иқтисодий курсаткичлари

Тузилган лойиҳани техникавий-иқтисодий курсаткичлари билан тахлил килинади ва кабул килинган меъёрлар билан солиштирилади. Лойиҳанинг техникавий-иқтисодий курсаткичлари иккига булинади: абсолют ва нисбий.

Абсолют курсаткичлар факат шу лойиҳага тааллукли булиб, аник сонли, (аҳоли сони, майдони, қурилишлар тури, сони, сигими киймати в.х.) курсаткичлар ҳисобланади.

Нисбий курсаткичлар абсолют курсаткичларни ва кабул килинган меъёрлар билан (бир кишига тўғри келадиган посёлка майдони, уларнинг яшаш майдони, кукаламзорлар, кучалар узунлиги, қуришлар ва ободонлаштириш ишлари киймати в.х.) солиштириш

натижасида хосил булади. Нисбий техникавий-иқтисодий томонидан тавсифлаш ва баҳолаш учун қуйидаги курсаткичлар келтирилади (18-жадвал).

1.Аҳоли сони: Жами_____________________________________киши

томорка уйларда ______________________________________________киши

секцияли уйларда ______________________________________________киши

бирлаштириб курилган уйларда____________________________________киши

2.Аҳоли яшайдиган уйлар майдони: Жами ___________________м.кв

томоркали уйларда ____________________________________________м.кв

секцияли уйларда _____________________________________________м.кв

бирлаштириб курилган уйларда ___________________________________м.кв

3.Лойиҳа элементлари майдони.

18-жадвал

| № | Майдонлар номи | Ҳисобланган майдони | | Лойиҳадаги майдон | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | га | % | га | % |
| | 1.Аҳоли яшайдиган худуд | | | | |
| 1. | Аҳоли яшайдиган кварталлар майдони | | | | |
| 2. | Жамоа корхоналари майдони | | | | |
| 3. | Умумий фойдаланадиган<br>Умумий фойдаланадиган<br>Боглар ва кукаламзорлар майдони | | | | |
| 4. | Майдон, кучалар, йўлаклар майдони | | | | |
| | Жами | | | | |
| | II. Ишлаб чиқариш худуди | | | | |
| 1. | Қишлоқ хўжалик машина-ларини саклаш ва таъмирлаш мажмуаси | | | | |
| 2. | Озик-овкат мажмуаси | | | | |
| 3. | Қурилиш мажмуаси | | | | |
| 4. | Пахта ховлиси | | | | |
| 5. | Минерал угитлар ховлиси | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Нефть махсулотларини саклаш мажмуаси | | | | |
| 7. | Кора мол фермаси | | | | |
| 8. | | | | | |
| | Жами: | | | | |
| | III.Санитария химоя худуди | | | | |
| | IV.Бошқа ерлар | | | | |
| | Ҳаммаси | | 100 | | 100 |

4.Аҳоли зичлиги_______________________________________киши (га).

Умумий аҳоли сонининг аҳоли яшайдиган худуд майдонига нисбатан аҳолининг зичлигини кўрсатади.

5.Уй-жой (яшаш) майдонининг зичлиги $\left( П_{брутто} \right)_2 П_{бр} = \dfrac{П}{П_1} ...м^2 / га$

бу ерда П-жами аҳоли яшайдиган уйлар майдони, м$^2$

$П_1$- аҳоли яшайдиган худудларнинг умумий майдони….га

$$П_{нетто} = \frac{П}{П_2} .... \text{ м}^2/\text{га}$$

$П_2$-аҳоли яшайдиган кварталлар майдони, га

6.Қурилиш зичлиги: брутто __________________________%

Нетто ________________________________%

Қурилиш зичлиги брутто, қурилиш билан, банд бўлган майдонларнинг, аҳоли яшайдиган худуд майдонига нисбатан фоиз ҳисобидан аникланади.

$$P_{бр} = \frac{g \cdot 100}{S_1}; \qquad P_{нетто} = \frac{g \cdot 100}{S_e}$$

бу ерда Р – қурилиш зичлиги, %

g-қурилиш билан банд бўлган майдон, м.кв. га

$S_1$-аҳоли яшайдиган худуд майдони, га

$S_2$-аҳоли яшайдиган кварталлар майдони, га

Қурилиш зичлиги нетто – қурилиш билан банд бўлган майдоннинг аҳоли яшайдиган кварталлар майдонига нисбатан фоиз ҳисобида аникланади.

7.Ишлаб чиқариш худуди қурилишларнинг зичлиги:

Қишлоқ хўжалик машиналарини саклаш ва таъмирлаш мажмуаси_________%

Озик-овкат мажмуаси_____________________________________________%

Қурилиш мажмуаси____________________________________%

Пахта ховлиси__________________________________________%

8.Кучалар узунлиги:

Жами_____________________________________________-км

1 кишига ___________________________________________м.

9.Қурилишларнинг чизикли зичлиги –

$$\frac{яшашмайдони,}{кучаллар, п.м}$$

10.Куча тармокларининг чизикли зичлиги –

$$\frac{кучаларузунлиги, м}{ахолияшайдиганхудудмайдони, га}$$

11.Кучалар майдонининг коэффициенти –

$$\frac{кучалармайдони, га}{ахолияшайдиганхудудмайдони, га}$$

12.Умумий фойдаланиладиган яшил дарахтзорлар майдони___га

13.Қурилиш киймати: Жами__________________ млн.сум

Аҳоли яшайдиган худуд___________________________________млн.сум

Ишлаб чиқариш худуди__________________________________-млн.сум

14.Аҳоли яшайдиган худуддаги қурилишларнинг бир киши ҳисобига киймати_____________________________________________сум

15.Ободонлаштириш ишлари киймати _____________________млн.сум. Юкорида келтирилган асосий техник-иқтисодий курсаткичлар тизими қуйидагилар билан тулдирилиши мумкин:

-аҳолининг чизикли зичлиги (аҳоли сонининг кучалар узунлигига нисбати билан аникланади);

-маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхона ва муассасаларининг яқин, энг яқин, узоқ (хизмат кўрсатиш радиуслари буйича) жойлашуви в.х.

Лойиҳанинг техник-иқтисодий курсаткичлари, тасдикланган ва лойихи тузиш учун жорий килинган меъёри курсаткичлар билан таккосланади. Агарда улар уртасида катта фарк булса, сабаби аникланади ва лойиҳага охирги тузатма киритилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.

1. КМК. 2.07.01. 97. Шахарсозлик. Ташкент 1997 .
2. Справочник проектировщика Градостроительство. М. Стройиздать. 1978 г
3. *Бакутис В.Э., Бутегин В.А., Лунц Л.Б.* Инженерное благоустройство городских территорий- М. Стройиздать. 1979 г.
4. *Боговая И.О., Теодорский В.С.* М. Агропромиздат. 1990 г.
5. *Кончуков Н.П. и др.* Планировка сельских населенных мест. М. Агроиздат. 1986 г.
6. *Иконников А. В., Артеменков В. В.* Основы градостроительства и планировки сельских населенных мест. М. Высшая школа, 1982 г.
7. *Исмоилов Т., Бабажанов А.Р.,* Шахар ва қишлоқлардаги аҳоли пунктлари лойиҳаларини тузиш ва қуриш асослари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

## Қишлоқ ва сув хўжалиги муҳандислиги факультети

**«Ер тузиш ва ер кадастри» КАФЕДРАСИ**

«ШАХАР ҚУРИЛИШ АСОСЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ» ФАНИДАН
боскич лойиҳасини бажариш буйича

# УСЛУБИЙ КУЛЛАНМА



Карши-2016

**“Шахар қурилиши асослари ва қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойларни лойиҳалаш”фанидан «Ер тузиш ва ер кадастри» бакалавр йуналишлари буйича таълим олаётган талабаларга боскич лойиҳасини бажариш учун мулжалланган**

Тузувчилар: ТИМИ доц.А.Бобожонов, КМИИ «ЕТ ва ЕК"кафедраси
доц. М.Авлакулов ва асс. Г.Н.Аликулов

Такризчилар:«ЕТ ва ЕК"кафедраси асс.Г.Равшанова
ГМБ бошлиги И.Рахмонов

Ушбу услубий кулланма «ЕТ ва ЕК» кафедрасининг йигилишида (Баён №…….. 2006 й.), Қ ва СХМ факультети (Баён №…….2006 й.) ва КМИИ (Баён №…….. 2006 й.) илмий – услубий кенгашларида мухокама килинган ва укув жараёнида кулланишига тавсия этилган.

Боскич лойиҳасининг асосий максади – қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжут бўлган аҳолии яшайдиган жойларни лойиҳалаш сохасидаги назарий билимларни чукурлаштириш ва мустахкамлаш ҳамда Амалий куникмалар олишдир.

Боскич лойиҳаси хўжаликнинг табиий ва иқтисодий шароитларни обдон урганиш асосида укитувчи рахбарлигида хар бир талаба томонидан мустакил ишлаб чикилади.

Боскич лойиҳасини бажариш туман ер тузиш схемаси ва ички ер тузиш лойиҳалари билан узвий боглик ҳолда олиб борилади. Боскич лойиҳаси устидаги иш махсус адабиётлар, маълумот ва ишлаб чиқариш биноларининг намунавий лойиҳа макетлари билан таъминланган,чизмачилик столлари, асбоб ускуналар билан жиҳозланган махсус хоналарда олиб бориш зарур. Боскич лойиҳасини тузишга кириша бориб талаба боскич лойиҳаси учун топшерикнинг мазмуни билан танишади, асосий вазифани ва боскич лойиҳасининг бажариш тартибини аниклайди, берилган материалларни тахлил килади, тавсия килинган адабиётларни урганади.

Эскиз лойиҳасининг бир неча вариантлари тузилади. Энг юкори техник – икеисодий курсатгичларга эга бўлган вариант кабул килинади.

Боскич лойиҳасини ишлаб чикиш учун қуйидаги бирламчи материаллардан фойдаланилади:

а) хўжаликнинг хозирги ҳолати тугирисидаги маълумотлар:

б) келажакдаги ривожланиш режаси (дехкончилик, чорвачилик буйича ва бошқа) га мувофик хўжалик тармокларининг асосий курсатгичлари

в) посёлка учун танланган участканинг план нусхаси 1: 2000 миқёсдаги тасвирга олиш материали.

Тугалланган боскич лойиҳасининг мазмуни қуйидаги ёзма ва чизма материаллардан иборат булиши керак:

## Лойиҳанинг ёзма материаллари

Кириш

**I.Асосий маълумотлар**

1.Хўжалик тўғрисидаги умумий маълумотлар.
2.Посёлка учун ажратилган участканинг тавсифи ва табиий – иклимий шароитлар.
3.Посёлка лойиҳасини тузиш учун топширик.

**I I.Лойиҳанинг ҳисоб – китоб кисми**

1.Узоқ муддатга аҳолии сонини аниқлаш.
2. Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини аниқлаш
3.Ишлаб чиқариш биноларини турини,исгимини,ҳажмини,сонини, аниқлаш.
4.Аҳолининг маданий-майиший биноларга бўлган талабини аниқлаш.
5. Посёлка майдонини ҳисоблаш.

**I I I. Лойиҳанинг муъморий ечимлари**

1.Посёлка майдонини функционал худудларга булиш.
2.Жамоа марказини жойлаштириш ва лойиҳалаш.
3.Кучаларни лойиҳалаш.
4.Кварталларни лойиҳалаш.
5.Маъмурий – жамоа ва маданий – маиший биноларни жойлаштириш.
6.Истирохат богини ва спорт гурухларини лойиҳалаш.

**IV. Ишлаб чиқариш худудини лойиҳалаш**

1.Ишлаб чиқариш худудини минтакалаш.
2.Машина тракторларни таъмирлаш ва саклаш ховлисини лойиҳалаш.
3.Қурилиш ховлисини лойиҳалаш.
4.Озик – овкат комплексини лойиҳалаш.

*V. Лойиҳанинг техник – иқтисодий курсаткичлари.*

Лойиҳанинг чизма материаллари.
1.Каламда калька когозида бажарилган 2-3 вариантдаги зскизлар.
2.Посёлканинг лойиҳаси учун мазмуни ва иқтисодий курсаткичлари кабул бўлган вариант кабул килинади. Бу лойиҳа талаб килинган рангларда буялади ва тушда 1:2000 миқёсда ватман когозида бажарилади.

## I.Асосий маълумотлар

*1.Хўжалик тугирисида умумий маълумотлар*

Фермер хўжалиги уюшмасининг асосий йуналиши ………….. булиб, ёрдамчи сохалари ………………… ҳисобланади.

Хўжаликнинг умумий ер майдони …… га ташкил килиб,ундан ……… га қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлардир.

Посёлка куриладиган жой хўжалик ер майдонинг марказида (ёки четида в.б. жойида) жойлашган.

Куриладиган посёлкадан туман марказигача бўлган масофа ……… км. Энг яқин темир йўл станциясигача ….. км.серкатнов автомабиль йўлигача …… км.

Посёлка туман маркази билан транспорт алокасини ……… (асфальт, шагал, бетон в.б.) йўл биан амалга оширилади.

*2.Посёлка учун ажратилган участканинг тавсифи ва табиий иклимий шароитлари.*

Посёлка куриладиган участканинг рельефи текис, тупроғи, бинолар, иншоатлар қуриш, бог, узум ва бошқа экинлар экиш талабларига Тула жавобберади.

Ер ости сувининг чукурлиги …….м. йиллик ёгингарчилик 200-400 мм. ташкил килади.

Ҳавонинг энг иссик харорати июль ойида +40 - +45° , энг совук харорат январь ойига тўғри келиб -20 - -25° ташкил килади.

Йил мобайнида шамол йуналиши қуйидагича узгаради:

| Йунали ши | ш | шш | ш | жш | ж | жг | г | шг |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| % % | | | | | | | | |

Хўжаликнинг узида (ер майдонида) тупрок, кум, шагал каби қурилиш материакллари мавжуд.

### ***3. Лойиҳа тузиш учун топширик.***

### А.Уй-жой қурилиш

1.Уй жой қурилишини аниқлаш хар бир оила узининг алохида уйи (томорка ери блан) булишини ҳисобга олинади.

2. Лойиҳада бир киши учун яшаш майдони -15 – 18 $м^2$ кабул килинади.

3 Уйларнинг турини аҳолининг демографик таркибига нисбатан аникланади.

*Б. Маданий – маиший қурилишлар.*

Маданий – маиший хизмат кўрсатиш корхоналарнинг турини, сонини, биниларнинг ҳажмини, сигимини ва бошқа курсатгичларини кабул қилишда аҳолининг талабларини тула кондириш кузда тутилади.

Посёлка лойиҳасида куйдаги бинолар жойлаштиришни тавсия килинади:

клуб, мактаб, болалар богчаси, оксоколлар кенгаши биноси, хўжалик идораси, алока булимии ва жамгарма банки, мехмонхона,ёзги кинотеатр,стадион,саноат ва озик-овкат магазинлари, ошхона, чойхона, новвойхона, маиший уй, дорихона, амбилатория, ҳамом, козонхона, ут учириш жамияти в.б.

*В. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш мажмуаси.*

Посёлка ёнида куйдаги ишлаб чиқариш мажмуалари жойлаштирилади:

Машина – трактор парки, озик – овкат, қурилиш, пахта тозалаш саклаш ховлилар ва кор мол фермаси.

*Эслатма:* Ишлаб чиқариш ховлиларидаги ва йирик шохли корамол ҳамда ишчи отлар ховлилардаги бинолар

ва иншоатлар номи иловада кўрсатилган.

Хўжаликнинг ривожланиш режаси буйича қуйидаги мол тури ва сони белгиланган:

| Моллар тури | % ҳисобида | Моллар сони |
|---|---|---|
| Йирик шохли корамоллар | | |
| Шундан сигир ва гунажин | | |
| Бир ёшдан катаа таналар | | |
| Бир ёшгача бўлган бузоқлар | | |
| Отлар жами | | |
| Шундан ишчи отлар | | |

Йил мобайнида молларни ем – хашак билан таъминлаш учун ишлаб чиқариш худудида куйдаги ем хашак ҳажми сақланади:

1.Дагал хашак **……………..**тонна

2.Ширали хашак **……………..**тонна

шундан илдиз мевали **……………..**тонна

(Лавлаги в.б.)

3.Омикта ем **……………..**тонна

Озик - овкат ва уруглик доналарни сабзавод, картошка ва меваларни саклаш учун куйдаги хажмдаги омбор қуриш мулжалланади.

1.Дон омбори ………………тонна
2.Сабзавот омбори ......................тонна
3.Картошка омбори ………………тонна
4.Мева саклайдиган омбор ………………...тонна

Куйдаги транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалик машиналарни саклаш учун гараж, айвонлар ва очик майдончалар қурилиши таъминлансин.

1.Автомашиналар гаражи ………………машин
2.Трактор учун гараж ёки айвон ……………трактор
3.Пахта терим машиналари учун айвон ……….машин
4.Қишлоқ хўжалиги машиналариучун айвон ……машин

Пахта тозалаш ва саклаш ховлисида …………….. кути ипак курти учун хона мулжаллансин.

## *I I.Лойиҳанинг ҳисоб – китоб кисми*

Бирламчи материалларасосида бажарилган ҳисоб-китоб натижасида куйдагилар аникланади:

Аҳолии яшаш минтакаси буйича: а) келажакдаги аҳолии сони:

б) аҳолининг уй – жойга бўлган талабини аниқлаш уларга мос намунавий лойиҳаларни танлаш асосида биноларнинг қаватлиги ва турлари.

в) маъмурий, маданий – маиший хизмат кўрсатиш биноларининг ҳажми, сигими, тури ва сони уларнинг лойиҳасини танлаш.

Ишлаб чиқариш минтакаси буйича: а) ишлаб чиқариш хўжалик бинолари ва иншотларнинг таркиби, ҳажми, сигими, сонини аниқлаш ва улар учун лойиҳаларни танлаш.

### *1.Аҳоли сонини ҳисоблаш*

Лойиҳа тузиладиган қишлоқнинг аҳоли сонини қуйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$Н = \frac{С100}{Т - а - В + М - Б - П}$$

бунда:Н-келажакдаги умумий аҳолии сони:

С-аҳолини ташкил этувчи ходимларнинг абсалют сони:

Т-мехнатга кобилиятли ёшдаги аҳолии сони:36,9 %

а-мехнатга кобилиятли ёшдаги уй ишлари ва шахсий хўжаликда банд бўлган кишилар 3 %

В-ишлаб чиқаришдан ажраган ҳолда таълим олаётган мехнатга кобилиятли ёшдаги укувчилар, 3,3%

П-мехнатга кобилиятли ёшдаги ишлаётган ногиронлар 0,4 %

М-ишлаётган нафакахурлар, 4,4%

Б-маданиё-маиший хизмат кўрсатишда банд бўлган кишилар-14,0 %

Аҳолини ташкил этувчи ходимларнинг абсалют сони (С) куйдаги формулалар ёрдамида аникланади:

$$С = С_I + С_2 + С_3$$

Бу ерда $С_I$–ишлаб чиқариш билан банд бўлган кишилар сони:

$С_2$ - маъмурий ва бошқарув ишларида банд бўлган кишилар сони:

$С_3$ –маданий-маиший хизматдаги кишилар сони. Ишлаб чиқариш билан банд бўлган кишилар сони куйдагича аникланади

$$С = \frac{Р}{П}$$

Бу ерда Р-хўжаликдаги фойдаланадиган ер майдони, га

П-битта кишига тўғри келадиган фойдаланиладиган ер майдони, га

Маъмурий бошқарув аппаратидаги кишилар сони ($c_2$) ишлаб чиқариш билан банд бўлган кишилар сонидан ($c_1$) 7-8 % ташкил

килади.Маданий-маиший хизмат кўрсатиш Билан банд бўлган кишилар сони ($c_3$), ($c_1$+ $c_2$) дан 14% олинади.

Хонадонлар (оилалар) сони куйдаги формула билан аникланади

$$X = \frac{H}{Ч}$$

Бу ерда: Х-хонадонлар (оилалар) сони
Н-келажакдаги аҳолии сони
Ч-уртача оила таркиби.

Изох: Аҳолини руйхатга олиш маълумотларига мувофик оиланинг уртача таркиби Республика вилоятлари буйича куйдагича:

| | |
|---|---|
| Коракалпогистон Республикаси | - 5,8 |
| Андижон вилояти | - 5,4 |
| Бухоро вилояти | - 5,9 |
| Жиззах вилояти | - 5,5 |
| Кашкадарё вилояти | - 5,8 |
| Навоий вилояти | - 5,9 |
| Наманган вилояти | - 5,2 |
| Самарканд вилояти | - 5,7 |
| Сурхондарё вилояти | - 5,9 |
| Сирдарё вилояти | - 5,5 |
| Тошкент вилояти | - 5,4 |
| Фаргона вилояти | - 6,2 |

*2.Аҳолининг уй – жойга бўлган талабини аниқлаш*

Уй – жой қурилишининг умумий ҳажмини хар бир кишини 16-18 $м^2$ яшаш майдонини ва хар бир оиланинг алохида уй билан таъминланиши билан аникланади.

Аҳолии уйларининг тури оиланинг таркибига мувофик танланади.

1-жадвал

**Узбекистон Республикаси оилалари таркиби**

| оилалар таркиби | 1 киши | 2 киши | 3 киши | 4 киши | 5 киши | 6 киши | ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| %(фоиз) | 1,5 | 13,0 | 19,0 | 18,0 | 17,0 | 21,5 | 100 |
| Оилалар сони | | | | | | | |

оиласи 1 кишидан иборат булса, улар учун ётокхона қуриш кузда тутилади (1-киши яшаш майдони 9-12 $м^2$)

б) 2 кишилик оилага 2 квартирали 2 хонали уйлар

в) 3 кишилик оилаларга 2 квартирали 2 хонали уйлар

г) 4 кишилик оилаларга 1 квартирали 3 хонали уйлар

д) 5 кишилик оилаларга 1 квартирали 4 хонали уйлар мулжалланган.

2-жадвал

Аҳолининг уй – жойга бўлган талабини аниқлаш

| Оилалар таркиби | Оилалар сони | Уйларнинг тури | 1 уйнинг яшаш майдони, $м^2$ | Талаб килинади | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Яшаш майдони, $м^2$ | Уйлар сони |
| 1<br>2<br>3<br>4<br>5<br>6 ва ундан ортик | | Ётокхона<br>2 хонали 2 квар<br>3 хонали 2 квар<br>4 хонали 1 квар<br>4 хонали 1 квар<br>5 хонали 1 квар | | | |
| Жами | | | | | |

*3. Маданий – маиший биноларга бўлган талабни аниқлаш*

Аҳолининг маданий – маиший хизмат кўрсатиш биноларига бўлган талабини, яъни уларнинг турини, сигимини, сонини қуйидаги жадвалда кўрсатилган меъёрлар ёрдамида аникланади.

3-жадвал

**Маданий – маиший биноларга бўлган талабни аниқлаш**

| Муассасалар номлари | 100 киши ҳисобига меъёрий курсаткичлар | | Лойиҳадаги аҳоли сони | |
|---|---|---|---|---|
| | Бинолар сигими | Участкалар нинг улчами | Бинолар сигими | Участкаларнинг улчами, га |
| 1.Болалар богча яслиси | 180 урин | 1 урингa 0,0035-0,004 | | |
| Мактаб | 150 урин | 1,2-3,0 мактаб учун | | |
| 3.Клублар аҳолиси сонига нисбатан | | | | |
| а) 1500-2000 киши | 400-180 | 0,6 объект | | |
| б) 2000-2500 киши | 180-120 | 0,6 объект | | |
| 4. ёзги кинотеатр | 120-200 | 0,2 объект | | |
| 5.Кутубхона | 7-10 урин минг китоб | 0,2 объект | | |
| 6.Қишлоқ оксоколлар кенгаши | посёлкага 1 та | 0,1 объект | | |
| 7.Фермер хўжалиги уюшмаси идораси | хўжалиги учун 1 та | 0,1 объект | | |
| 8.Саноат банки ва алока булимии | посёлкага 1 та | 0,1объект | | |
| 9.Маиший хизмат кўрсатиш комбинати | 9-11урин | 0,25 объект | | |
| 10.Ҳаммом | 5 урин | 0,2 объект | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 11.Кир ювиш комбина ти | 30-40 кг ку рук кийим | 0,5 объект | | |
| 12.Душ курилмалари | 15-20 урин | | | |
| 13.Ошхона | 25-40 урин | 1 урингa 0,0028 | | |
| 14.Чойхона | 10 урин | 0,15 объект | | |
| 15.Нонвойхона | Суткасига 0,8 | 0,1 объект | | |
| 16.Болалар учун сут тайёрлаш ва сотиш дукони | посёлкага 1 та | 0,1 объект | | |
| 17.Бозор | посёлкага 1 та | 0,1 объект | | |
| 18.Озик-овкат моллари дукони | 4 иш жойи | объект 0,1-0,2 | | |
| 19.Саноат моллари дукони | 4 иш жойи | объект0,1-0,2 | | |
| 20.Мехмонхона | 6 жойли | объект 0,1 | | |
| 21 Кариялар ва но гиронлар уй интернати | 2-4 жой | объект0,2 | | |
| 22.Фельдшер-акушерлик пункти | поселга1 та | объект 0,3 | | |
| 23. 4 тоифадаги до рихона | | объект 0,1 | | |
| 24. Спорт комплекси | | объект1,0-1,5 | | |
| 25. Очик бассейн | 5-14 $м^2$ | | | |
| 26. Спорт зали | 500 $м^2$ 5 минг кишига | | | |
| 27. Ут учириш жамияти | 50001 кишига1та машина | объект0,3-0,6 | | |
| Жами | | | | |

Ҳисоб-китоб натижаси буйича уй-жой ҳамда маданий- маиший бинолар қурилиши объектларининг руйхати тузилади. (2-илова)

Биноларнинг турлари, сони лойиҳа иститутларида ишлаб чикилган ва тасдикланган намунавий лойиҳалар каталоги буйича танланади.

Аҳоли яшаш жойи учун аҳолининг талаб-эхтийжларини тула кондирадиган барча зарур жамоа бинолари ва иншоатларини режалаштириш зарур.

Намунавий лойиҳаларни танлашда узаро бирлашган биноларни кабул қилиш тавсия килинади.

***<u>4.Ишлаб чиқариш қурилишларига бўлган талабни аниқлаш.</u>***

Ишлаб чиқариш биноларига зарурият хўжаликнинг хар бир тармоғи ривожланишнинг белгиланган даражаси билан богликдир.

Бинолар ва иншоатлар таркиби, уларнинг сигими ва сони лойиҳа топширигида келтирилган хўжаликнинг келажакдаги ривожланиш режасига мувофик ҳисобланади. Бинолар ва иншоатларни танлаш хар бир ишлаб чиқариш комплекси ёки чорвачилик фермаси учун алохида амалга оширилади. Хар бир ферма ёки ховлидан жойлаштириладиган бинолар ва иншоотлар руйхати услубий курсатмада келтирилган. (2-илова).

Мисол: а) Машина-тракторларни таъмирлаш ва саклаш ховлисини ҳисоби. Лойиҳалаш учун топширик ҳамда таъмирлаш ховлисига хўжаликни келажакдаги талабига мувофик (ишлаб чиқариш ҳажмига караб) ҳолда бинолар ва иншоотларни кабул қилиш мумкун.

1. Автогараж **……….** Машинага
2. Йилига 250 шартли капитал таъмирлашга мулжалланган таъмирлаш устахонаси.
3. **………………** машина, тракторларга мулжалланган айвон.

**………………** ва бошқалар.

б) Қурилиш ховлиси бинолари ва иншоотларни лойиҳалашучун берилган топширикка мувофик ҳамда хўжаликдаги фойдаланадиган ер майдонига асосан аникланади.

Ҳисоблаш натижалари буйича ушбу туман шароити учун ишлаб чикилган намунавий лойиҳалар албоми ҳамда каталогларидан фойдаланган ҳолда бинолар ва иншоотлар танланади. Намунавий лойиҳаларни танлашда иложи борича сигими тўғри келадиган биноларни танлаш максадга мувофикдир.

Бинолар руйхатидаги қурилиш эгаллаган майдонининг жами ва хар бир комплекс ҳамда посёлка буйича иншоотларнинг баҳолари берилади.

## ***<u>5.Посёлка майдонини ҳисоблаш.</u>***

Аҳоли яшаш жойи учун ажратилган ер майдонини иккита асосий кисмлари-аҳоли яшаш ва ишлаб чиқариш худудлари учун

алохида-алохида ҳисобланади. Аҳоли яшайдиган худуднинг умумий майдони куйдаги формула ёрдамида аникланади.

$$S_{А.Я.Х} = ( S_1 + S_2 + S_3 ) К_1$$

бу ерда $S_{А.Я.Х}$ - Аҳоли яшайдиган худуднинг умумий майдони, га

$S_1$ - аҳоли яшайдиган кварталлар майдони, га

$S_2$ –Маданий-маиший корхоналарнинг майдони, га. (3-жадвалдан олинади).

$S_3$ –Умумий фойдаланадиган дарахтзорлар ва спорт курилмалари майдони, га

$К_1$ – Кучаларни ҳисобга олиш коэффициенти ($К_1$=1,15 – 1,20)

Аҳоли яшайдиган кварталлар майдони куйдаги формула ёрдамида аникланади:

$$S_1=ас_1+бс_2+вс_3+ \ldots..$$

бунда: а,в,-хар хил тоифадаги хўжаликлар сони (колхозчилар, ишчилар, хизматчилар) ;

$С_1$,$С_2$,$С_3$ – хар хил тойифадаги оилаларга бериладиган томорка меъёри, га

Дарахтзорлар ҳамда спорт курилмалари майдони қуйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$S_3=На_1+Нб_1$$

бу ерда: Н – аҳоли сони, киши

$а_1$ - бир кишига тўғри дарахтзорлар майдони, 30-40$м^2$

$б_1$ - бир кишига тўғри келадиган спорт курилмаларининг майдони (2 - 3 $м^2$ )

Ишлаб чиқариш худуди майдони қуйидаги формула Билан аникланади

$S_{и.ч.х.} = (S_{МТП}+S_{ККМ}+S_{озик. о. к}+S_{пахта}+ \ldots) К_2$

бунда: $S_{И.Ч.Х}$ – ишлаб чиқариш худуди майдони, га

$S_{МТП}$ – машина – трактор парки майдони, га

$S_{ККМ}$ – қурилиш комплекс майдони, га

$S_{ОЗИК. О. К.}$ – озик – овкат саклайдиган комплексининг майдони, га

$К_2$ – йўллар, йўлаклар майдончаларни ҳисобга олиш коэффициенти ($К_2$ = 1,10 – 1,15)

Хаар бир ишлаб чиқариш ховлисининг майдони бинолар сонига, кларнинг ҳажмига ҳамда қурилиш шароитига боглик булиб қуйидагича аникланади:

$$S_{МТП} = \frac{П100}{q}$$

бунда $S_{МТП}$ – алохида ишлаб чиқариш комплексининг майдони, га

П – бинолар руйхатидаги қурилиш билан банд буладиган (13-устун) майдон, га.

q – хар бир ишлаб чиқариш комплексидаги биноларнинг эгаллаган майдони умумий майдонига нисбатан зичлиги, %

4 – жадвал

**Ишлаб чиқариш комплексларидаги биноларнинг зичлиги, %**

| Ховлилар номлари | Қурилиш зичлиги |
|---|---|
| Машина – трактор парки | 25 - 30 |
| Қурилиш комплекси | 15 - 20 |
| Озик-овкат саклайдиган комплекс | 20 - 25 |
| Корамол фермаси | 50 – 55 |

***<u>Посёлканинг умумий майдони қуйдаги формула ёрдамида аникланади.</u>***

$S_{посёлка} = S_{аях} + S_{иш.х.} + S_{бошқа.} + S_{йўл} + S_{яр.ер.}$

бунда $S_{аях}$ – аҳоли яшайдиган худуднинг умумий майдони га

$S_{иш.х}$ – ишлаб чиқариш худудининг майдон, га

$S_{бошқа}$ – бошқа ердан фойдаланувчилар майдони (корхоналар,муассасалар,пахта заводи ва хокозолар)

$S_{йўл}$ – йўллар, каналлар, ихотазорлар, юкори кувватли электр тармоклари ва бошқа учун ажратилган майдон.

$S_{яр.ер.}$ – кишлог хўжалиги ва қурилишлар учун яроксиз ерлар майдони.

Бу майдонлар уй-жой, жамоат муассасалари ёки кучалар қуриш учун ярокли булмаган, аммо яшаш худуди чегарасида жойлашган участкалардир. (Сув хавзалари, кайси бир ташкилот участкаси, жарликлар ва бошқалар)

***<u>III.Посёлка лойиҳасининг меъморий композициявий ечимлари.</u>***

Лойиҳали жараёни иккита асосий босгичга булинади:

а) Посёлка элементл рини схема равишда жойлаштирилади (эскиз бажарилади)

б) Бир неча схема асосида якунловчи лойиҳа кабул килиниб масштабда чизилади.

Умумий схемасида қуйдаги масалалар хал килинади:

1. Посёлка майдонини функционал худудларга булиш (аҳоли яшайдиган ва ишлаб чиқариш худудларини жойлаштириш)

2. Жамоат марказини жойлаштириш (марказий майдонни)
3. Асосий кучалар тизимини аниқлаш ва жойлаштириш.
4. Кварталларга жойлаштириш.
5. Марказий майдонга маъмурий-жамоат ва маданий-маиший биноларни жойлаштириш
6. Паркни ва спорт гурухларини жойлаштириш.

Умумий схема I:2000 миқёсда калка когозидан юмшок калам билан бир нечак вариантларда ишлаб чикилади ва энг яхши вариант кабул килинади.

***I. Посёлка майдонини функционал худудларга булиш.***

Посёлка лойиҳасини тузишда асосий талаблардан биттаси ҳисобланади қишлоқ хўжалигидаги аҳоли яшайдиган жойлар учун иккита асосий худуд яратилади: аҳоли яшайдиган ва ишлаб чиқариш зоналари. Хар бир асосий худуд уз навбатида минтакаларга улар эса бар-барлари билан функционал богланган бинолар, иморатлар ҳамда маълум аҳамиятга эга бўлган участкаларга булинади. Посёлка майдонини худудларга булишда иқтисодий санитария-гигиена ва бошқа талаблар, шароитлар ҳисобга олинади. Темир йўлнинг ёки I,II,III тоифадаги автомабил йўлларининг иккала томони буйлаб аҳоли яшайдиган худудни жойлаштиришга рухсат этилмайди. Аҳоли яшайдиган худуднинг энг кам узоқлиги I,II тоифа йўлларидан 100м, III-тоифа йўлларидан 50м чорвачилик фермалари 100,200 м булиши керак. Уй-жойларни жойлаштиришда посёлка чеккасидан марказга караб (уйларнинг қаватлилиги ва миқёси буйича ҳажми) ўсиш принципи сақланиш тавсия килинади.Ишлаб чиқариш худудидаги қурилиш гурухлари ва секторларининг узаро жойлашуви улардаги ишнинг технологик бажарилиш тартиби жараёнларнинг талабларига, шунингдек ёнгинга карши, санитар ҳамда зооветиринар ораликлар ва меъёрларига жавоб бериши зарур. (5-6-7-8-иловалар).

Посёлка майдонини худудларга булишда уларнинг ихчам жойлашишига харакат қилиш зарур. Лойиҳада кабул килинган худудларни жойлаштириш буйича уз тушинтириш хатида схема тарзида чизмаларни илова килган ҳолда тула асослаб бериш керак.

***2.Жамоат марказини жойлаштириш***

Функционал худудларга булиш жараёни аҳоли яшайдиган худуднинг каерида жамоат маркази ҳамда паркни жойлаштириш максадга мувофик эканлиги ишлаб чиқариш худуди таркибидаги алохида мажмуаларни кандай тарзда тўғри жойлаштириш, шунингдек, улар уртасидаги ва яшаш минтакаси билан алока қилиш шароитларини аниқлаш масалалари хал килинади.

Жамоат марказининг жойлашувини куп жихатдан жойнинг табиий шароити, худуднинг узаро жойлашуви, посёлканинг катта кичиглигини аниклайди. Бу жойлашув марказлашган (асосий маъмурий жамоат биноларни битта майдонда, кучанинг бир булагида, хиёбонда в.б. жойлаштирилади) ҳамда марказлашган (нонвойхона,ҳамом,ут учириш жамичти ишлаб чиқариш минтакаси томон жойлашади) булиши мумкун. Меъморчилик нуктаи назардан жамоат маркази учун марказий кучадан аник куринадиган жой булиб амфитиатр кўринишидаги киялик таги, тепалик булиши мумкун.

Парк учун жойнинг ландшафтини эътиборга олиб (сув хавзаси буйида, кияликлар ва хакозо) уни жамоат маркази билан унгай алока қилишини ҳисобга олган жой ажратиш зарур.Ободонлаштириш учун сарфланадиган харажатларни иқтисод қилиш максадида уни посёлка чеккарогига жойлаштириш ҳам мумкун.

***3.Асосий кучаларни лойиҳалаш.***

Посёлка худудини функционал минтакалаш масаласи хал этиш билан бир вактда асосий кучаларни жойлаштиришга киришмок зарур. Бунда биринчи

навбатда посёлкага кириш кучасини жамоат маркази яшаш худудлари, парк ҳамда ишлаб чиқариш минтакаси билан боглаш талаб килинади. Ишлаб чиқариш минтакасидаги комплексларни узаро ҳамда магистрал боглаш учун асосий йўлаклар белгиланади.Посёлка элементларини узаро боглайдиган кучалар тизими унинг компазициясини аниклайди.Компазиция ечим майда миқёсли тасвирлар кўринишида бир неча вариантда ишлаб чикилади. Лойиҳалаш умумий ечимдан аник ечимга утиш принципи буйича олиб борилади. Хар бир кейинги ечим олдинги хал килинган ишларга аниклик ёки узгартирмалар киритиш мумкун. Куча тармокларини жойлаштиришда ёнгинга карши, санитария-гигиена, инжинерли техникавий меъморий композиция ҳамда иқтисодий каби бир катор умумий талабларни ҳисобга олиш зарур.

Қурилишларнинг ёнгинга чидамлилигини ҳисобга олган ҳолда кварталларнинг узунлиги 300-500 м гача белгиланади.

Санитария-гигиена талабларини бажара бориб куча тармокларини шундай жойлаштириш зарурки, улар маълум бир микдорда шамол ёки юкори хароратнинг таъсирини камайтириш имконини бериши керак. Узбекистон шароитида кишда биноларга ёруглик, куёш нури тушиб туриши каби талабларни бажаришда кучаларни экваториалжойлаштириш натижасида эришилади (гарбдан шаркга). Кучли шамол эсадиган районларда кучаларни ососий шамол йуналишига 15-75° бурчак Билан жойлаштириш ижобий натижа беради. Инжинерли-техник талаблардан биттаси ортикча ҳамда ер ишларини бажаришни камайтириш унинг учун жойнинг табиий релъефига купрок мослашиш зарур. Сугорилиб дехкончилик килинадиган вохаларда жойнинг релъефи куча тармокларини жайлашишига таъсир этувчи мухим омиллардан бири булиб ҳисобланади. Ундан тўғри фойдаланиш томорка участкаларни, кварталлар ҳамда посёлканинг бутун худудини сугориш учун, шунингдек, ичимлик ҳамда чикинди сув тармокларини ва бошқа ободонлаштириш элементларини жойлашиш учун яхши шароит яратади.Кучаларнинг буйлама кияликлари 0,5 дан 4 % гача, йўл куйиладиган 0,2 дан 10 % гача булади. Кучаларни кесишда уткир бурчаклар хосил булмасин. Кучалар кенглиги қуйидагича кабул килинади: хиёбон типидаги 30-35 м, бош йўллар 18-20 м, яшаш уйлари атрофидаги йўллар 12-15 м, тор кучалар 6-10 м.

Посёлка кучаларини танлаш ҳамда жойлаштиришга куйиладиган меъморий-лойиҳалаш талабларнинг максади посёлканинг барча кисимларини яхлит килиб боглайдиган лойиҳа ва қурилишнинг тугалланган меъморий тизимини яратишга йуналтирилган. Иқтисодий талаблар эса кучалардан фойдаланиш майдонларини ташкил этиш ҳамда кучаларни ободонлаштиришнинг оптимал шароитларини саклаган ҳолда уларни танлаш ва фойдаланишга сарфланадиган харажатларни камайтиришга йуналтирилган.

## ***4.Аҳоли яшайдиган кварталларни лойиҳалаш.***

Узбекистоннинг сугориладиган туманлардаги қишлоқ посёлкалар таркибида аҳоли яшаш кварталлари барча посёлка майдонини 60 % гача эгаллайди, шу сабабли улар посёлка таркибига катта таъсир кўрсатади. Кварталлар жойнинг шароитига ва лойиҳанинг композициясига караб турли шакилларда булиши мумкин. Кварталларнинг шакллари-узунлиги, энди ва майдони куп жихатдан лойиҳага кабул килинган кучалар тизими билан боглик. Иложи борича икки томонлама қурилишларга эга бўлган тўғри бурчакли шаклдаги йирик кварталларни лойиҳалашга интилиш зарур.Жамоат марказига олиб борадиган кучаларни безаш пайтидагини баъзи бир кварталларни уч ва турт томанлама қурилишларни саклаб колиш мумкун.Кварталнинг узунлиги 5000 м дан ошмаслиги эни эса уни узунлигидан ошиб кетмаслиги керак.

Аҳолининг уйлари ҳамда жамоат бинолари асосан кўриниши билан кучага караган ҳолда жойлаштирилади. Уларни кизил чизикдан 3-5 м квартал ичига киритган ҳолда жойлаштириш лозим. Томорка учаскасининг эни санитария, ёнгинга Карши ва хўжалик талабларига боглик. Томорка учаскасининг максадга мувофик шакли тўғри бурчак ҳисобланади.Уларнинг эни узунлигига нисбатан 1:2, 1:3, 1:4, булиши мумкун. Уй олдида, яъни кизил чизик билан уй орасида гулзор яратилади. Бу жой ҳам яхши кукаламзорлаштирилади. Хўжалик ховлиси участкаси ичкарисида жойлашган биноларга ббирлашган булади. Яшаш ховлиси хўжалик ховлиси билан унгай богланган булиши керак. Томорка участкасининг бошқа кисми бог ва пайкаллар Билан банд килинади.

***5.Жамоат марказий майдонини лойиҳалаш ва маъмурий ҳамда маданий-маиший биноларни жойлаштириш.***

